*Ватан ҳимояси — иймон рамзи*

# ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

**2009** йил, **6** февраль, жума № **6** (2289). | Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Пятница, **6** февраля, **2009** год, № **6** (2289). | Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда

**E-mail: vatan@rol.uz**

В розницу – цена договорная

...ЭНГ МУҲИМИ, АҲОЛИМИЗ, БИРИНЧИ НАВБАТДА ЁШЛАРИМИЗ ЎРТАСИДА ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИНГ ОБРЎ-ЭЪТИБОРИ ЮКСАК ДАРАЖАГА КЎТАРИЛДИ, АРМИЯДА ХИЗМАТ ҚИЛИШ ТОМ МАЪНОДА ШОН-ШАРАФ ИШИГА АЙЛАНДИ.

**Ислом КАРИМОВ**

## МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРНИ ИНОБАТГА ОЛИШ – КОЛЛЕКТИВ ХАВФСИЗЛИК СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК АСОСИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (ОДКБ) Коллектив хавфсизлик кенгашининг 4 февраль куни Москва шаҳрида бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида иштирок этди.**

Хавфсизлик омили ҳар қандай тараққиётнинг асосидир. Бугун ҳеч бир мамлакат ҳозирги замоннинг глобал хавф-хатар ва таҳдидларидан ўзини мутлақо фориғ, деб кафолат бера олмайди. Президент Ислом Каримов мустақилликнинг дастлабки йилларидан ҳар қандай давлатнинг хавфсизлиги ва барқарорлиги фақат унинг ўзигагина боғлиқ эмаслигини, бунинг учун кенг кўламдаги халқаро ҳамкорлик зарурлигини таъкидлаб келади. Сўнгги йилларда рўй берган воқеалар бу фикрнинг тўғрилигини яна бир бор тасдиқлади.

Маълумки, терроризм, экстремизм каби ҳозирги замон хавф-хатар ва таҳдидлари чегара билмайди. Бу таҳдидлар сирасига айирмачилик, наркотик моддаларнинг ноқонуний айланиши ва қурол-яроғ контрабандаси ҳам киради. Айни пайтда улар ўзаро боғланиб кетган ва бир-биридан қувват олади.

Бундай мураккаб шароитда ОДКБга аъзо давлатларнинг мазкур хавф-хатарларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва бартараф этишдаги ҳамкорлигини янада ривожлантириш айниқса долзарб аҳамият касб этади.

ОДКБ Коллектив хавфсизлик кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев, Арманистон Республикаси Президенти Серж Саргсян, Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Қурманбек Бакиев, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон иштирок этдилар.

Саммитда ОДКБнинг коллектив оператив ҳаракат кучларини тузиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу масала юзасидан фикр алмашув чоғида Президентлар тузилаётган коллектив оператив ҳаракат кучларининг таркибини, ваколат ва мажбуриятларини чуқур ўрганиш зарурлигини таъкидладилар. Мамлакатимиз раҳбари бунда ОДКБга аъзо давлатларнинг миллий манфаатларини, миллий қонунчилиги талабларини, шунингдек, минтақадаги мавжуд вазиятни инобатга олиш муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

ОДКБ Коллектив хавфсизлик кенгашининг навбатдан ташқари сессияси якунида ташкилот фаолиятини янада такомиллаштириш борасидаги таклифлар асосан маъқулланди.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
**Тошкент – Москва – Тошкент.**



Бахром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.

***Энди биз ҳам аскар — юрт посбонимиз!***

HAFTADAN HAFTAGACHA HAFTADAN HAFTAGACHA HAFTADAN HAFTAGACHA HAFTADAN

O'ZBEKISTON

## HAFTADAN HAFTAGACHA

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга 3 февраль куни Оқсаройда Швейцария Конфедерацияси, Ҳиндистон Республикаси ва Чехия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчилари этиб тайинланган – Анн Боти хоним, Манал Шах Алкадри, Роберт Копецки ишонч ёрлиқларини топширди.

●

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театрида римлик жаҳонга машҳур мусиқачи ва дирижёр Жанфранко Бортолатонинг жорий йилдаги илк гастрол концерти бўлиб ўтди. Тадбир Италиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликдаги лойиҳа доирасида ташкил этилди.

●

Ўзбекистон Республикаси Олий судида умумий юрисдикция судларининг 2008 йилда одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолияти ҳамда келгусидаги устувор вазифаларга бағишланган кенгайтирилган раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Олий суд судьялари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва унга тенглаштирилган судлар раислари иштирок этди.

## ШУ СОНДА


- **... Туйқусдан эшитилган товуш соқчини ҳушёр торттирди** — 4
- **Яна ғолиб, яна музаффар** — 6
- **Нотўғри танбеҳнинг аччиқ меваси** — 10
- **«Боинг» ўсимлик ёнилғиси билан парвоз қилди** — 11
- **TV дастур** — 12–13
- **Сканворд. Гороскоп. Табассум.** — 15
- **10 долларга ноутбук оласиз** — 16
- **Икки бора Нобель мукофотини олган олима** — 19
- **Шеърият мулкининг шоҳу султони** — 20
- **Курсантларнинг қишки олимпиадаси** — 22





**2** СЕНИНГ ҚАҲРАМОНЛАРИНГ, ЎЗБЕКИСТОН! — **ФИДОЙИ ВА ЖОНКУЯР ЎҒЛОН**





**4** ЎҚУВ МАВСУМИ МАШҒУЛОТЛАРИДА — **МАҲОРАТ – ЭКИПАЖ МУВАФФАҚИЯТИНИ ТАЪМИНЛАДИ**





**18** МАЪРИФАТ — **МАЪНАВИЯТ ГАВҲАРЛАРИ ЖАМЛАНГАН БУНДА**





**23** ЧЕМПИОНАТ ВОЙСК МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ — **ЧВТКИУ УДЕРЖИВАЕТ ЧЕМПИОНСКИЙ ТИТУЛ**

# АНЖУМАН

## ОСОЙИШТАЛИГИМИЗ БАРҚАРОРЛИГИ – ФАРОВОН ТУРМУШ АСОСИ

**Истиқлолга эришилгач, устувор вазифаларимиздан бири озод ва эркин ҳаётни, ўз тараққиёт йўлимизни ҳимоя қилишга қодир мустаҳкам Қуролли Кучларни тузишга қаратилди.**

Шуни қувонч билан таъкидлаш лозимки, кейинги йилларда Президентимиз бошчилигида миллий армиямизда олиб борилаётган ислоҳотлар самараси ўлароқ, Қуролли Кучларимизнинг шакл ва қиёфаси тубдан ўзгарди. Соҳага қизиқиш ва ҳавас ортиб, ҳарбий хизмат шон-шараф ишига айланди.

Биргина фуқароларнинг муддатли ҳарбий хизматни ўташ тизимини ислоҳ қилиш бўйича миқёси ва моҳияти жиҳатидан муҳим аҳамиятга эга бўлган ишлар, фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга танлов асосида саралаб олиш тартиби, чақирув комиссияларининг ишида ошкораликни ва самарали жамоатчилик назоратини таъминлаш учун улар таркибига маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва жамоат ташкилотларининг вакиллари киритилгани Қуролли Кучларни чақирилувчилар билан тўлдиришни сифат жиҳатидан яхшилаш имконияти бераётганига алоҳида тўхталиб ўтиш мумкин.

Марказий офицерлар саройида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси, Мудофаа вазирлиги ва Ҳарбий прокуратура билан ҳамкорликда ўтказилган «Ҳарбий ҳуқуқ ва унинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида интизомни мустаҳкамлашдаги аҳамияти» мавзусидаги анжуманда шу ҳақда гап борди.

Тадбирда сенаторлар, депутатлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этишди.

Анжуманни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси М.Усмонов кириш сўзи билан очди.

Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари полковник Т.Ҳамроқулов ўз сўзида Юртбошимизнинг Ватан ҳимоячилари куни ва Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 17 йиллик байрамига бағишланган Мурожаати айни кунларда ҳарбий қисм ва бўлинмаларда чуқур ўрганилаётгани, бу борада машғулотлар, давра суҳбатлари ва савол-жавоб кечалари мунтазам ўтказилаётганини таъкидлади.

Президентимиз томонидан белгилаб берилган устувор вазифаларнинг ижроси юзасидан олиб бориладиган тарбиявий ишларни янада такомиллаштириш, барча бўғиндаги командирларнинг фаолияти офицерлар, сержантлар ва аскарларда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни тарбиялаш, фаол ҳаётий позиция ҳамда ватанпарварлик, мамлакат тақдири учун масъулият ҳисси билан яшаш, юртимиз мустақиллиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш туйғусини янада кучайтиришга қаратилиши лозимлигига тўхталиб ўтди.

Тадбирда шунингдек, Мудофаа вазирлиги масъул ходими адлия подполковниги М.Тожиев, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг ўринбосари адлия подполковниги С.Жўраев, Қуролли Кучлари Академияси бошлиғи генерал-майор Ф.Усмонов ва бошқалар кун тартибидаги масалалар юзасидан маъруза қилишди.

**Дилшод КОМИЛОВ.**
**Алишер МУҲАМЕДОВ суратга олган.**





Сенинг қаҳрамонларинг, Ўзбекистон!

## ФИДОЙИ ВА ЖОНКУЯР ЎҒЛОН



**Шартнома бўйича хизмат сержанти Руслан Мусаев сержантлар тайёрлаш мактабининг техниги вазифасида хизмат қилади. Дунёқараши кенг посбон ҳар қандай мавзуда сиз билан бемалол баҳслашиб, эътиборингизни ўзига тортади. Унинг шартнома асосидаги хизматига саккиз йилдан ортиқ вақт бўлди. Бу давр мобайнида йигит ҳарбийча ҳаётнинг янгича қирраларини забт этиш баробарида ўз билимларини янада бойитди. Таъкидлаш жоизки, сержант фидокорона хизматлари ҳамда ўз вазифасига сидқидилдан ёндашиб келгани учун Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Президентимиз Фармонига кўра «Шуҳрат» медали билан тақдирланди. Бундай юксак эътирофга муносиб бўлиш учун посбон ҳар томонлама фидойи ва жонкуяр бўлиши лозим. Лавҳамиз қаҳрамони эса мана шундай фазилатлар эгаси.**

– Ёшлигимдаги энг катта орзуим ҳарбий бўлиш эди, – дейди сержант Мусаев. –Самарқанд механика-иқтисодиёт билим юртида ўқиб юрганимда орзуим қалбимда янада алангаланди. Ниҳоят, муддатли ҳарбий хизматга чақирилдим. Ўша пайтдаги хурсандчилигимни сўз билан таърифлаш мушкул. Чунки ҳарбий хизматга келиб орзуим сари олдинга бир қадам ташлаганимни ҳис қилдим. Муддатли хизмат тугагач, шартнома асосида хизматни давом эттирдим. Аввалига ҳайдовчи, кейин эса секция командири, гуруҳ командири вазифасида хизмат қилдим. Мана шунга ҳам бир неча йиллар бўлди. Мен ўз касбимни севиб ардоқлайман. Боиси, ҳарбийликни фидойилар, асл мардлар касби деб биламан. Она заминимизни ҳақиқий ватанпарвар ўғлонларгина муносиб ҳимоя қила оладилар. Мен ушбу эътирофни доимо ёдда тутиб, вазифамни сидқидилдан бажаришга ҳаракат қиламан. Бундан руҳланаман.

Ҳа, бугун миллий армиямизни замонавийлаштириш натижасида посбонларга қўйилаётган талаблар ўзгарди. Сержантлар тайёрлаш мактабларидаги йўриқчи-ўқитувчилар таркиби профессионаллашди. Чунки Қуролли Кучларимизда хизмат қилаётган посбонлар нафақат жисмонан, балки маънан баркамол бўлишларини ҳам замон тақозо этмоқда. Шу туфайли сержантликка номзодларни танлаш муайян тизим асосида амалга оширилмоқда. Руслан Мусаев хизмат қилаётган ҳарбий жамоа ҳам мана шу мақсад йўлида фаол хизмат қилмоқда.

Посбоннинг намунали хизматида аҳил оиланинг ҳам ўрни беқиёс. Уй бекаси, яъни рафиқаси Гулчеҳрахон шарқ аёлларига хос назокати, фазилатлари билан соғлом оила муҳитини яратишга интилади. Шу туфайли бўлса керак, сержант хизматдан бўш вақтларини оиласи даврасида ўтказишни хуш кўради. Оила қувончи бўлган уч нафар фарзанд – Рушана, Самира ва кичкинтой Шоҳжаҳонлар дадалари уйга кириб келиши билан унинг бағрига отилади. Ҳа, оила бахти фарзанд билан чароғон. Болали уй шодлик ва хурсандчиликка тўла деганларидек, Руслан фарзандларининг ширин сўзларини эшитиб, ёқимли эркаликларини кўриб кўкси тоғдек кўтарилади. Бу эса ҳар қандай чарчоғу ҳорғинликларни бартараф этади.

Посбон кўҳна Самарқанднинг Оқдарё туманидан. Отаси – Нарзулло аканинг касби ўқитувчи бўлиб, элу юртга хизмати сингган заҳматкаш инсон. Ҳозирда нафақада. Онаси – Мавжуда ая ҳам узоқ йиллар ўқитувчи бўлиб ишлаган. Қишлоқда бу онахонни барча бирдек ҳурмат билан тилга олади. Тиниб-тинчимас онахон маҳалла фаоллари сафида кўплаб оилаларнинг тинч-тотув турмушини таъминлашга хизмат қилиб келаяпти. Мана шундай меҳридарё инсонларнинг фарзандлари ҳам албатта, улар сингари ҳурмат топишади. Буни ҳарбий ўғилнинг намунали хизмати мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бугун Руслан сингари Қуролли Кучларимиз сафида она Ватан хизматида бўлишга аҳд қилган азаматлар бисёр. Уларнинг ҳар бир саъй-ҳаракатларида жасорат, қатъият акс этиб туради. Чунки улар бу касбни мажбуриятдан эмас, қалб даъватига қулоқ тутиб танлашган. Инсон ҳаётда доимо қалб амри билан қилган ишлари билангина юксак чўққиларни забт этиши мумкин. Бу ҳаётий ҳақиқатнинг исботини бугунги қаҳрамонимиз мисолида ҳам кўриш мумкин.

**Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА.**
**Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.**

# МУНОСАБАТ

Республика ҳарбий прокуратурасида

## КЕЛГУСИДАГИ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратураси мажлислар залида кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди.**

Ҳайъат мажлисида 2008 йил давомида Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси органларининг Қуролли Кучларда қонунийликни мустаҳкамлаш, ҳарбий хизматчилар ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида қилинган ишлари муҳокама қилинди.

Кун тартибидаги масала юзасидан Республика Ҳарбий прокурорининг ўринбосари адлия подполковниги С.Жўраев маъруза қилиб, 2008 йилда Ҳарбий прокуратура органлари томонидан амалга оширилган ишлар, эришилган натижалар ҳамда йўл қўйилган айрим камчилик ва нуқсонлар ҳақида тўхталди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари – Республика Ҳарбий прокурори адлия генерал-майори Ш. Узаков Юртбошимизнинг 2009 йилни «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилиши муносабати билан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар олдига қўйилган вазифаларни бенуқсон бажариш, Қуролли Кучларда қонун устуворлигини таъминлаш, ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш, қонунбузарликларнинг олдини олишнинг фаол самара берадиган чораларини татбиқ этиш лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Мажлисда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари А.Шарафутдинов мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида давом эттирилаётган ислоҳотларнинг мазмуни ва моҳияти, қонунлардаги ўзгартиришларни амалиётга татбиқ қилиш, прокуратура органларига қўйилаётган талаб ва вазифалар ҳақида фикр юритди.

Ҳайъат қарорига биноан, Юртбошимизнинг «Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 17 йиллик байрамига бағишланган Мурожаати»дан келиб чиқадиган талаблар асосида Республика Ҳарбий прокуратурасида ишлаб чиқилган Дастур ижросини тўлақонли таъминлаш ҳарбий прокуратура органларининг 2009 йилдаги фаолиятида асосий вазифа қилиб белгиланди.

Кун тартибидаги масала юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Адлия подполковниги Фарҳод ОМОНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси бўлими катта ҳарбий прокурори.**

## ҲАРБИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК ТАРҒИБОТИ МАСАЛАЛАРИ

Бугун жаҳон миқёсида кечаётган глобаллашув жараёнида турли сиёсий кучлар ва марказларнинг «оммавий маданият» ниқоби остида аҳолининг кенг қатламлари, айниқса, ёшларнинг қалби ва онгини эгаллашга қаратилаётган уринишлари, ошкора ва пинҳона ахборот хуружлари тобора кучайиб бораётгани матбуот хизматлари олдига жамоатчиликни тезкор, холис ва ҳаққоний ахборот билан таъминлашда фаолликни оширишдек масалаларни қўймоқда.

Хусусан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги марказий матбуот органи «Ватанпарвар» газетаси, шу номдаги телекўрсатув ва матбуот хизмати ягона ахборот тизимини ташкил этиб, давлатимизнинг мудофаа соҳасида ягона ахборот сиёсатини олиб бориш, аҳолини, миллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларини вазирлик фаолияти хусусидаги маълумотлар билан таъминлаш, ҳарбий ислоҳотларнинг бориши ва уларни кенг тарғиб-ташвиқ қилиш, ёшларни ҳарбий бурчга ва миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида камол топтириш ҳамда миллий анъаналарни кўз қорачиғидек асраб-авайлаб келаётган, она Ватан хавфсизлиги, халқимизнинг тинч меҳнати ва осойишта ҳаётини, мамлакатимизнинг демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан изчил тараққий этишини таъминлашнинг ишончли кафолатига айланган миллий армиямизнинг шакл ва қиёфасини янада ёрқинроқ ҳолда кўрсатишдек вазифаларини бажариб келмоқда.

Бу борада жамоатчиликни тезкор, холис ва ҳаққоний ахборот билан таъминлаш мақсадида тизим вазифалари доирасида оммавий ахборот воситаларига хабарларни тайёрлаш ва тарқатиш, мудофаа вазирлиги раҳбарияти ва ходимлари иштирокида мунтазам матбуот анжуманлари, брифинглар, суҳбат ва учрашувлар ўтказиш, ҳарбий мавзуда бадиий-публицистик асарлар тайёрлашда муаллифларга яқиндан ёрдам бериш, нашр этилган маълумотлар мониторинги, таҳлили, статистикаси каби маълумотлар базаси тизимини тузиш сингари ишлар ташкил этилган.

Шулар қаторида оммавий ахборот воситалари билан режали ҳамкорлик ўрнатилиб, ҳарбий мавзуни ёритувчи журналистлардан иборат гуруҳга таянган ҳолда уларни мавзуга тегишли маълумотлар, ҳарбий атама ва тушунчалар, ҳарбий хизматнинг ўзига хос томонлари хусусидаги маълумотлар билан таъминлаш, шунингдек, дала-ўқув машғулотлари майдонларида ва қисмларда хавфсизлик талаблари бўйича уларга махсус йўриқномалар ўтказиш ишлари жорий қилинган.

Қуролли Кучларимизда ўтказилаётган кенг кўламли тадбирларни, ҳарбий ўқув машғулотларини тўлиқ ва талабларга мувофиқ ёритиш, ахборот таъминотини мувофиқлаштириш мақсадида жойларда, яъни ҳарбий округлар, қўшилма ва қисмларда, ҳарбий ўқув муассасаларида вақтинчалик матбуот марказлари ташкил этилиб, уларнинг иш юритиш тартиби жорий қилиниши оммавий ахборот воситалари билан алоқа ўрнатиш, ёритиладиган мавзу ва материалларни тайёрлашда ёрдам кўрсатиш, журналистларни ёритилаётган мавзу юзасидан зарур маълумотлар билан таъминлаш вазифаларининг сифатли ҳал қилинишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бундан ташқари журналистларни бевосита машғулотлар ўтаётган жойларга (полигон, ҳарбий шаҳарча, ўқув нуқталари ва ҳоказоларга) олиб бориш ва шахсий таркибни суратга, тасвирга тушириш, бераётган маълумот ва фактлари мувофиқлигини, барча меъёр ва талабларга мослигини таъминлаш ва ҳисобга олишда ишни бундайин ташкил этиш ўз самарасини беряпти.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ватан ҳимоячилари кунини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Фармойиши ижросини таъминлаш доирасида тизим томонидан оммавий ахборот воситалари билан, хусусан, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги билан ҳамкорлик ўрнатилиб, режалар тузилди ҳамда жойларда вақтинчалик матбуот марказлари ташкил этилган ҳолда иш олиб борилди.

Режалаштирилган чора-тадбирлар доирасида ҳарбий ва аккредитациядан ўтган журналистлар иштирокида матбуот анжуманлари ва брифинглар ўтказилиб, пресс-релизлар, ҳарбий мавзуга оид рангли фотосурат, фотоколлаж, фотокомпозициялар тарқатилиб электрон ва босма оммавий ахборот воситаларида ҳарбий-ватанпарварлик мавзуида 1500 дан зиёд мақола, 270 та телекўрсатув ва 500 дан зиёд радиоэшиттиришлар тайёрланди ва уларда 100 дан ортиқ давлат мукофотлари билан тақдирланган, танловларда ғолибликни қўлга киритган посбонлар ҳамда армиячи спортчиларнинг чиқишлари ташкил этилди.

Мазкур тизим бу каби маълумот ва хабарларнинг кенг халқ оммасига ўз вақтида холислик билан етказиб берилиши, уларнинг армия ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириш билан бирга, ёшларимизда миллий истиқлол ғояларига садоқат ҳамда ватанпарварлик туйғулари шаклланишига хизмат қилмоқда.

Ҳарбий-ватанпарварлик, умуман ватанпарварлик мавзуси тарғиботи ўзига хос, устувор бир аҳамият касб этишини яхши биламиз. Шундан келиб чиқиб, мазкур йўналишда иш олиб борадиган мутахассислар тайёрланишига эътиборни кучайтириш, бу мавзуни ёритаётган нашрларни қўллаб-қувватлаш, ижодкорларни рағбатлантириб бориш учун жамғарма ташкил этиш, махсус грантлар ажратилишини йўлга қўйиш ўринли бўларди.

**Полковник Раҳимжон НУРНАЗАРОВ,**
**Мудофаа Вазирлиги Матбуот Котибияти бошлиғи.**

Президент Мурожаатини ўрганамиз

## РУҲЛАНТИРАР ИШОНЧ ИЛА ҒАМХЎРЛИК



**Юртбошимизнинг Қуролли Кучларимизнинг 17 йиллик байрамига бағишланган Мурожаатида: «Қуролли Кучларимизда хизмат қилаётган сержантларимиз шахсий таркибининг юксак жанговар ва сиёсий тайёргарлигини таъминлаш, ҳарбий қисм ва бўлинмаларда соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни, ҳарбий тартиб-интизомни сақлашнинг чиндан ҳам муҳим омилига, мухтасар айтганда, армиямизнинг асосий ўзагига айланди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз» дейилади. Ушбу эътироф Қуролли Кучларимиз Олий Бош қўмондони томонидан ҳаётини Ватан ҳимоясини таъминлаш, осойишталикни асрашдек эзгу вазифага бағишлаган профессионал посбонларимизнинг масъулиятли ва шарафли хизматларига берилган юксак баҳо, шу билан бирга уларга билдирилган ишонч, кўрсатилаётган чуқур ҳурмат ва эҳтиром ифодасидир.**

Бундайин самимий сўзлар юрт хизматига камарбаста ўғлонларимизни янада ғайрат-шижоатга ундаб, ғалабалар сари руҳлантиришига шубҳа йўқ. Айни кунларда ҳарбий қисм ва бўлинмаларда мазкур Мурожаатни ўрганишга бағишланган машғулотлар, давра суҳбатлари ва савол-жавоб кечалари ўтказиб бориларкан, уларда армияни яна ҳам такомиллаштириш, жанговар шайликни ошириш, замонавий ҳарб илмини эгаллаш борасида амалга ошириш зарур бўлган вазифаларнинг мазмун-моҳиятини чуқур тушуниб етишга аҳамият берилмоқда.

Ана шундай машғулотлардан бирини – офицер Иброҳим Зайниддинов бошчилигида сержантлар ва шартнома бўйича ҳарбий хизмат оддий аскарларининг Мурожаатни ўрганаётганларини кузатиб, профессионал посбонлардаги зўр иштиёқ ва интилишни ҳис қилдим.

– Батальонимизда ўз касбининг билимдони бўлган, тажрибали ва маҳоратли сержантлар кўпчилик, – дейди машғулот раҳбари. – Биз офицерлар хизматимиз давомида, айниқса, шахсий таркиб билан ишлаш ва ёш аскарларни армия ҳаётига ўргатиб боришда доимо сержантларнинг ёрдамига таянамиз. Кичик командирлар аскарларга жанговар навбатчиликни ўташ, қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникалардан фойдаланиш, дала-ўқув машғулотларидаги тартиб-қоидаларни ўргатиш борасида самарали фаолият олиб бормоқдалар. Таъбир жоиз бўлса, улар аскарларни бу борада тарбиялайдилар, хизматни ўташ юзасидан кўникмаларини ошириб борадилар. Бу каби вазифалар тарбиявий аҳамиятга эгалиги, ёш авлод қалбида Ватанга, ҳарбий бурчга ва Ҳарбий қасамёдга содиқлик туйғуларини янада мустаҳкамлаши билан ҳам характерлидир. Зеро, ҳар бир командир аввало тарбиячи, устоз ва мураббий саналади. Юртбошимиз Мурожаатида «Барча бўғиндаги командирларнинг фаолияти офицерлар, сержантлар ва аскарларда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни тарбиялаш, фаол ҳаётий позиция ҳамда ватанпарварлик, мамлакат тақдири учун масъулият ҳисси билан яшаш, юртимиз мустақиллиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш туйғусини янада кучайтиришга қаратилиши лозим» дея таъкидланганидек, энг аввало ҳарбий хизмат моҳиятини посбонлар қалбига етказиб беришга асосий эътиборни қаратамиз.

– Юрт ҳимоячилари доимо давлатимиз раҳбариятининг эътиборида экани ҳарбий хизматчиларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилишга янада кенг эътибор қаратилиши борасидаги фикрлардан таъсирландим. Биз Мурожаатдан келиб чиқиб, бундайин эътиборга муносиб хизматларимиз билан жавоб қайтарамиз, – дейди профессионал посбон Нурали Эшқулов.

Дарҳақиқат, эл-юртга хизмат қилганлар кам бўлмайди, уларни эл улуғлайди. Ҳарбий касбни бурч деб, шараф деб билган ва ҳаёти мазмунини шу соҳадан топишни мақсад қилган мардлар доимо эъзозланадилар.

**Катта лейтенант Шаҳриёр КОМИЛОВ.**
**Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.**

# АМАЛИЁТ

Ўқув мавсуми машғулотларида

## МАҲОРАТ – ЭКИПАЖ МУВАФФАҚИЯТИНИ ТАЪМИНЛАДИ

...Дала-ўқув майдони. Ялангликни чанг-тўзон қоплаб, гуриллаган товушлар эшитилмоқда. Офицер Рустам Саидов режасига кўра, посбонлар ўқ отиш машқларини тугатишлари билан полигонга зирҳли техникалар келиши керак. Танклар муайян оралиқ масофани сақлаган ҳолда отиш майдончаси томон келаяпти. Биринчи бўлиб етиб келган сержант Зоҳид Назаров экипажи танкни белгиланган жойда тўхтатиб, бортдан тушиб сафланишди. Тегишли кўрсатмаларни олган экипаж шахсий таркиби ўз жойларини зудлик билан эгаллаб, ўқ отиш нуқтасига йўл олишди.

– Техника қўш қанотим, – дейди механик-ҳайдовчи кичик сержант Шукурали Охунжонов. – Уни бошқариш анча билим, тажриба ва маҳорат талаб қилади, посбондан. Ҳамиша жанговар шай бўлишини таъминлаш мақсадида унинг техник ҳолатини ҳар куни назорат қилиб, машғулотлар вақтида бирон-бир носозлик келиб чиқмаслиги учун ҳаракат қиламан.

Экипаж командири пайдо бўлувчи ва ҳаракатланувчи нишонларга ўқ отиш машқини бажаришга тайёр эканлигини билдирганидан сўнг, нишон кўтарилди. Командирнинг буйруғига биноан ўқловчи оддий аскар Шокир Норқобилов дарҳол ўқ-дорини тайёрлади ва командирга ахборот берди. Нишонга олувчи кичик сержант Даврон Хушназаров нишоннинг қаерда ва қандай ҳолатда жойлашганлигини аниқлаб, мўлжалга олди ҳамда командирнинг буйруғини кута бошлади. Сержант З.Назаров яна бир бор масофани ва нишоннинг жойлашиш тартибини текшириб, ўт очишга буйруқ берди. Ўт очилди, нишон яксон этилди. Кичик сержант Ш. Охунжонов танкни олға ҳайдади. Энди улар окопда турган ҳолда нишонга ўқ узишлари лозим. Бу вазифа ҳам аъло даражада бажарилди.

Навбатдаги нишонга ҳаракат давомида ўт очиш керак. Нишон чап томонда пайдо бўлди. Тезлик ва аниқлик билан ҳаракат қилган экипаж аъзолари бу сафар ҳам аниқ мўлжалга олишди. Экипаж олдига қўйилган вазифа муваффақиятли бажарилди.

– Юқори жанговар тайёргарлик, маҳорат ва тажриба, билим ва кўникма ҳамиша ғалаба келтиради, – дейди экипаж командири сержант З.Назаров. – Танк экипажининг ҳар бир аъзоси қўйилган жанговар топшириқни, танкнинг ва бошқа зирҳли техникаларнинг жанговар имкониятларини, шартли душманнинг кучли ва кучсиз томонларини, танк ичидаги кузатув асбобларини пухта билиши ҳамда улар билан бемалол ишлай олиши керак.

Офицер Рустам Саидовнинг таъкидлашича, сержант Зоҳид Назаровнинг экипажи 2006 йилда ўтказилган «Энг илғор танк экипажи» танловида 2-ўринга сазовор бўлишган. Ишончимиз комилки, посбонлар мавсум давомида бор билим ва маҳоратларини намоён қилишиб, илғорликнинг янги марраларини эгаллашади.



## СЕРГАКЛИК – БУРЧГА СОДИҚЛИКДАН

**Она Ватанни ҳимоя қилиш, халқ ишончини оқлаш, фаровонлигини таъминлашдек шарафга муяссар бўлиш ҳар бир эр йигит учун ғурур ва ифтихордир. Буни яхши англаган юрт ҳимоячилари ўз бурчларини сидқидилдан бажариб, сарҳадларимизда ҳамиша шай ва сергак туриб, вазифаларини виждонан ўташмоқда.**





... Тун. Техника паркида ўз вазифасини ўтаётган соқчи доимгидек ҳушёр ва сергак. Постни қабул қилиб олганига йигирма дақиқалар бўлди. Соқчи кичик сержант Бунёд Мирсаидов пост ҳудудида белгиланган йўналиш бўйича айланиб юрар экан, туйқусдан эшитилган товуш уни ҳушёр торттирди. Тезда қоровул бошлиғига хабар бериш керак. Посбон ишонч билан, аниқ ҳаракат қилди. Қоровул бошлиғи офицер Содиқ Ҳамдамов зудлик билан қисм навбатчисига соқчи берган ахборотни етказди ва қоровуллар билан биргаликда постга етиб келди. Тезкор ҳаракат натижасида номаълум қоидабузар ушланди. Соқчининг сергаклиги ва аниқ ҳаракати унинг низомларга қатъий риоя қилиши ҳамда яхши билишини қолаверса, Ватанга, бурчига садоқатини кўрсатди. Соқчи кичик сержант Б.Мирсаидов қоровул хизматини аъло тарзда ўтаганлиги учун қисм қўмондонлиги томонидан муносиб тақдирланди ва унинг жасорати сафдошларига ўрнак қилиб кўрсатилди.

– Қоровулларни танлашда уларнинг руҳий ҳолатига ҳам эътибор берамиз, – дейди қоровул бошлиғи офицер С.Ҳамдамов. – Улар низом талабларини яхши билган, постда турганда, ҳар қандай кўнгилсизлик рўй берганда ўзини йўқотмасдан тез ва аниқ ҳаракат қила оладиган бўлиши керак. Шунингдек, ўзига ишониб топширилган постни сергаклик билан қўриқлаши ва ҳимоя қилиши шарт. Шуни инобатга олган ҳолда қоровулга посбонларни танлашдан олдин улар билан тайёргарлик машғулотлари ўтказилади.

Қоровулга тушишдан олдин посбонлар жанговар қуролдан фойдаланиш, қўл жанги машқлари, ёнғин содир бўлганда ишлатиладиган асбоб ва ёнғинга қарши воситаларни ишлатиш, низом қоидалари бўйича машғулотлар ўтишади. Шунингдек, постда алмашиш, ҳаракат қилиш, қай ҳолларда қуролни ишлатиш ва огоҳлантириш каби машқларни ҳам бажаришади. Бу машғулотлар қоровуллар шаҳарчасида тажрибали офицерлар томонидан олиб борилади. Машқларни юксак савияда ўтказиш учун шаҳарчада барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган.

Қоровулхонага кирар эканмиз, низом талабларига мос озода хоналар диққатимизни тортди. Қоровулларнинг дам олишлари, овқатланишлари учун керакли шароитлар яратилган. Дам олиш хонасида шашка, шахмат, шунингдек, газета ва журналлар тартиб билан жойлаштирилган. Қоровулхона олдида турган соқчи қоидага амал қилган ҳолда қоровул бошлиғига келаётганлар ҳақида ахборот бериб турибди. Бу посбонларнинг қоровул хизмати қоидаларини пухта ўзлаштирганликларини кўрсатиб турибди.

– Мен шартнома асосида анча йиллардан буён хизмат қилиб келаяпман, – дейди қоровул бошлиғи ёрдамчиси сержант Нусрат Эшонқулов. – Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб юрган кезларимда ҳам кўп бора қоровулга тушганман. Қоровул ва соқчининг вазифаларини жуда яхши биламан. Шундай бўлса ҳам қоровулга тушишдан олдин низом қоидаларини ўқиб, билимимни янада бойитиб бораяпман.

Қоровул бошлиғининг «Қоровул қуроллан, биринчи постга ҳужум» деган буйруғи янгради. Қоровуллар тезкорлик ва аниқлик билан қуролларини олиб, каска ва ўқ ўтишидан сақловчи воситаларни кийиб, сафга тизилиб қоровул бошлиғининг кўрсатмаси асосида ҳар ким ўзига бириктирилган вазифани бажаришга киришди. Қоровулхонада бу каби ўқув машғулотлари кўп бора ўтказилиб турилади. Шунинг учун ҳам ҳар бир қоровул ва соқчи бундай ҳолатларда қандай ҳаракат қилиш лозимлигини жуда яхши билади.

Қоровул бошлиғининг таъкидлашича, шартнома бўйича оддий аскарлар – Одил Қурбонов, Зайниддин Алимов, муддатли ҳарбий хизмат оддий аскарлари – Миртемир Каримов, Элдор Саидов кабилар қоровул хизматини аъло тарзда ўтаётган посбонлардан ҳисобланишади.

Қоровул бошлиғининг ёрдамчиси сержант Н.Эшонқулов навбатдаги қоровулларнинг постга бориш учун тайёргарлик кўришларини айтди. Қоровуллар ўз вазифаларини ўташга шай бўлганларида қоровул бошлиғи яна бир бор уларга соқчининг вазифаси ва мажбуриятлари ҳақида эслатиб ўтди. Шундан сўнг улар қоровул бошлиғининг назорати остида қуролларини ўқладилар. Ёрдамчи сафнинг олдида ҳаракат қилиб, қоровулларни пост томон олиб кетди. Уларнинг шахдам қадам ташлашларига, ўзларига бўлган ишончига қараб, юртимиз тинчлиги, осойишталиги ишончли қўлларда эканлигига яна бир бор амин бўлдик.

**Саҳифани Аҳрор ОЧИЛОВ тайёрлади.**

# ЧАҚИРУВ–2009





## АЖДОДЛАР АНЪАНАСИ БАРДАВОМ

**Ватан ҳимоячиси бўлиш ёшлар учун энг катта орзуга, қатъий мақсадга айлангани, фарзандларнинг миллий истиқлол ғоялари руҳида камол топаётгани, миллий армиямиз нуфузининг ошганлигини кўрсатади.**

Тошкент вилоят мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктида ўғлонларни армияга тантанали кузатиш маросимини кузатиб, аввало, киши қалбини фахр туйғулари чулғаб олади.

Кўзларида ҳаяжон акс этган, юраги Ватанга муҳаббат туйғуси билан ёнган, билдирилган ишончни оқлашга қатъий аҳд қилган норғул, ўктам йигитларга боқиб ҳавасинг келади.

Тантанада иштирок этган Тошкент вилоят мудофаа ишлари бошқармаси масъул офицери Набижон Валиев ёшларимиздаги аскар бўлиш ҳаваси, иштиёқи хусусидаги фикрлари орқали ўртоқлашар экан, жумладан, шундай дейди:

– Президентимизнинг "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ жорий йилдан эътиборан чақирув йилига бир маротаба – февраль-март ойларида амалга ошириладиган бўлди. Бу эса ёшларни муддатли ҳарбий хизматга саралашда бизга янада масъулият юклади. Бугун белгиланган синовлардан муваффақиятли ўтган йигитларнинг бир гуруҳини тантанали равишда армияга кузатмоқдамиз. Ўйлайманки, улар зиммаларидаги вазифани шараф билан адо этиб, ёруғ юз билан қайтадилар.

– Ўғлим Зоҳид Ҳусниддиновни муддатли ҳарбий хизматга кузатаяпман, –дейди Матлуба Эргашева. – Тўнғич фарзандимнинг аждодларимизга муносиб йўлни танлаганидан, миллий армиямизда хизмат қилишга қарор қилганидан хурсандман. Унинг армияда тобланиб, чиниқиб, ҳақиқий юрт посбони бўлиб шаклланишини истайман.

– Ҳаяжоним, қувончим чексиз, – дейди чақирилувчи Даврон Муродов. – Ниҳоят, орзуларим ушалди. Барча синовлардан муваффақиятли ўтиб, Қуролли Кучларимиз сафида йигитлик бурчимни ўташ шарафига муяссар бўлдим. Ота-онамнинг, устозларимнинг ишончини оқлаб, юрт ҳимоячиси деган номга муносиб бўламан.

**Собир НИЁЗОВ.**

## ДОБРЫЕ СЛОВА НАПУТСТВИЙ

**В Управлении по делам обороны города Ташкента состоялись торжества, посвященные первой отправке в войска призывников.**

– Горжусь тем, что мне выпала судьба отслужить срочную службу на границе, – говорит Андрей Гурьянов из Яккасарайского района столицы.

В этом году призывники впервые уже на сборном пункте переодеваются в военную форму. Получили они и спортивную форму. Прибывшие за ними представители войсковых частей помогают подобрать по росту обмундирование, строят, проводят инструктажи.

Словно не узнает себя в зеркале Абдумутал Ортиков из Учтепинского района. Юноше впору армейское обмундирование.

Представители УДО сделали все для того, чтобы парням этот день запомнился надолго. Добрые слова напутствий от представителей государственных и общественных организаций, родителей вдохновляют на достойное служение Отчизне.

– Буду после армии поступать в Ташкентский университет информационных технологий, – говорит Ибадулла Саидахмедов из Шайхонтохурского района. – Я уверен, что солдатская служба поможет не только духовной и физической закалке, но и увеличит мои возможности для дальнейшего повышения образовательного уровня.

В этот же день поезд умчал призывников из Ташкента к местам несения службы.

**Майор Шопулат ТУРДИЕВ.**

## ХИЗМАТГА ОТЛАНАР ШУНҚОРЛАР

**Ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш, миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялаш, шу билан бирга, бўлғуси Ватан ҳимоячиларини ҳарбий хизматга тайёрлаш, уларнинг мард, жасур, фидойи фарзандлар бўлиб шаклланишларида мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг ҳиссаси катта. Бу даргоҳда таҳсил олгач, муайян касб-ҳунарга эга бўлиб муддатли ҳарбий хизматга отланган йигитлар ҳаёт мактабида сафдошларига ҳар томонлама ўрнак бўла оладилар.**

Яқинда ташкилотнинг Тошкент шаҳар кенгаши тасаруфидаги бирлашган техника мактабида навбатдаги битирувчиларга тантанали равишда диплом ва тегишли гувоҳномаларни топшириш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Н. Бахтиёров, Маънавият тарғибот маркази шаҳар бўлими раиси И. Абдуғаниев, «Нуроний» жамғармаси вакили М. Зуфаров, «Гулистон» маҳалласи раиси А. Устамавлонов, бирлашган техника мактаби директорининг маънавият ва тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари А. Мақсудовлар сўзга чиқишиб, битирувчиларга эзгу тилаклар билдиришди.

Президентимизнинг «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг ижросини таъминлаш мақсадида ўқув даргоҳида қатор ишлар амалга оширилди. Чақириққача бўлган ёшларни ҳарбий ва техник мутахассисликлар бўйича тайёрлаш учун бу ерда барча шароитлар етарли. Замон талаблари асосида жиҳозланган синфхоналар, кўргазмали воситалар билан таъминланган машғулот хоналарида курсантлар мукаммал билим олмоқдалар. Бу муддатли ҳарбий хизматга сара, билим ва кўникмага эга ўғлонлар жалб этилишини таъминлаётир.

– Бугун жуда ҳаяжондаман, – дейди Ихтиёр Чиноров. – Зиммамдаги йигитлик бурчимни адо этишга ҳарбий-техник билимларни эгаллаган ҳолда отланаман.

Ўқув жараёнида юқори кўрсаткичларни қайд этган бир гуруҳ битирувчиларга, шунингдек, педагогик фаолияти ва тажрибаси билан кўпчиликка ўрнак бўлган, ёшлар тарбиясига муносиб ҳисса қўшиб келаётган мутахассис-ўқитувчилардан Мурод Эшов, Холбой Рўзиев, Шокир Холмуҳамедовларга фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар берилди.

**Абдуллоҳ ЎРОЛОВ.**

Қарор ва ижро

## ЧАҚИРУВ ПУНКТЛАРИДА ҚИЗҒИН ПАЛЛА

**Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг 2009 йил 6 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига фуқароларнинг навбатдаги чақируви ҳамда муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни хизматдан бўшатиш тўғрисида»ги Қарори ижроси юзасидан Навоий вилоятида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.**

Чақирув комиссияларида бўлажак аскарларнинг жисмоний тайёргарлиги, руҳий ҳолати, интеллектуал салоҳияти пухта синовдан ўтказилмоқда. Бу жараён профессионал армияни шакллантиришнинг муҳим шарти ҳисобланади.

– Президентимизнинг 2008 йил 20 ноябрда қабул қилинган Фармони асосида Қуролли Кучларда хизмат қилиш учун февраль-март ойларида ўтказиладиган йилда бир марталик чақирув жорий этилди, – дейди офицер Зиёдулла Розиқов. – Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар резервига март-апрель ойларида бўшатиш белгиланди. Ушбу ҳужжат чақирув сифати ва самарадорлигини оширишда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Чақирувга пухта тайёргарлик кўриш мақсадида Зарафшон, Учқудуқ шаҳарлари, Конимех, Томди, Нурота туманлари мудофаа ишлари чақирув пунктлари замонавий тиббий ускуналар билан таъминланди. Қизилтепа тумани мудофаа ишлари бўлимидаги ташвиқот-тарғибот хонаси таъмирланиб, жиҳозланди. Хатирчи, Кармана туманлари ва Навоий шаҳар мудофаа ишлари бўлимларининг иситиш тизими капитал таъмирдан чиқарилди.

Вилоят мудофаа ишлари бошқармаси томонидан ҳарбий тизимни такомиллаштириш йўлида амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, ҳарбий хизматчиларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, яратиб берилаётган имтиёзлар хусусида кенг тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Бу борада "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, хотин-қизлар қўмиталари, фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорлик яхши самара бераётир.

**Ёрқул УМАР,**
**ЎзА мухбири.**

## КЕНЖАТОЙ АСКАРЛИККА ШАЙЛАНМОҚДА

**Тилововлар оиласи Шўрчи туманининг Элбаён шаҳарчасида истиқомат қилишади. Ўн бир фарзандни вояга етказиб, нафақада кексалик гаштини сураётган Жўрабой ака ва Санам опалар бугун уларнинг эл корига камарбаста инсонлар бўлаётганидан мамнун.**

– Қирқ йилдан зиёд вақт давомида ҳайдовчилик қилдим, – дейди Ж. Тиловов. – Дунёда эл корига ярашдан ортиқ бахт йўқ, менимча. Фарзандларимни ҳам шу руҳда тарбияладим. Ҳозир бири шифокор, тадбиркор, фермер, ўқитувчи, ҳайдовчи, ҳамшира. Улар туфайли раҳмат эшитаман, олқиш оламан. Бу нарса бизга, кексайган чоғимизда куч-қувват бағишлайди.

Сайдали оиланинг кенжаси. Яқинда мактабни тамомлаб, тумандаги мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотида таҳсил олган йигит айни вақтда чақурув комиссиясидан ўтмоқда.

– Жорий йилдан эътиборан Қуролли Кучларимизга чақирув йилига бир марта амалга оширилишидан хабардорман. Бу мен каби эгнига ҳарбий либос кийишни, муддатли ҳарбий хизматни – Ватан олдидаги конституциявий бурчини адо этишни ният қилган йигитлар ўртасида рақобат кучли бўлади, фақат энг сара ўғлонларга армия сафида хизмат қилиш насиб этади дегани, – дейди Сайдали биз билан суҳбатда.

Ҳаёт мактабида пухта билим олишни, ҳарб илмининг сир-асрорларини тўлиқ эгаллашни, Ватан посбони деган юксак мақомга муносиб бўлишни мақсад қилиб қўйган йигитдаги қатъият, шижоат ва интилувчанликка, рости, ҳавасимиз келди. Мана шундай билимли, қатъиятли ва фидойи ёшлар бор экан, ҳамиша Ватанимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлгай.

**Мансур СОБИРОВ.**

# ИЛҒОРЛАР

«Энг илғор батальон командири»

## САДОҚАТДАДИР КУЧИ

**Қуролли Кучларимизда ҳар йили ўтказилиб келинаётган ва анъанага айланиб улгурган «Энг илғор мутахассис» танлови юрт ҳимоячиларининг маънан ва жисмонан тобланишларида, юксак жанговар қобилият, билим ва маҳоратларининг юксалишида катта аҳамият касб этмоқда.**



Офицер Камолиддин Ширинов танловнинг «Энг илғор батальон командири» номинацияси йўналишида икки йилдан буён иштирок этиб, ғолиблик шоҳсупасидан жой олиб келаяпти. У Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида ўқиб олиб юрган кезлáридаёқ тиришқоқлиги, билимга чанқоқлиги ва қатъиятлилиги билан устозлари эътиборига тушиб улгурган эди. Улардан олган билимларини амалиётда мустаҳкамлаб борди. Шу боис ҳам қисқа фурсат ичида профессионал ҳарбий хизматчилар сафидан жой олди. Бир қатор вазифаларда намунали хизмат қилган офицер бугунги кунда батальон командири сифатида ўзини ҳар томонлама кўрсатиб келяпти. Масалан, қўл остидаги жамоа 2006-2007 ўқув йили якунлари бўйича «Энг илғор батальон» дея эътироф этилгани ҳам бежиз эмас. Офицердаги командирлик қобилияти, етакчилик хусусияти унинг ҳарбий соҳада етарли билим ва тажрибага эга эканлигидандир.

Офицер Шириновнинг намунали ва фидойи хизматлари ҳукуматимиз томонидан инобатга олиниб, Мустақиллигимизнинг 16 йиллигида Ватанимизнинг юксак мукофоти – II даражали «Шон-шараф» ордени билан тақдирланди.

– Ушбу кун ҳаётимдаги энг унутилмас лаҳзалардан бири бўлиб қолган, – дейди лавҳамиз қаҳрамони. – Аввало, камтарин хизматларимга шундай баҳо берилиши мен учун катта бахт ва фахрдир. Шунингдек, мукофотни айнан Юртбошимизнинг ўзларидан қабул қилиб олишим менга янада куч-ғайрат, шижоат бағишлади мени янгидан-янги марраларни эгаллашимга туртки бўлди, десам асло хато бўлмайди.

Дарҳақиқат, бундайин шарафдан руҳланган офицер нуфузли танловда кетма-кет иштирок этиб, 1-ўринни қўлга киритиб келяпти. У илк бор танловда иштирок этганида офицер Алишер Саидовнинг хизматлари катта бўлганини алоҳида таъкидлаб ўтди.

– Офицер Шириновни анча йиллардан буён биламан, – дейди офицер А.Саидов. – Ундаги ғайрат, етакчилик қобилияти, ҳар қандай вазиятда тўғри қарор қабул қила олиши менда яхши таассурот қолдирган. Танловда ҳам қўйилган вазифаларни аниқ ва тўғри бажариши, жисмонан етуклиги, командирлик лаёқатининг юқори эканлиги унга зафар келтирди.

Офицер Шириновнинг шахсий таркиб билан полигонда ўтказаётган дала-ўқув машғулотларини кузатиб, юқоридаги фикрларнинг бежизга эмаслигини англадим. У қўл остидагилар билан жанговар вазифани бажариш жараёнида ҳар бир саволга атрофлича жавоб бериб, харитада ишлаш, қидирув уюштириш, пистирма, ҳужумга ўтиш ва ҳимояланиш каби машғулотларни ҳам назарий жиҳатдан, ҳам амалий асосда кўрсатиб берарди. Албатта, бундай муносабат шахсий таркиб ўртасида ўзаро ҳурмат ва ҳамфикрлик туйғуларини шакллантириши, шубҳасиз.

–Ҳарбийлик қанчалик масъулиятли ва шарафли касб эканлигини барчамиз яхши биламиз. Ёшлигимдан орзу қилган касбимнинг эгаси бўлдим. Шу касбда камол топяпман, юртимга, халқимга нафим тегаяпти, менга шунинг ўзи катта бахт. Ҳали олдинда кўплаб режаларим бор, – дейди қаҳрамонимиз биз билан суҳбатда.

Биламизки, ҳарбийлик касбига меҳр қўйган, Ватанни ҳимоя қилишни ўз олдига мақсад қилган тинчлигимиз ва сарҳадларимиз дахлсизлигининг посбонлари бўлмиш ҳарбий хизматчилардан матонат ва фидойилик, мардлик ва садоқат, кучли ирода ва шижоат талаб этилади. Бугунги танлов ғолибларининг қалбида эса бу туйғулар мужассам. Ҳа, мазкур танлов офицер Камолиддин Шириновдек мард, билимли ва фидойи ўғлонларни кашф қилаётганидан ғурурланасан, киши.

**Нозим АҲРОРОВ.**

«Лучший командир взвода»

## СОПЕРНИЧЕСТВО СТИМУЛИРУЕТ РОСТ



**Капитан Шерзод Джалилов признан «Лучшим командиром взвода» в военном округе.**

В декабре минувшего года он успешно выступил в ходе республиканского этапа конкурса на звание лучшего по профессии в Вооруженных Силах. А годом раньше он также отлично выступал в номинации «Лучший командир группы», установив личный рекорд при выполнении общего контрольного упражнения по преодолению полосы препятствий.

Участие в конкурсе стало прекрасным стимулом для роста мастерства и профессионального уровня, ведь здоровое честолюбие подстегивает, помогает расти, постоянно работать над собой. Не случайно в прошлом году командир минометной батареи офицер Ш. Джалилов принимал также участие и в конкурсе на лучшего специалиста артиллерии.

Впрочем, молодой офицер считает, что в успешном становлении подразделения немалую роль сыграли поддержка и четко отлаженный ритм службы сержантского состава батареи. Так, командир миномета сержант Майрамбай Бакбергенов за отличную службу поощрен Памятным знаком Министра обороны, прошел обучение на двух курсах в школах подготовки сержантов.

Вообще, служба закаляет любого военнослужащего морально и физически, приучает быть готовым к любым трудностям и лишениям. А дружба и чувство войскового товарищества помогают в любых испытаниях судьбы оставаться самим собой, сохранять так нужные для успешного несения службы хладнокровие и трезвый расчет.

Таким образом, и эта победа вдохновила капитана Ш. Джалилова на новые свершения в воинском труде.

**Майор Аблай КАМАЛОВ,**
**корр. «Ватанпарвара».**

«Энг илғор сержант»

## ЯНА ҒОЛИБ, ЯНА МУЗАФФАР

**Шартнома бўйича хизмат сержанти Жасур Рашидов ҳарбий соҳага катта иштиёқ, ғайрат-шижоат билан кириб келган ўтюрак ўғлонлардан. Бу ҳарбий хизматчи муштарийларимизга яхши таниш бўлиши керак. Ҳа, баракалла! Бу йигит илгари ҳам мардларни кашф этадиган, энг кучли, билимли ва салоҳиятли, ҳар томонлама ўзига ишонган ҳарбийлар беллашадиган «Энг илғор мутахассис» танловида ғолиб бўлмаганмиди, демоқчисиз-да! Топдингиз, сержант Рашидов ушбу довонни шу пайтга қадар уч бор ишғол этганди. Ортда қолган ўқув йили якунларида ҳам профессионал кичик командир яна бир бор ўзини кўрсатиб, тўртинчи бор ғолиблик шоҳсупасига кўтарилди. Ҳа, у яна ғолиб, яна музаффар! Бежизга етакчи деган номга сазовор бўлмаганини, зафар қучишлари тасодиф эмас, балки изчил изланишлар, тўпланган маҳорат ва тажрибалар меваси эканини яққол исботлади.**



Бугун ўз номига ҳар томонлама муносиб эканини амалда кўрсатган ва устозлари томонидан билдирилган юксак ишончни оқлаган посбон яна эъзоз ва ҳурматда. Унинг юксак натижаси нафақат ўзи хизмат қилаётган ҳарбий жамоа, балки бутун округ қўшинлари шахсий таркиби учун ҳам қувонарлидир. Айни пайтда профессионаллар тайёрланадиган даргоҳ – сержантлар тайёрлаш мактабининг жисмоний тайёргарлик кафедрасида катта йўриқчи вазифасида хизмат қилаётган қаҳрамонимиз спортга ёшлигидан катта қизиқиш билан қарарди. Ушбу қизиқиш туфайли у қўл жангги сирларини мукаммал ўрганди. Ва илк нуфузли ғалабани 1993 йил Қозоғистонда бўлиб ўтган ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатида қўлга киритди.

Ўшанда Жасур барча рақибларидан устун келиб, биринчи ўринга муносиб топилганди. Кейин эса юксак конституциявий бурч бўлган муддатли ҳарбий хизматни десантчилар қисмида адо этди. Армия ўғлоннинг чинакамига етукликка эришишида ғоят қўл келди. Ўзи ёқтирган соҳа бўлган жисмоний тайёргарлик борасида мунтазам шуғулланиши учун бу ерда барча шароитлар муҳайё экани, қолаверса, жанговар ва кенг ҳаётий билимлар ҳам пухта ўргатилиши, шунингдек, кўзлаган эзгу мақсадларига армия хизмати ғоят мувофиқ келиши унга маъқул бўлди. Шу боис муддатли ҳарбий хизмат поёнига етиш арафасида у ҳеч иккиланмай шартнома бўйича хизматда қолиш истагини билдирди. Иқтидорли ва изланувчан ўғлонни яхши билган командирлар унинг бу қарорини қўллаб-қувватладилар.

Мана, ўн беш йилдирки, Жасур масъулиятли ва шарафли соҳа бўлган мардлар касбида фаолият кўрсатиб келаяпти. Бу йиллар давомида хизматда ва ҳаётда кўплаб ҳавас қилса арзигулик натижаларга эришди. Халқаро ҳарбий ҳамкорликлар доирасида ўтказилган кўпгина ўқув машқларида фаол иштирок этди. Президентимиз ташаббуси билан сержантлар тайёрлаш мактаблари ташкил этилгач, у биринчилардан бўлиб мазкур мактабнинг курсантлари сафидан жой олди ва аъло натижалар билан ўқигани учун уни бўлажак профессионаллар даргоҳида олиб қолишди.

Жасур ҳар гал Умумармия ўйинларида ўзи хизмат қилаётган ҳарбий округ шарафини матонат билан ҳимоя қилади. «Ҳарбий спортчи», «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил» ва «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 15 йил» кўкрак нишонларига эга. Бундан эса ўғлондаги иштиёқ қай даражада эканини яққол англаш мумкин. Хуллас, ҳар томонлама шаклланиб, билим ва маҳоратга эга бўлиб борган Жасур шу давр мобайнида чинакам профессионалликка эришди, десак хато қилмаймиз.

– Ғалабанинг сири машаққатда, – дейди биз билан суҳбатда сержант Рашидов. – Ана шу машаққатларни мардона енгиб ўтганларга ҳузур-ҳаловат насиб этади. Шу боисдан ҳам қийинчиликлардан асло чўчимаслик керак. Тўғри, бу осон эмас. Бироқ астойдил ҳаракат қилса, ҳар қандай марраин эгаллаш мумкин. Мен аввало бундай натижаларга эришишимда ёрдамларини аямаган, шуғулланишим учун зарур шарт-шароитларни яратиб берган мактаб қўмондонлигига, жанговар соҳадан сабоқлар берган устоз офицерлар Марат Қодиров, Равшан Ойсаходжаев, Алишер Ортиқов, Аваз Тожиқулов ва бошқаларга, шунингдек, биз посбонлар учун доимо ғамхўрлик кўрсатаётган Қуролли Кучларимиз раҳбарияти ҳамда ҳукуматимизга миннатдорчилик билдираман. Ишонтириб айтаманки, ғалабалар мени яна ҳам олға ундайди. Бундан ҳам юқорироқ натижаларга эришишни мақсад қиламан ва унга интиламан.

**Катта лейтенант**
**Ёшин ҲАКИМОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**
**Баҳром АБДУРАҲИМОВ**
**суратга олган.**

# ASKAR

Ijtimoiy-siyosiy tayyorgarlik mashg'ulotlari

## BILIM VA MAHORATDA KUCHLIMIZ

**Yurtboshimizning "Milliy armiyamiz — mustaqilligimizning, tinch va osoyishta hayotimizning mustahkam kafolatidir" risolasida: "Armiya saflarida o'g'lonlarimiz nafaqat jismonan baquvvat, eng zamonaviy harbiy texnika va texnologiyalarning sir-asrorlarini puxta egallagan bo'lishi, ayni vaqtda yuksak aql-zakovati, intellektual salohiyati, mustahkam irodasi, o'z xalqiga sadoqati kabi olijanob xususiyat va fazilatlari bilan ham ajralib turishi lozim", — deyiladi.**




Darhaqiqat, Vatan taqdiriga mas'ul o'g'lonlarimiz zimmalaridagi burch mas'uliyatini chuqur anglab, qo'yilgan topshiriqlarni sifatli va vijdonan uddalashlari hamda zahmatli xizmatlari zamirida qanday ustuvor maqsad mujassam ekanligini puxta anglab yetishlarida tarbiyaviy ishlar yuksak darajada tashkillashtirilgan bo'lmog'i muhimdir. Shu bois bugun harbiy qism va bo'linmalarda posbonlarga soha ilmining barcha turlari qatori ijtimoiy-siyosiy tayyorgarlik mashg'ulotlari hamda tarbiyaviy ishlar uzluksiz olib boriladi. Chunki yurtimiz osoyishtaligi va sarhadlarimiz daxlsizligini doimo mustahkam himoya qilishga mas'ul harbiylarimizning har tomonlama yetuklikka erishishida jismoniy, jangovar-taktik va texnik tayyorgarliklar bilan bir qatorda ijtimoiy-siyosiy tayyorgarliklar ham katta o'rin tutadi. Zero, tayyorgarliklarning barcha turlaridan o'z bilim va ko'nikmalarini muntazam oshirib borgan posbongina mahoratli va matonatli, bir so'z bilan aytganda, chinakam professional bo'la oladi.

Ofitser G'ulom Toshbekovning muddatli harbiy xizmatchilarga o'tayotgan ijtimoiy-siyosiy tayyorgarlik mashg'ulotini kuzatamiz. Mashg'ulot rahbari ma'ruza o'qish asnosida tegishli mavzu yuzasidan posbonlarning fikrlarini ham tinglab, ularni sinovdan o'tkazib, bilimlarini tekshirib bormoqda. Muddatli harbiy xizmatni o'tayotgan askarlarning berilgan savollarga bemalol javob qaytarishlari hamda voqea-hodisalarga o'z munosabatlarini bildirishlaridan bu borada ular ma'lum tasavvurga ega ekanini yaqqol anglash mumkin.

— Tarbiyaviy ishlarining to'g'ri yo'lga qo'yilishi hamda shu soha bilan bevosita aloqador fanlarni puxta o'rganish yurt posbonlarining mintaqa hamda jahon miqyosidagi ijtimoiy-siyosiy vaziyat, dunyoning turli hududlarida ro'y berayotgan voqealar haqida atroflicha ma'lumotga ega bo'lishlarini ta'minlab, ularning bilim va dunyoqarashini kengaytiradi. Ushbu tayyorgarliklarda tafakkur olami boyigan posbon salohiyati sanalib, ma'nan yuksaladi. Zimmasidagi mas'uliyat hissi, o'ziga bildirilgan ishonch hamda sharafli xizmat burchini teran anglaydi. Bu borada darslarni ko'rgazmali mashg'ulotlar, tegishli videoroliklar hamda mashg'ulotga doir o'quv filmlari bilan boyitib o'tkazish yana ham foydalidir, — deydi ofitser G'ulom Toshbekov.

— Tezkor axborot, ommaviy axborot vositalari tarqatadigan matbuot xabarlar hamda mashg'ulot rahbari tomonidan ular tahlil qilinib, bizga yetkazilishi ijtimoiy-siyosiy tayyorgarlikdan bilimlarimizni mustahkamlashda va mashg'ulotni o'zlashtirishimizda ancha qulaylik tug'diradi, — deydi oddiy askar Zohid Ahmedov. — Albatta, har birimiz sharafli burchimizni yaxshi anglaymiz. Biz istiqlolni, muqaddas ona Vatanimizni, bunyodkor xalqimizning tinchligini asrashga mas'ulmiz. Bunda bilim-salohiyat, jangovar shaylikni oshirishni vaziyatning o'zi taqozo etmoqda.

— Vatan bizga ishonch bildirgan, — deydi yana bir muddatli harbiy xizmatchi Nurali O'rinov. — Ana shu ishonchni oqlash, Vatan osoyishtaligini ishonchli himoya qilish bizning ezgu maqsadimizdir. Buning uchun esa bilim va malakamizni, mahoratimizni har tomonlama oshirib borishimiz talab etiladi. Chunki kuch bilim va mahoratda, ko'nikma va malakadadir.

— Mavsum davomida qo'yilgan vazifalarni sifatli ado etib, jangovar bilimlarimizni tinmay oshirib borishni ko'zlaganmiz, — deydi oddiy askar Obid Xudoynazarov. — Guruhimiz bilan boshqa guruhlar o'rtasida o'zaro musobaqadoshlik yo'lga qo'yilgan. Bu jangovar shayligimizni yanada oshirishiga xizmat qilmoqda.

**Katta leytenant Yoshin HAKIMOV,**
**"Vatanparvar" muxbiri.**
**K. TO'RAYEV suratga olgan.**

## MEN ASKARMAN — VATAN POSBONI

**Vatan himoyachisi bo'lish yuksak sharaf. Unga faqat eng sara o'g'lonlar munosib topilishi ham shundan. Chunki mamlakat tinchligi, chegaralarimiz daxlsizligi hamda xalq osoyishtaligini har tomonlama yetuk, kuchli va bilimli posbonlargina ta'minlay oladilar.**

Lochin Sharobiddinov Qurolli Kuchlarimiz safida o'qlovchi vazifasida xizmat qiladi. Intiluvchan o'g'lon har tomonlama safdoshlariga o'rnak bo'lib kelayotir. Dala-o'quv mashg'ulotlari davomida obdon chiniqqan, hayot maktabi sinovlarida toblanayotgan yigitning qo'lga kiritgan yutuqlari ham havas qilsa arzigulik. U xizmat qilayotgan harbiy qismga borganimizda komandirlari shijoatli posbon to'g'risida faqat iliq so'zlarni aytishdi.

— Oddiy askar Sharobiddinov qismimizdagi eng faol, izlanuvchan, bilimli askarlardan. Uning harb ilmiga qiziqishi, armiyada har bir posbon bilishi lozim bo'lgan taktik va ijtimoiy-siyosiy tayyorgarlikka doir bilimlarni o'zlashtirishi yuksak darajada. Undagi qat'iyat, tirishqoqlikka barcha havas bilan qaraydi.

Bolaligidan sharafli sohaga nisbatan o'zgacha mehr, muhabbat hissi bilan ulg'aygan qahramonimiz maktabda, so'ngra o'rta-maxsus ta'lim dargohida tahsil olish barobarida harb ilmiga oid bilimlarni o'rgandi. Sport bilan jiddiy shug'ullandi. Bu esa qahramonimizga tanlov mezonlaridan muvaffaqiyatli o'tib, muddatli harbiy xizmatga munosib deb topilishida muhim rol o'ynadi.

— Armiya chin ma'noda yigitlik, hayot maktabi ekanligiga o'zim xizmatga kelgach yana bir karra amin bo'ldim. Hayotimning eng unutilmas, mazmunli damlari shu yerda o'tayapti, desam xato bo'lmaydi. Xizmatga katta akam Ulug'bek Sharobiddinov, o'rtoqlarim Jahongir Soliyev, Farhod Sobirovlarga havas qilib kelgandim. Armiyada ham ko'plab do'stlar orttirdim. Oddiy askarlar N. Sayfiyev, E. Madrahimov, A. Asqarovlar bilan xizmatning ilk kunlaridan qalin do'stmiz. Ustoz ofitserlar va serjantlarning bizga akalarcha g'amxo'rligini hamisha his qilib turamiz. Ulardagi kasbga sadoqat va fidoyilik, Vatanga muhabbat bizga doimo namuna bo'lib kelmoqda. Bu esa bizni ham xuddi ular kabi Vatanimizning ishongan posbonlari bo'lib yetishishimizga ruhlantiradi.

Bugun armiyamizda posbonlarning haqiqiy yurt himoyachisi, o'z kasbining ustasi bo'lib shakllanishlari uchun barcha sharoit mujassam. O'qib bilim olish, kelgusida oliy o'quv yurti talabasi bo'lishni ko'ngliga tukkan posbonlar qism kutubxonasida, jismoniy yetuklikka erishishni ahd qilganlar zamon talablari darajasida jihozlangan sport zallarida, mazmunli hordiq chiqarish istagidagi o'g'lonlar ma'naviyat va ma'rifat xonasida bo'sh vaqtlarini mazmunli o'tkazishlari mumkin. Bundan tashqari yana ko'plab imkoniyatlar posbonlarning mukammal bilim olishi, haqiqiy er yigit bo'lib shakllanishlari uchun hozirlab qo'yilganki, bunga havas qilmay iloj yo'q. Bu ham bo'lsa, Vatan himoyachilariga bo'lgan yuksak g'amxo'rlik va e'tibordan.

Oddiy askar L. Sharobiddinov ham bundayin ishonch va e'tiborga loyiq bo'lish kerakligini, buning uchun esa hali ko'p izlanish lozim ekanini yaxshi anglaydi. O'ziga nisbatan mas'uliyatli yigit xizmat mobaynida jismoniy tayyorgarlik mashg'ulotlarida yaxshi natijalarga erishib kelyapti. Chunonchi, belgilangan me'yor talablarini to'liq ado etgan qahramonimizning yutug'i munosib baholanib, u «Harbiy sportchi» ko'krak nishoni bilan taqdirlandi.

Yurtimning mana shunday ezgu o'y va niyatli, har ishda mohir, vatanparvar o'g'lonlarini ko'rganda beixtiyor ko'nglim yorishadi, dil quvonadi. Chunki shular-da ertangi kun egalari, istiqbol sarbonlari.

**Zuhriddin HOSHIMOV.**

## IFTIXORGA MUNOSIB O'G'LON

Oddiy askar Zohid Ahmadjonov o'z taqdirini Vatan taqdiri bilan chambarchas bog'lagan, el-yurt manfaatlarini har narsadan ustun qo'yadigan yoshlar sirasidan. Hademay muddatli harbiy xizmatning belgilangan muddatini o'tab bo'lib, uyga qaytadigan shunqor yigitlik maktabidan ko'p narsa o'rganganligi, bu yerda olgan saboqlari uning har tomonlama shakllanishiga yordam berganini doim ta'kidlaydi.

— Armiyada o'tgan damlar hayotimdagi eng mazmunli yillar bo'ldi. Hayot maktabida olgan saboqlarim, ko'nikmalarim menga bir umr asqotishi aniq. Qurolli Kuchlarimiz safida o'z yigitlik burchimni o'tar ekanman, shu narsaga amin bo'ldim-ki, Vatan himoyachisi degan nomga loyiq bo'lish, sarhadlarimiz daxlsizligini ta'minlashga hissa qo'shish, osoyishtaligimizga posbon bo'lish eng sharafli va mas'uliyatli vazifa ekan. Harb ilmining sir-asrorlarini o'zlashtirish, jangovar, ijtimoiy-siyosiy va jismoniy tayyorgarliklar bo'yicha yaxshi natijalarni qo'lga kiritishimda ofitser A.Valiyev, shartnoma bo'yicha xizmat kichik serjanti B. Xolto'rayevlar yaqin ko'makchim va maslahatchim bo'lishdi.

O'zining bilimdonligi, serg'ayratligi, harb ilmiga bo'lgan qiziqishi sabab qahramonimiz qism komandiri va yuqori qo'mondonlikning qator faxriy yorliqlari bilan taqdirlangan. Bundan tashqari jangovar tayyorgarlik, sport va ommaviy ishlardagi faolligi uchun askar yigit «Harbiy sportchi» ko'krak nishoniga ham ega bo'lgan.

**Jamshid Niyozov**
**«Vatanparvar» muxbiri.**

## KUCHLI QIZIQISH VA HAVAS

Komil o'tgan yili kasb-hunar kollejini tamomladi. Bilim maskanida a'lo baholarga o'qigan xorazmlik yigit bahor faslini intizorlik bilan kutmoqda. Ehtimol, kimdir uni tabiatning qish uyqusidan uyg'onishi va yasharishiga guvoh bo'lishni, bahor bayramlarini sog'ingandir, der. Aslida esa Komil Qurolli Kuchlarimizga bo'ladigan chaqiruvga hozirlanmoqda.

— Bu yildan e'tiboran yurtimizda muddatli harbiy xizmatga chaqiruv yiliga bir marta — fevral-mart oylarida o'tkazilishidan xabardorman, — deydi Komil Matnazarov. — Yurtboshimizning bu boradagi farmoni bilan tanishgach, chaqiruvga qadar boshlang'ich tayyorgarlik fani o'qituvchimiz bilan suhbatlashdim hamda chaqiruv tizimidagi yangilanishlarning afzal va qulay tomonlari haqida tushunchaga ega bo'ldim.

Armiyaga yo'l olishga astoydil bel bog'lagan yigitning sa'y-harakatlariga asosan ikkita sabab bor. Biri, harbiylikka qiziqishi bo'lsa, ikkinchisi — akasiga havas. Qurolli Kuchlarimiz saflarida har tomonlama chiniqqan, ulg'aygan, ham ruhan, ham ma'nan toblangan, o'ziga yarashgan harbiy libosida uyiga qaytgan Fozilni ko'rgan uka o'z oldiga maqsad qo'ydi: hayot maktabida, albatta, toblanishim kerak. Undagi qiziqishni inobatga olsak, uning shartnoma asosida xizmat qilishni niyat qilganini payqash qiyin emas. Ammo, maqsadini amalga oshirish oson bo'lmasligini yaxshi bilgan Komil puxta hozirlik ko'rayapti. Mudofaa ishlari bo'limi ofitserlarini, qolaversa, akasini ko'rik-tanlov tizimi, harbiy xizmat, armiya hayotining o'ziga xos tomonlari haqidagi savollar bilan «ko'mib» tashlamoqda. Ukadagi intilish va shijoatni ko'rayotgan sobiq oddiy askar Matnazarov unga shunday deydi:

— Sendagi g'ayrat va intilishni ko'rib, xursand bo'lyapman. Ishonamanki, o'z maqsadingga yetasan.

**Katta leytenant**
**To'lqin JUMANAZAROV.**

# ОИЛА ГУЛШАНИ

## МЕҲР ТАФТИ ҲУКМРОН БУНДА

**Бахт тушунчасини ҳар ким ҳар хил тушунади. Кимдир уни бойлик, зебу зийнат билан баҳоласа, яна кимдир эса фарзандларининг роҳати, оиласидаги шоду хуррамлик билан ўлчайди. Аслида ҳам инсоннинг бахти, камоли оила билан нурафшон, оила билан бардавомдир. Шу сабабли оила инсонга тақдим этилган буюк неъмат, дейилади.**



Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган ҳарбий оила соҳиби офицер Хайрулла Зокиров Чортоқ туманида зиёлилар оиласида вояга етди. Аввал ўрта мактабни, кейинчалик иқтидорли болалар лицейини тугатди. Лицейда ўқиб юрган чоғларидаёқ унинг қалбида ҳарбийлик касбига қизиқиш пайдо бўлди. Ёшликдаги орзу-ҳавас ўзгарувчан бўлади, дейишади. Лекин қатъиятли, бир сўзли ўғлон таҳсилни якунлаб, ўзи орзу қилган Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртига ўқишга кирди. Курсантлик даври ҳам бир зумда ўтиб кетди ва у офицер сифатида ўзининг шарафли вазифасини бажаришга киришди. Айни дамда у ҳарбий қисмда взвод командири сифатида хизмат қилмоқда.

– Офицер Зокиров доимо ўз вазифасига юксак масъулият билан ёндашади, – дейди офицер Аҳмад Сайфиддинов. – У шахсий таркиб билан ишлашда тарбиявий ишларнинг турли усул ва шаклларидан самарали фойдаланади. Майдон мардларини кашф этадиган ва Қуролли Кучларимизда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Энг илғор мутахассис» кўрик-танловларида ҳам фаол иштирок этган Хайрулла «Энг илғор взвод командири» номинациясида 2007 йилда 1-ўринни қўлга киритди. У бизнинг фахримиз, ғururимиз, жамоамизнинг ишончи.

...Тун пардасини борлиққа ёпган бир пайтда ўз вазифасини беками кўст тугатиб, оила бағрига қайтаётган қаҳрамонимиз йўл бўйи кўп қаватли уйлардан эшитилиб турган мусиқа садоларию болаларнинг шодон ўйин-кулгусидан баҳри-дили очилди. Ҳа, ҳар бир оилада хотиржамлик ҳукмрон. Хотиржамлик бор жойда унум ва барака бўлади. Шулар ҳақида ўйлар экан, бу даргоҳда камолга етаётган ўғил-қизларнинг тинч-осуда ҳаёт кечиришига озгина бўлса-да, ҳиссасини қўшаётганидан фахрланиб кетди. Ширин хаёллар билан хонадонининг остонасига етиб келади.

– Дадамиз келди! – дейди ичкаридан эшик очаётган Дилфузахон юзида табассум ила. – Яхши келдингизми дадаси, чарчамадингизми?

Хайрулла турмуш ўртоғининг кулиб турган чеҳрасига, фарзандларининг қувончдан порлаб турган кўзларига боқиб, чарчоқларини унутади. Шундагина яқинларининг унга бўлган меҳри тафтини, бу тафт уни ҳар доим шу муқаддас даргоҳга боғлаб туришини ҳис қилади. Балки оиланинг муқаддаслиги ҳам шундадир!?

–Эр ва хотиннинг иноқлиги, оилада вояга етаётган фарзандлар тарбиясида ҳам жуда муҳим, – дейди Дилфузахон биз билан суҳбат чоғида. – Бунинг учун эса аввало ўзаро ҳурмат ва ишонч бўлиши керак. Ҳарбий хизматчининг турмуш ўртоғи ҳар қандай шароитга тайёр турмоғи лозим. Гоҳида улар хизмат сафарларида бўлишларига тўғри келади. Шундай вақтда фарзандлар тарбиясига масъулликни ўз зиммамга оламан. Ҳарбийнинг аёли бўлишнинг шарафли ва масъулиятли томони ҳам шунда бўлса керак. Қандай ҳолатда бўлмасин ўзаро ишонч ва ҳурматни асраш, муҳаббат ва садоқатга эгалик қилиш, ўғил-қизлар тарбиясига бош бўлиш оилани эл ҳурматига етказади, албатта. Биз умр йўлдошим иккимиз ҳам ҳаётнинг бу мезонига амал қилишга доимо интилиб яшаймиз.

– Оилам – менинг бахтим, – дейди тўлқинланиб офицер Зокиров. – Уларсиз ҳаётимни тасаввур қилолмайман. Ҳаммага ҳам оилавий бахт насиб этсин.

Жисмонан бақувват, маънан кучли, изланувчан қаҳрамонимиз Хайрулла Зокировнинг хизмат фаолиятига, оилавий ҳаётига назар ташлаб, Ватанимиз ҳимояси ишончли қўлларда эканлигига яна бир маротаба амин бўлдик. Юртимизда мана шундайин бахтиёр оилалар сони кўпаяверсин.

**Мунаввар КАБУЛОВА.**

## ИБРАТЛИ ҲАРБИЙ ХОНАДОН

Собир Раҳимов тумани ва “Ёшлик” талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги, “Университет”, “Зиё” маҳаллалари фуқаролар йиғини ҳамда Тошкент давлат техника университети ҳарбий кафедраси ҳамкорлигида “Энг ибратли ҳарбий оила” танлови ўтказилди.

Танловда офицерлар – Шодмон Ҳасанов, Собир Исахонов ва Бекзод Амир – ҳамзаевларнинг оила аъзолари иштирок этиб, ўзаро беллашдилар.

Беллашув шартларига кўра, ҳарбий оила вакиллари оила ва жамоада қанчалик эпчил, чаққон ва уддабурон эканликларини амалда намойиш қилишлари керак эди. Шу боисдан ҳам мусобақада иштирок этаётган ҳар бир оила бегию бекалари берилган барча шартларни астойдил бажаришга ҳаракат қилдилар.

Мусобақа сўнггида беллашув натижалари эълон қилинди. Унга кўра офицер Шодмон Ҳасанов оиласи 57 балл тўплаб, энг юқори кўрсаткичга эришди ва мусобақа ғолиби, деб эълон қилинди. 2-ўринни Бекзод Амирҳамзаев, 3-ўринни эса Собир Исахоновлар оиласи эгаллаб, туман ҳокимлиги ва маҳалла фуқаролар йиғини томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

**Майор**
**Қамбарали АЗИЗОВ.**

# САВОБ ИШГА БОШ ҚЎШИБ

**Саховат, меҳр-шафқат инсонийликнинг муҳим мезони саналади. Шу боисдан ҳам инсон ана шундайин туйғуларга йўғрилган хайрли амаллар қилишга интилади.**







Яхши биламиз, халқимиз азалдан мурувватли, саховатпеша. Кўнгли ўксик кишилар ҳолидан хабар олиш ва шу орқали уларга меҳр кўрсатиш қадриятга айланган. Қувонарлиси, бундай эзгу амаллардан ҳарбийларимиз ҳам четда туришгани йўқ. Пойтахтимиздаги 21-сонли меҳрибонлик уйида бўлиб ўтган тадбир фикримиз далилидир.

...Байрамона безатилган зал кўзларида қувонч эпкинлари порлаб турган болажонлар билан гавжум. Залга кираверишда эса меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларидан ташкил топган оркестр кечага ташриф буюрган меҳмонларни мусиқа садолари остида кутиб олаяпти. Бир қарашда ҳақиқий байрам тантанасидек таассурот қолдиради кишида. Аслида ҳам шундай эмасми!? Чунки ўксик дилларга шодлик улашишнинг ўзи бир тантана, ўзи бир байрам.

Шундай қилиб тантанали тадбир бошланди. Тадбир аввалида Мудофаа вазирлиги масъул ходими подполковник Мақсуд Абилов сўзга чиқиб, болажонларга ўзининг самимий дил изҳорларини билдирди ва Мудофаа вазирлиги номидан кийим-кечак ҳамда қимматбаҳо совғаларни топширди. Шундан сўнг Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли санъаткорлари томонидан тайёрланган мусиқий дастур йиғилганлар эътиборига ҳавола этилди.

– Тарибяланувчиларимизнинг қувончини кўриб, кўнглим тоғдек юксалди, – дейди меҳрибонлик уйи раҳбари Гулмира Шокаримова. – Болажонларга ажойиб туҳфа бўлган бу кун уларнинг ёдидан узоқ вақт чиқмаса керак, деб ўйлайман. Булар ҳам менинг фарзандларим. Она учун фарзандининг қувончини, хурсандчилигини кўришнинг ўзи бир бахт. Мен бугун ана шу бахт сурурини яна бир бор ҳис қилдим. Бунинг учун Мудофаа вазирлигига миннатдорчилик билдирамиз.

– Мусиқий дастур бизга жуда ёқди, – дейди меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Насиба Зайнитдинова ҳаяжон билан. – Айниқса, севимли санъаткорларимиз Шуҳрат Дадажонов, Умид Шоҳобов, Зайнаббегимлар томонидан ижро этилган қўшиқларни мароқ билан тингладик. Бир-биридан ажойиб рақслар ҳам мангзур бўлди. Бизга мана шундай дастурни тақдим этган санъаткорларга раҳмат деймиз.

**Лола МУРОДОВА.**
**Алишер МУҲАМЕДОВ суратга олган.**

# МАСЛАҲАТ

2009 йил – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

## ЗАМОНАВИЙ ҚИШЛОҚЛАР ЖАМОЛИ

**Оҳалик қишлоқ фуқаролар йиғини Самарқанд туманидаги йирик аҳоли масканларидан ҳисобланади. Мазкур фуқаролар йиғини сўнгги йилларда янада кўркам қиёфа касб этди. Бу ерда бир қатор янги маданий-маиший объектлар, таълим ва тиббиёт муассасалари барпо этилди.**

– Ҳудудимизда салкам 40 минг аҳоли истиқомат қилади, – дейди фуқаролар йиғини раиси Марям Раҳматова. – Улар асосан қишлоқ хўжалиги билан шуғулланади. Фермер хўжаликларидаги юмушларидан ортиб, ўзларининг шахсий томорқаларида мева, сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштиради. Ўз эҳтиёжидан ортган маҳсулотни шаҳар бозорларига чиқариб сотади. Шунинг учун ҳам ҳар бир оила ердан унумли фойдаланишга интилади. Йилига икки, уч мартагача ҳосил олади.

Бундан ташқари, Оҳалик аҳлининг кўпчилик қисми новвойлик, қандолатчилик, дурадгорлик ва ҳунармандчиликнинг бошқа турлари билан ҳам шуғулланади. Ана шундай ишбилармонлик, ўз ишига меҳр туфайли улар ўз турмушини фаровон, хонадонларини обод қилиб келмоқда.

Ўтган йили мазкур ҳудудда 180 янги оила пайдо бўлди, юзлаб янги уйлар қад ростлади. Беш километрдан зиёд йўл таъмирланди. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида бундай ўзгариш ва янгиланишлар, бунёдкорлик ишлари кўлами янада кенгаяди.

Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизда қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, сервис ва маиший хизмат кўрсатиш сифатини оширишга қаратилган ислоҳотлар Оҳаликда ҳам ўз самарасини бермоқда. Фуқаролар йиғини ҳудудидаги барча қишлоқлар ичимлик суви ва табиий газ билан таъминланган. Айни пайтда бу ерда 22 сартарошхона ва гўзаллик салони, ўнга яқин автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устахонаси, 60 га яқин умумий овқатланиш мажмуалари ҳамда йигирмадан ортиқ бошқа маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари ишлаб турибди.

2007 йилда Ўрташиқ маҳалласида бунёд этилган «Ёшлар бахт маскани» ҳудуднинг йирик маданий марказларидан бирига айланган. Айни пайтда бу ерда ўнлаб ёшлар ишламоқда.

Қишлоқ фуқаролар йиғини аҳолисининг саломатлигини муҳофаза қилиш, уларга малакали ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида олтита қишлоқ врачлик пункти фаолият кўрсатмоқда. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга қаратилган давлат дастурлари асосида мазкур тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базаси тобора мустаҳкамланиб бораётир.

– «Саломатлик-2» дастури асосида замонавий бино ва асбоб-ускуналарга эга бўлдик, – дейди Оҳалик қишлоқ врачлик пункти бош врачи Хурсанд Жабборова. – Жумладан, янги ультратовуш ускунаси, электрокардиограмма ҳамда бир қатор физиотерапия муолажаларини ўтказиш имконини берадиган замонавий тиббий жиҳозлар туфайли беморларга аниқ ташхис қўйилиб, самарали даволанмоқда.

Оҳалик ҳудудидаги ўндан зиёд умумтаълим даргоҳлари Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури асосида замонавий илм масканларига айлантирилмоқда. Хусусан, кейинги уч йил мобайнида тўртта янги мактаб қурилди. Жорий йилда 18-мактаб учун янги ўқув биноси бунёд этилмоқда. Бошқа мактабларда ҳам реконструкция, капитал ва жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Ўқувчи ва ўқитувчилар учун яратилаётган бундай қулай шарт-шароит, берилаётган эътибор таълим сифати ва самарадорлиги ошишига хизмат қилаётир. Жорий ўқув йилида мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган фан олимпиадаларининг туман босқичида Оҳалик мактаблари ўқувчиларининг 31 нафари ғолиб бўлгани ҳам фикримизни тасдиқлайди.

– 2006 йили 375 ўринли янги бинога кўчиб ўтдик, – дейди «Мўлиён-I» маҳалласидаги 42-умумтаълим мактаби директори Гулчеҳра Акрамова. – Бу ердаги замонавий синфхоналар ва лабораторияларда ўқувчиларнинг пухта билим олиши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Шу боис, уларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари йил сайин ошиб бормоқда. Мазкур ўқув йилининг ўзида ўқувчиларимиз фан олимпиадаларининг туман босқичида учта фандан ғолибликни эгаллади.

Юртимизда қишлоқ аҳолиси турмуш фаровонлигини ошириш, уларнинг унумли меҳнат қилиши, фаровон ҳаёт кечириши учун амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасини Оҳалик қишлоқ фуқаролар йиғини мисолида яққол кўриш мумкин. Бу борадаги эзгу ишлар давом этар экан, мамлакатимиздаги барча шаҳар ва қишлоқлар ана шундай обод ва кўркам қиёфа касб этиб бораверади.

**Ғолиб ҲАСАНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Тест

## ҚАНДАЙ ОТА-ОНАСИЗ?

**Биз кўп ҳолларда қандай ота-она эканимиз ҳақида ўйлаб кўрмаймиз. Зиммамиздаги вазифаларимизни бажара олаяпмизми ёки йўқ? Балки турмуш ташвишлари билан бўлиб энг асосий нарсани унутиб қўяётгандирмиз. Сизда буни текшириб кўриш имкони мавжуд. Қуйидаги тест айни шу саволларга жавоб топишингизга балким ёрдам берар. (Ҳар бир «ҳа» жавобига 2 балл, «йўқ» жавобига 0 балл, «баъзан», «вазиятга қараб» қабилидаги жавобларга эса 1 балл берилади).**

**1.** Болангизга бирор юмушни буйруқ бермасдан, илтимос орқали бажартира оласизми?
А) Ҳа.
Б) Баъзан.
В) Йўқ.

**2.** Журналларда, телевидениеда ва радиода бериладиган тарбиявий мавзудаги кўрсатув, эшиттириш, мақолалар билан мунтазам танишиб борасизми? Шундай мавзудаги адабиётлардан фойдаланиб турасизми?
А) Ҳа.
Б) Баъзан.
В) Йўқ.

**3.** Спорт ва жисмоний тарбия боланинг гормонал ривожига катта таъсир қилишига ишонасизми?
А) Ҳа.
Б) Унчалик эмас.
В) Йўқ.

**4.** Фарзандингиз айб иш қилиб қўйди, дейлик. Бу ўзингиз берган тарбия натижаси деб ўйлайсизми?
А) Ҳа.
Б) Баъзан.
В) Йўқ.

**5.** Ўғлингиз ёки қизингизнинг илтимосидан қутулиш учун қуйидаги сўзлардан фойдаланасизми: «вақтим йўқ», «тўхтаб тур, ишимни тугатиб олай...»
А) Ҳа.
Б) Вазиятга қараб.
В) Йўқ.

**6.** Агар болангиз сизга ўз ёрдамини таклиф қилса, ҳар қандай қийин ҳолатда ҳам қабул қиласизми?
А) Ҳа.
Б) Баъзан.
В) Йўқ.

**7.** Ман қилувчи ёки буйруқ оҳангидаги сўзларни фақат керак пайтда ишлатасизми?
А) Ҳа.
Б) Вазиятга қараб.
В) Йўқ.

**8.** Сизнингча, қаттиққўллик тарбиянинг асосини ташкил этадими?
А) Ҳа.
Б) Унчалик эмас.
В) Йўқ.

**9.** Турмуш ўртоғингиз билан барча масалаларда ҳамфикрмисиз?



А) Ҳа.
Б) Баъзан.
В) Йўқ.

10. Муҳитнинг болага таъсири катта, деб ҳисоблайсизми?
А) Ҳа.
Б) Унчалик эмас.
В) Йўқ.

### ТЕСТ НАТИЖАЛАРИ ТАҲЛИЛИ:

**0 – 6 балл.** Афсуски, сиз тарбия тўғрисида жуда оз маълумотга эга экансиз. Маслаҳатимиз: бу соҳадаги билимларингизни кенгайтиринг, ўз устингизда кўпроқ ишланг. Фақат кундалик юмушлар, ташвишлар билан бўлиб, фарзандларингизни эътиборсиз қолдираётганингиз ҳақида ўйлаб кўринг. Улар келажаги учун масъул эканингизни унутманг.

**7 – 14 балл.** Бола тарбиясида баъзи-баъзида хатоларга йўл қўясиз. Гоҳо фарзандларингизга, уларнинг ютуқлари, кечинмаларига тўғри баҳо бера олмай, бу билан боғлиқ масалаларга ечим топа олмай қийналасиз. Бу борадаги билимларингизни сарҳисоб қилиб чиқсангиз, ёмон бўлмасди. Жигарбандларингизга раҳбар мақомида муомала қилмай уларга чин дўст бўла олсангиз, муаммолар ўз-ўзидан барҳам топади. Дам олиш кунларини болаларингизга бағишласангиз айни муддао.

**15 баллдан юқори:** Иш, супур-сидир, пишир-куйдирлардан ортиб болаларингизга ҳам вақт ажрата оласиз. Зиммангиздаги бурчингизни тўлиқ бажарасиз. Бу сизда масъулият ҳисси юқорилигидан.

**Жасур НИЁЗОВ тайёрлади.**

Сўраган эдингиз

## ҲАРБИЙ МУЛКНИ АСРАШ ЛОЗИМ

**Командирларимиз ҳарбий мулкни доимо кўз қорачиғидек асраш кераклигини таъкидлашади. Айтингчи, қонунчилигимизда ҳарбий мулкни сақлаш тартибини бузганлик учун қандайдир жазо белгиланганми?**

**Оддий аскар**
**А. МАҚСУДОВ.**

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 295-моддасида бу борада шундай ёзилган: «Ҳарбий мулкни беҳуда сарфлаш, яъни муддатли хизмат ҳарбий хизматчисининг шахсан ўзи фойдаланиши учун берилган ҳарбий аслаҳа-анжомларни сотиши, фойдаланиш учун бировга бериши ёки гаровга қўйиши –

олти ойгача қамоқ ёки бир йилгача интизомий қисмга юбориш билан жазоланади.

Хизматда фойдаланиш учун ишониб топширилган қурол, ўқ-дори, ҳаракат қилиш воситалари, техника таъминоти буюмларини сақлаш қоидаларини бузиш натижасида уларни йўқотиш ёки ишдан чиқариш, –

икки йилгача хизмат бўйича чеклаш ёки бир йилгача интизомий қисмга юбориш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган қилмишлар жанговар вазиятда содир этилган бўлса, –

уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 296-моддасида қурол, ўқдори, ҳаракат қилиш воситалари, ҳарбий техника ёки бошқа мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш – икки йилгача хизмат бўйича чеклаш ёки олти ойгача қамоқ жазоси ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши келтириб ўтилган.

Агар ўша қилмиш оғир оқибатларга сабаб бўлса, беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан, агар жанговар вазиятда содир этилган бўлса, ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланиши белгиланган.

## ИМТИЁЗЛАР ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШГАН

**Ҳарбий қисм қўмондонлиги тавсияномасига эга бўлган, лекин тест синовларида керакли баллни тўплай олмаганлар олий таълимнинг айрим йўналишлари бўйича контракт асосида қабул қилинишини эшитганман. Шунга бироз ойдинлик киритсангиз.**
**Навбатдаги саволим эса контракт асосида ўқишга қабул қилинганларга «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан муайян ёрдам кўрсатилишида нимага асосланиши билан боғлиқ.**

**М.КАМОЛОВ.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарорига биноан ҳарбий қисм қўмондонлиги тавсияномасига эга бўлган, бироқ танлов давомида (тест синовида) керакли балл тўплай олмаган муддатли ҳарбий хизматни ўтаган абитуриентлар ўқишнинг педагогика, қишлоқ хўжалиги, табиий-илмий ва техник йўналиши бўйича олий таълим муассасаларига тўлов-контракт асосида қабул қилинади.

Муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинган талабаларга ўқиш даврида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бошланғич ташкилотлари фаолиятида фаол иштирок этган тақдирда контракт суммасининг 35 фоизи тўлов тариқасида моддий ёрдам кўрсатилади (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори).

# ТУРМУШ ЧОРРАҲАСИ

## ТАНГРИ АСРАЙМАН ДЕСА...

(Воқеий ҳикоялар)

### НОТЎҒРИ ТАНБЕҲ

Нозима эндигина бир ойлик бўлган йўргакдаги чиқалоғини ухлатиб, беланчакка ётқизди-да, дўконга чиқиб келиш учун чоғланди.

– Шерзод, мен сизларга нон, сут олиб келаман. Шўхлик қилмай, яхши бола бўлиб ўтиргин, хўпми? – тайинлади тўрт яшар ўғлига у. – Агар шовқин солиб укангни уйғотиб юборсанг, деразадан пастга ташлаб юбораман, биласан-а?

Онасининг пўписасига Шерзод тушундим дегандек бош ирғаб қўйди. У бу танбеҳни кўп маротаба эшитган. Бир марта банкадаги ёғни тўкиб юборгани учун онаси уни деразадан ташлаб юбормоқчи ҳам бўлганди, ҳатто. Ўшанда бир пой шиппакчаси пастга тушиб кетгани ҳамон ёдида. Шунда дадаси онасини қаттиқ уришиб берганди ҳам. Ҳозир эса унинг тарафини оладиган дадажониси ишда. Шерзод шуларни ўйлар экан, машиначаларини овоз чиқармай ўйнашга ҳаракат қиларди. Аммо сал ўтмай, беланчакдаги укаси «инга»лай бошлади. Шерзод онаси ўргатганидек тебратишга тушди уни. Бироқ чақалоқ йиғиси тинай демасди. Шунда у онаси айтадиган танбеҳни такрорлади:

– Қани, шовқин солма-чи. Агар йиғингни тўхтатмасанг, ҳозир деразадан ташлаб юбораман.

Укаси эса оғизчасини ҳар томонга чўзиб «инга»лашини қўймасди. Шунда Шерзоднинг худди онасидек жаҳли чиқди, гўё.

– Гапимга ишонмаётган бўлсанг, ҳозир кўрасан.

У стулчасига чиқиб, деразани очди-да, ҳамон акасини «писанд» қилмай чинқираётган укасини беланчакдан олиб, дераза олдига олиб келди.

– Биз росаям баландда яшаймиз, бешинчи қаватда. Мана, пастга битта қарагин, қўрқиб кетасан, – укасини бағрига босиб, стулчасига бир амаллаб чиқиб олган Шерзод унга ташқарини кўрсатмоқчи бўлди. Аммо бошчасини ҳар ёнга буриб йиғлаётган чақалоқ унга бўйин бергиси келмасди. Шунда у укасини қўрқитиш учун янаям баландроқ кўтаришга ҳаракат қилди. Бироқ, стулчасидан оёғи тойиб кетди-ю, укаси қўлидан пастга тушиб кетди.

Шу орада оналарга хос хавотир билан шошилиб дўкондан қайтган Нозима беланчакда боласи йўқлигини кўриб, ранги бўзарган ҳолда:

– Шер, Шерзод, уканг қани? – дея ром томонга юрди.

Очиқ дараза олдида қотиб турган ўғлига кўзи тушиб, нохушликни англагандек жон ҳолатда пастга кўз ташлади. Пастда ҳеч нарса кўринмас, тўртинчи қаватда яшайдиган қўшниси ёйган кирлари шабадада ҳилпираб турарди. Бармоқларини ўйнаб, тумшайиб турган ўғлидан воқеани тагига етган Нозима ҳушини йўқотаёзди. Бир зумда қўшнилар йиғилишди. Чақалоқни изла-изла бошланди. Бироқ у ерда ҳам, уйда ҳам йўқ эди. Шу орада Нозиманинг пастки қаватдаги қўшниси гўдак товушидан сергакланди. Унинг овози ташқарига ёйиб қўйилган кўрпа чойшабининг орасидан келарди. Бу хабар барчани қувонтирди, шу билан бирга барчани лол қолдирди ҳам. Нозима минг бир шукроналик билан қалтираётган бағрига боласини босар экан, бу воқеада ўзининг катта айби борлигини, бу нотўғри танбеҳнинг меваси эканлигини англаб турарди.



### ГЎДАКНИНГ ГУНОҲИ НИМА?

Ярим тун. Марҳамат опа қандайдир товушдан уйғониб кетди. У гоҳ гўдакнинг, гоҳ мушукнинг инграшига ўхшаб кетадиган бу овозга бир оз қулоқ тутиб турди-да, «жуда эгасиз мушуклар кўпайиб кетди-да», деди ўзига-ўзи товуш чиқариб. Аёлнинг овозидан уйқуси қочган Рустам ака бошини кўтарди:

– Нима бало, уйқусираяпсанми?

– Мушукнинг товушини қаранг. Худди гўдакникига ўхшайди-я. Шунга уйғониб кетдим.

Рустам ака ташқарига бир оз қулоқ тутиб турди-да:

– Э-э, ухласанг-чи. Мушукларнинг бундай товушини эшитмаганмисан? – дея бепарво ёстиққа бош қўйди.

Бироқ, Марҳамат опанинг назарида гўдакнинг нолиши худди уларнинг остонасидан келаётгандек эди, гўё.

– Дадаси, туринг, ташқаридан бир хабар олайлик. Мушуклар кўпам бешинчи қаватда юрмаса керак. Бу худди чақалоқнинг йиғисига ўхшаяпти, – хавотир аралаш эрини уйғотди яна у.

– Ҳеч ухлатмас эkansан-да, кечасиям тинчлик йўқ, – Рустам ака ғудранганича хотинининг кўнгли учун ўрнидан турди.

Бироқ ташқарида ҳеч зоғ кўринмасди. Эр-хотин қўшнилар томону зина пастларини кўздан кечириб, энди ортга қайтмоқчи ҳам эдиларки, бир оз тин олган чақалоқ йиғиси энди аниқ эшитила бошлади. Товуш келаётган томонга эътибор қилган Рустам ака бир-икки қадам юрди-да, ҳайратини яшира олмади:

– Ё тавба, бу ҳақиқатдан ҳам гўдакнинг овози. Унинг йиғиси ахлат қувуридан келаяпти.

Улар гўдакни олтинчи қаватга яқин жойдаги қувур ичида эканлигини аниқлашгач, уни чиқариб олиш қийин масала эканлигини англашди. Чунки сал нотўғри ҳаракат ҳам бахтли тасодиф туфайли нимагадир илиниб қолган чақалоқнинг пастга тушиб кетишига сабаб бўлиши мумкин эди.

Эр-хотиннинг саъй-ҳаракати билан қўни-қўшнилар ва ички ишлар ходимлари тезда бу воқеадан хабардор бўлишди. Гўдакнинг ҳаёти асраб қолинди. Эндиги масала эса бу оғир гуноҳга, тўғрироғи, жиноятга қўл урган шахсларни аниқлаш эди. Керакли мутахассислар воқеани ўрганиб чиқиб, бу аянчли ҳодисани содир этганлар шу кўпқаватли уйнинг ўзида истиқомат қилади, деган хулосага келишди.

Динара шу кўп қаватли уйда вояга етган. Ёлғиз она билан ўсган қиз анчайин эркатой ва ўзбилармон чиқди. Кун бўйи ишда бўладиган онаси Светлананинг ягона овунчоғи ўн тўрт, ўн беш ёшиданоқ турли кўнгилочар давралар, «дискотека»лардан кеч қайтарди. Бу «эркинлик» ўсмир қизнинг ҳаётини издан чиқарди. Шунда ҳам боласининг кўнглига қараган бепарво она уни йўлга солай демасди. Оз фурсат ўтмай эндигина ўн олти ёшга кирган қиз ҳомиладор бўлиб қолди. Она учун бу бепарволикнинг «меваси» қимматга тушди. У болани олдириб ташлаш илинжида яширинча шифохонларга бош уриб борди. Натижа чиқмади, ҳомила катта бўлиб қолган эди.

– Эшикни очинг, уйингизни кўздан кечириб чиқишимиз керак. Текшириш учун қўлимизда рухсатнома бор.

Еттинчи қаватда яшайдиган Светлана буйруқ оҳангида айтилган бу товушдан ўзини қўйгани жой тополмай қолди. Қаршилик кўрсатиш бефойда эканлигини англаб етгач эшигини очибди.

– Марҳамат кираверинглар, бемалол текшириб чиқишингиз мумкин, – дея гўё бепарводек уларни ичкарига таклиф қилди. – Биз қизим иккимиз яшаймиз. Унинг боши оғриб турган эди. Шунинг учун дам оляпти.

Аёлнинг безовталиги текширувчиларни бефарқ қолдирмади. Гуноҳкорлар ана шу она-бола эканлиги аниқланди.

Светлана қизининг отасиз, шармандали ҳолатда фарзанд кўришини истамаганди. Ҳомилани йўқ қилишнинг иложи бўлмагач, Динарани сўраганларга «Россияга, холасиникига кетди», деган баҳона билан уйда асраган, бола туғилгач ушбу жиноятга қўл урганди. Уларга жазо муқаррар эди, шубҳасиз. Бироқ она-боланинг ўз айбларига иқрор ва пушаймонлиги, гўдакка эса она зарурлиги ҳисобга олиниб, уларнинг гуноҳи авф этилди.

Тангри асраган бола ҳозир онаси бағрида тарбияланаяпти. Аммо у вояга етгач, ушбу кўнгилсиз воқеадан хабардор бўлмаслигига ким кафолат беради. Дунёга келтирган онаси учун эса ушбу ўй билан эзилиб яшаш ҳаётнинг жазоси бўлса, ажабмас.

**Зулфия ЮНУСОВА.**

Ривоят

## ОНА – УЛУҒ ЗОТ

Дунёда жуда кўп подшолар, амир ва хонлар ўз ёрларига атаб маҳобатли бинолар, мақбаралар бунёд этишган. Лекин дунёда онаси номи шарафига гўзал ўқув юрти – мадраса бунёд этган амир ҳам бор.

У ким эди?

Уни эъзозлаб Амир Абдуллахон, дер эдилар. У меҳр дарёсидан сув ичиб, садоқат боғларида бўй чўзиб, сахийлик оламига қўл берган инсон эди. Ҳар тонгда волидаи муҳтарамасидан дуо олиб, сарой юмушларини бажаришга киришар, мамлакатни тинч бошқариб, уни обод этиб, халқнинг оғирини енгил қилиш умр мазмунига айланган эди. У илм ҳомийси, санъат ошуфтаси, шеърият шайдоси эди. Бухорои шарифда улуғвор ўқув юрти – гўзал мадраса бунёд этиб, уни ўз волидаси шарафига «Модарихон» деб аташни кўзлаган содиқ, меҳрибон фарзанд ҳам унинг ўзи эди.

– Бино онамдек ягона бўлиши керак! – деган эди у.

Моҳир усталар икки йил деганда, бетакрор мадрасани амир истаган алфозда бунёд этдилар.

Улуғвор ва гўзал бинони кўрган волидаи муҳтарамаси фарзандидан беҳад миннатдор бўлиб, унга узоқ умр, эзгуликлар ва бахт тилади.

Мазкур мадрасада жуда кўплаб талабалар таҳсил олиб, юртимизнинг ўша пайтдаги илм-фан ривожига муносиб ҳисса қўшдилар. Бугун улар қолдирган улуғвор обидалар, нодир китоблар, мусиқа асбоблари ва бошқа ноёб осори-атиқалар нафақат бизнинг, балки дунё аҳлининг фахри ва ифтихори ҳисобланади.

Муҳтарама волидаси фоний дунёдан дорилбақога рихлат қилганда, ғамлар ғорининг тубига чўккан Амир Абдуллахоннинг бутун оламини тун қоплади. Гўё унинг учун ҳаёт қуёши сўнган эди. Суюкли кишисини йўқотган инсон ҳолатини тушуниш мумкин. Айниқса, волидаи муҳтарамасини йўқотган Амирнинг чуқур қайғуга ботиши тайин эди. Ана шундай пайтларда яхши инсонлар тўғри йўл кўрсатадилар. Сарой аъёнлари, яқинлари маслаҳат қилишиб, «Модарихон» мадрасаси қаршисига яна бир бино бунёд этишни маслаҳат бердилар. Амир ўйланиб қолди. Нима қилиш керак? Онаси номига қурилган мадраса қаршисига ўз номида бино барпо этса, беҳурматлик бўлмасми?!

Кўрдиларки, Амир Абдуллахон чуқур ўйга ботди. Демак, уни «бу ишга рози бўлмаса керак», деган хаёлга ҳам бордилар. Чунки садоқатли Амир ҳеч қачон ўзини онасидан юқори қўймас, унинг шаънига гард юқтирмасликка ҳаракат қиларди. Ниҳоят, у бошини кўтарди ва уларнинг фикрлари маъқул бўлганини, фақат бинони сал эгик ҳолда қуришни истаётганини билдирди.

Усталарнинг боши қотди. Ҳали ҳеч жойда бунақа мадраса бунёд этилмаган. Лекин шоҳ амри вожиб, бундай мураккаб ишни албатта бажармоқ керак!

Маълумки, юртимиз меъморчилигининг илдизи жуда олисга бориб тақалади. Биргина Варахшадаги қадим обидалар, Айритом, Термиз шаҳри атрофидаги қадимги бинолар қолдиқлари ёки Деновдаги Далварзинтепадан топилган кўҳна меъморчилик ёдгорликлари, будда ҳайкалчалари ва бошқа қатор осори-атиқалар бунинг ёрқин далилидир. Ўз пайтида Мусо Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек каби йирик олимлар биноларнинг «олтин кесма» усули ҳақида аниқ маълумотлар бериб кетганлар. Мирзо Улуғбекнинг Самарқандда Расадхона бунёд этиш ишлари билан танишар эканмиз, аждодларимизнинг қанчалик чуқур билимга эга эканликларини кўриб, ҳайрат бармоғини тишлаймиз. Биргина мисол келтирадиган бўлсак, ўша машҳур Расадхона пойдевори учун меридиан чизиғини белгилаш юзасидан Қозизода Румий, Мавлоно Ғиёсиддин ўртасидаги баҳсларни ўқисангиз, бу зотлар шунчалик билим ва тафаккурни қаердан олган экан, дея яна ҳайратга чўмасиз.

Бухоронинг номдор амирларидан бўлмиш Абдуллахон мадрасасини бунёд этишда ҳам усталаримиз худди шу қадим анъаналарга ва улуғ алломаларимиз қолдириб кетган билимларга таянганлари аниқ. Хуллас, неча асрки, Амир Абдуллахон мадрасаси онаси номидаги «Модарихон» мадрасасига эгилиб, таъзим қилиб турибди. Буни кўрган бугунги хорижлик сайёҳлар ҳайратдан ёқа ушлайдилар. Биз эса мўъжиза қидириб, ғарбнинг баъзи ёт қилиқларига тақлид қиламиз. Аммо дунёнинг бор баракаси ва ҳикмати жаннатмонанд юртимиз эканлигини ҳис этиб, унга меҳримизни берсак, уни эъзозлашда Амир Абдуллахонга тенглашсак борми, бу юрт янада жозибадор ва гўзал бўлиши, келгусида дунёни ҳайратга солиши аниқ.

**М. ҲАЙИТОВА.**

# ФАН-ТЕХНИКА

## РАДИОБОШҚАРУВГА ЭГА ҚЎНҒИЗ-КИБОРГЛАР

АҚШ армияси яқин йиллар ичида қўнғиз-киборглар билан қуролланиши мумкин. Олимларнинг айтишича, иккинчи авлод қўнғизлари кенг кўламда ишлаб чиқаришга тайёр. Тўла радиобошқарувга эга ҳашаротни разведка мақсадларида ишлатса ҳам бўлади.

Калифорниялик мутахассислар мияси электрод ёрдамида жонлантириладиган қўнғизни масофадан туриб қандайин бошқарилишини намойиш этишди. Муҳими шундаки, қўнғизнинг бошига ва мушагига ўрнатиладиган 6 та электрод ёрдамида узатиладиган радиосигнал туфайли ҳашаротнинг қанотлари ва танасининг бошқа қисмлари ҳаракатга келади. Илгари ҳам шунга ўхшаш тадқиқот ўтказилганди. Бироқ электрод қўллаш, радиосигнал юбориш фикри биринчи бора синовдан ўтказилди.

Тажриба бундайин ҳашаротлар ичида энг кучлиси ҳисобланадиган, яъни 3 граммгача юкни кўтара оладиган шохли қўнғизлар турида олиб борилди.

Келажакда университет олимлари қўнғизга махсус сенсорлар ва камера ўрнатишни режалаштиришмоқда. Бу янгилик қўнғизнинг одамлар ичида робот-кузатувчи бўлиб ишлашига хизмат қилиши мумкин.

Олимларнинг таъкидлашича, бундайин киборгни яратиш инсониятга улкан фойда келтираркан.

«Мазкур тадқиқотни АҚШ мудофаа вазирлигининг истиқболдаги тадқиқотлар ва лойиҳалар бошқармаси молиялаштираётгани ҳисобга олинадиган бўлса, унинг аввало ҳарбий мақсадларда қўлланишини сезасиз», дейилади Интернет хабарларида. Бироқ мазкур янгиликдан тинчлик мақсадларида ҳам, масалан, қутқарув ишларида ҳам фойдаланиш мумкин, дейишмоқда.

Қўнғиз-киборглар имкониятининг оммавий намойиши Италиянинг Соррен шаҳрида бўлиб ўтган илмий анжуманда бўлиб ўтди.




## ЎСИМЛИК ЁНИЛҒИСИ БИЛАН ПАРВОЗ

Токио аэропортидан Ханэдга биоёнилғи солинган йўловчи самолёти парвоз қилди.

Аниқроғи «JAL» авиакомпанияси «Боинг –747» самолёти ёнилғисининг ярмини ўт-гиёҳдан тайёрланган суюқлик ташкил этди.

Синов парвози бехатар ўтди. Бундайин тажрибалар олдин ҳам амалга оширилган. Қизиғи шундаки, илк бор ёнилғи сифатида жонзодлар емайдиган ўсимликдан тайёрланган суюқлик ишлатилган.



## РАДИОГА УЛАНАДИГАН ФОТОРАМКА

Рақамли электроника маҳсулотларини етказиб берувчи дунёга машҳур «AMEX Digital» компанияси нафақат Осиё, балки Европа бозорларига ҳам 7 дюм ўлчамли рақамли «SW-7» дея номланган радиога уланадиган фоторамкасини тақдим этди.

Мослама дунё бўйлаб об-ҳавони кузатишга жудаям қулай.

Фоторамка «JPG/AVI/Mpeg1,2,4/MP3» ўлчамларда ишлай олади ва ўзига хос хотира картасига эга. Компьютерга эса «USB» орқали уланади.



## ТЕЛЕФОНДА УЧ ЎЛЧАМЛИ ЭКРАН

«CyberSecurity.ru» сайти тарқатган хабарга кўра, дунёда учинчи ўринда турадиган Япониянинг «KDDI» уяли алоқа оператори жаҳонда илк бор уч ўлчамли экран билан жиҳозланган аппаратни мижозлар эътиборига ҳавола қилди.

«Ketai H001» дея номланувчи янги модель «Hitachi» компанияси томонидан ишлаб чиқарилган ясси 3,1 дюм ўлчамдаги дисплейга эга. Айтиш лозимки, ғаройиб дисплей компаниянинг «Hitachi Wooo» инновацион телевизорлари ишлаб чиқарилаётган технология асосида тайёрланган. Аппарат Япониядан ташқарига жўнатилмайди.

Мобиль дисплейда уч ўлчамли тасвирларни, дейлик, ўйин, тасвир ва видеони кўриш учун махсус стерео кўзойнаклар шарт эмас.

Телефон икки хил – оддий ва уч ўлчамли режимда ишлашга мослаштирилган.

Дисплейдан ташқари уяли телефон 5 мегапикселлик камера ва «Micro SD» форматидаги хотира картасига эга.



## АНТАРКТИКАДА ТРОПИК ЖОНЗОДЛАР ЯШАГАНМИ?

Олимларнинг таъкидлашича, қачонлардир жанубий қутб – Антарктика ҳудудида ҳаво иссиқ бўлиб, кўплаб тропик жонзодлар яшаган. «Geology» журналида ана шундайин маълумот берилгани ҳақида Интернет сайтида билдириб ўтилган.

Тўғри, илмий тахмин тахминлигича қолиши мумкин эди. Бироқ Нью-Йоркдаги Рочестер университети олимлари бу борада аниқ фактларни келтиришмоқда. Маълум бўлишича, жанубий қутбда чучук сувда яшовчи тошбақа қолдиқлари топилган. «Ҳарорат баланд бўлмаса, иссиқсевар бу жонзод бу ерда яшамасди. Миллион йиллар муқаддам Антарктика қарийб тропик қитъа бўлган», дейишяпти мутахассислар.



## ГЕНЕТИК КОДИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

«23andMe» компанияси раҳбари Линда Авейнинг маълум қилишича, генлар чуқур таҳлили тез ва арзон машғулотга айлангач, тиббиётда мисли кўрилмаган ўзгариш содир бўлади. Яъни бу кўплаб хасталикларни бартараф этиш ҳисобига одамларга узоқ умр кўришдек бахтни туҳфа этади.

Компания АҚШ фуқароларига ажойиб хизмат таклиф қиляпти. Аниқроғи хоҳлаган киши «23andMe» га тупугини йўллаб, генетик ўзига хосликлари, қандайин хасталикларга чалиниш эҳтимоли кўплиги борасида маълумотлар олиши мумкин. Қарабсизки, мазкур лойиҳа иштирокчиси генетик коди борасидаги бундайин маълумотлардан яқинлари, шифокорини огоҳ эта олади.



## МАРСДАГИ СУВ ТОЗА ЭКАН

Марсда музликлар шаклида сақланаётган сув анчайин тоза экан. «NASA Mars Reconnaissance Orbiter» зондининг «SHARAD» дея номланган радари ёрдамида мазкур маълумот олинди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, экспертларнинг фикрича, Қизил сайёра – Марсдаги музларнинг ҳажми тахминан 2-3 миллион километр кубга тенг экан.

Илгари мутахассислар музни қачонлардир яхлаб қолган карбонад ангидрид гази, дея тахмин қилишганди. Бироқ «Mars Express» аппарати 2007 йилдаёқ бу фикрни йўққа чиқарди. Яъни сайёрада сув борлигини аниқлашга ёрдам берди.



# ХОНАДОН

Полезные советы

## КАЖДОЙ ДВЕРИ – СВОЮ РУЧКУ



Когда в доме ремонт – голова идет кругом, и все запомнить и обдумать просто не успеваешь. Поэтому такие «мелочи», как выбор дверей, не учитываются – покупаем оптом несколько одинаковых, а потом выясняется, что проемы разные, изделие не подходит. Поэтому имейте в виду, что двери для санузла отличаются от обычных межкомнатных. Их ширина должна быть не больше 60 сантиметров.

Можно выбрать дверь с вентиляционной решеткой внизу – это позволит помещению лучше проветриваться. Современные двери могут быть оформлены изящными филенками и красивой фурнитурой. Болтающиеся щеколды ушли в прошлое, и сейчас замок удобно встроен в ручку, которую достаточно только повернуть, чтобы закрыться изнутри. Кстати, ручки не только имеют функциональное назначение, но и могут стать оригинальным дополнением к любой двери. Главное – чтобы они были удобными и долговечными. Филенчатую дверь в гостиную украсит резная и витиеватая фурнитура, а для кухонной стеклянной двери можно выбрать в минималистском стиле – они как нельзя лучше подойдут сюда. Дверь в спальню удобно снабдить ручкой с замком, который будет закрывать ее изнутри. Ну а для детской подберите забавную «игрушечную» фурнитуру, но без замка, чтобы ребенок не мог случайно закрыть себя в комнате.

Материалы, из которых изготавливают дверные ручки, разнообразны: латунь, нержавеющая сталь, алюминий и его сплавы, дерево, а также комбинированные например: металл и пластик.

## ТИШЕ ШАГ



У кровати и перед дверью ковер быстро вытаптывается, а под столом и под диваном остается как новенький. Что делать, не выбрасывать же в общем-то еще хорошую вещь? Отрежь «облысевшие» части, а из остатков с хорошим ворсом выкрои маленькие коврики. Они не обязательно должны быть прямоугольной формы. Пофантазируй и сделай, например, коврики-цветочки.

## АРАЛАШМА ҚУЙМОҚ

Керакли масаллиқлар: 1 стакан ун, 2 стакан сут, 10 гр хамиртуруш, 3 дона тухум, 100 гр сарёғ, 1 чой қошиқ шакар, таъбга кўра туз.



Аралашма учун: 2 дона қайнатилган тухум, 50 гр қайнатилган қўзиқорин.

Тухумни туз ва шакар билан аралаштириб, унга илиқ сутда эритилган хамиртуруш, ун ҳамда иссиқ сув ҳароратида эритилган сарёғнинг бир қисмини солиб хамир қорилади. Тиндириш учун иссиқроқ жойга қўйилади.

Қайнатилган тухум билан қўзиқоринлар майда қилиб тўғралиб, аралаштирилади.

Қизитилган ва ёғланган товага аввал бир қисм аралашма солинади, кейин оз-оздан хамир қуйилиб қизартириб пиширилади. Сўнгра қуймоқни ўгириб, орқа томони ҳам худди шу тарзда пиширилади.

## ЖАРЕНОЕ МЯСО БАРАШКА



**На 8–10 порций:**

Баранина 1,5–2 кг, чеснок 3 зубчика, смесь сушеных трав 1 щепотка, соус соевый 2 ст. ложки, перец черный молотый, соль.

**Приготовление:**

Острым ножом сделайте в мясе несколько надрезов и вставьте в них нарезанный ломтиками чеснок. Смешайте соль с перцем. Натрите полученной смесью мясо и положите его в жаровню. Жарьте сначала при 270° С до образования румяной корочки, затем при 180° С доведите до готовности.

Готовое мясо выложите и накройте фольгой, дайте ему постоять 15 минут.

Для соуса слейте из жаровни жир, в оставшийся экстракт влейте 600 г воды, посолите, поперчите, добавьте соевый соус и прокипятите.

Мясо нарежьте ломтиками и подайте вместе с соусом.

Bolajonlar, sizlar uchun!

## SAMOLYOTNI O‘ZING YASA








# ДУНЁ НАФАСИ

## НОУТБУК – ЎН ДОЛЛАРГА



Яқин олти ой ичида Ҳиндистон 10 АҚШ доллари баҳосидаги ноутбукларни сотувга чиқармоқчи. Бундайин компьютерлар оператив хотираси 2 Гб ҳажмида бўлиши ва бор-йўғи 2Вт энергияда ишлаши кутиляпти.

«The Times Of India» газетасида ёзилишича, компьютер таннархи 20 долларни ташкил этади. Бироқ оммавий, кўп миқдорда ишлаб чиқариш ҳисобига нарх туширилади.

Ноутбук лойиҳаси билан Банголордаги ва Ченнайдаги илмий тадқиқот институти олимлари шуғулланмоқда.

Нархнинг бундайин арзон бўлиши сабабқ нимада эканлиги ҳозирча ошкор қилинмаяпти. Шуни айтиш мумкинки, мазкур ноутбук ўқув муассасалари учун мўлжалланган. Аммо уни фарзандига ота-она совға сифатида дўкондан бемалол харид қилиши мумкин.

Маълумки, ривожланаётган мамлакатлар учун «Ҳар бир болага ноутбук» лойиҳаси (OLPC) ишлаб чиқилган. Лойиҳага кўра, комьютер 100 доллар баҳосида тайёрлаб берилиши керак. Ҳиндистон мазкур лойиҳага қўшилмаган. Бунга жавобан эса юқорида келтирилганидек, ўн баробар арзон компьютерлар ишлаб чиқиляпти.

## ТОҒДАН АНДОЗА ОЛИНАДИГАН БИНО



Даниянинг «Bjarke Ingels Group» номли бюроси Зира оролида сайёҳлар учун мўлжалланган мажмуа ва уй-жой қуриш режасини ишлаб чиқди. Гап шундаки, режага биноан Бокудан унча узоқ бўлмаган мазкур оролда ҳақиқий тоғни эслатувчи бино қад ростлаши кутилмоқда.

Маълумотларга кўра, умумий майдони бир километр квадратга тенг қурилиш бунёд этилади. Бу ердаги еттита турар жой биноси Озарбойжоннинг еттита машҳур тоғидан андоза олиши кўзда тутилган.

Мажмуа тўла экологик энергия манбаларига эга бўлади. Аниқроғи, сунъий тоғлар табиий ландшафтни акс эттириб туради.

Бундайин экологик мажмуалар барпо этиш дунё бўйлаб шаклланмоқда. Озарбойжонда ҳам шундай экошаҳарча барпо этилса, бу сайёҳларни ўзига жалб этиши шубҳассиз.

## ҚУЁШ ЭНЕРГИЯСИ БИЛАН ЮРАДИГАН АВТОМОБИЛЬ



2010 йилда Toyota Prius автомобили харидорлар истагига қараб қуёш батареяси билан жиҳозланадиган бўлади. Автомобилнинг том қисмида жойлашадиган панель вентиляция тизимини қувват билан таъминлайди. Автомобилнинг бахтли эгалари қуёш батареяси орқали келадиган энергия ҳисобига иссиқ кунларда салон ҳароратини мўътадиллаштириши мумкин. Яъни кондиционер қуёш энергияси ҳисобига ишлайди.

Бундайин янгилик фақатгина Тойотагагина тегишли эмас. Audi A8 ва Mazda 929 автомобилларига шунга ўхшаш панель ўрнатилганди. Қолаверса, Американинг «Solar Electric Vehicles» компанияси хоҳловчиларга 3,5 минг долларга қуёш батареяси ўрнатиб беришни таклиф қилмоқда. Хўш, бундайин янгиликнинг автомобиль учун афзал томони борми?

Мослама ихтирочиларининг таъкидлашича, қуёш батареяси орқали энергия оладиган автомобиль кунига 15 миль кўпроқ масофа юриши мумкин.

Япониянинг «Nikkei» газетаси ёзишича, «Тойота» фақат қуёш энергияси билан юрадиган автомобиль яратиш устида иш олиб бораётган экан. «Фақат мазкур ихтирони амалга оширишга йиллар керак бўлади», деб ёзилган газетада. Бироқ компания бундайин гапларни расман инкор қилмоқда.

Мутахассислар эса тўла қуёш энергияси билан юрадиган машина яратишга ҳали анча вақт бор, дейишмоқда. Яъни муаммо одатдаги машинада тўла қувват берадиган қуёш батареяси учун жой йўқлигида эмиш.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

## МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА



### Закон вступил в силу

Российские частные детективы потеряли право пользоваться специальной аппаратурой для слежки – например, жучками и скрытыми камерами. Закон, внесший поправки в документы о частной охране и детективной деятельности, вступил в силу, сообщает «Российская газета». Серьезно ужесточены наказания за нарушение юридических норм. Теперь за превышение полномочий детектив может сесть в тюрьму на срок до семи лет.



### Хиллари Клинтон в качестве госсекретаря США

В Вашингтоне в здании госдепартамента прошла церемония принятия присяги государственного секретаря США Хиллари Клинтон. Она поклялась соблюдать конституцию США и защищать страну от внешних и внутренних врагов. Присягу у Клинтон принимал вице-президент Джозеф Байден, на церемонии также присутствовал бывший президент США и муж госсекретаря Билл Клинтон, сообщает Интерфакс.



### Освобождение турецкого судна

Сомалийские пираты освободили турецкое судно Bosphorus Prodigy с восемью гражданами Украины и тремя гражданами Турции на борту. Об этом сообщает агентство France Presse. «Состояние 11 членов экипажа представляется хорошим», – цитирует агентство пресс-релиз, полученный от организации, которая следит за действиями сомалийских пиратов. На каких условиях пираты согласились освободить экипаж пока неизвестно, отмечает ИТАР–ТАСС.



### Обновление картографического сервиса

Компания Google объявила об обновлении своего картографического сервиса, позволяющего теперь в деталях рассмотреть океанские глубины. Пользователи программы получили возможность изучить объемные модели океанского дна, а также больше узнать об обитателях подводного мира, сообщает британская телерадиокорпорация BBC.



### Банк Японии выкупит акции на 1 триллион йен

Глава Банка Японии Масааки Ширакава заявлял ранее, что после снижения базовой ставки почти до нуля, японский ЦБ может прибегнуть к «нетрадиционным» методам поддержки финансового сектора. Одним из таких методов стала программа выкупа у финансовых институтов акций японских компаний, на который будет потрачен 1 триллион йен. Об этом пишет агентство Bloomberg со ссылкой на сообщение Банка Японии.



### Новая система электронной почты

В Стэнфордском университете разработали новую систему электронной почты, сообщает Клерк.ру со ссылкой на издание Astera. Благодаря новой технологии не потребуется знать точный адрес человека, которому отсылается послание – достаточно указать имя получателя, и система сама отыщет его на просторах интернета. Разработка основана на семантической технологии, позволяющей ей понимать отдельные фразы и устанавливать связи между словами вместо того, чтобы просто распознавать введенные символы. По словам ученых, система хорошо зарекомендовала себя в ходе экспериментов. В нынешнем году к ее тестированию будет подключено более 6000 человек. «Разумная» электронная почта должна в первую очередь заинтересовать различные компании и организации, а также и спамеров.

(www.NEWSru.com).

# КЕЛАЖАГИМИЗ ЭГАЛАРИ

Тавсиянома – муҳим имтиёз

## МАҚСАДИ ЭЗГУЛИККА ҲАМОҲАНГ

**Юртбошимиз: «Менинг энг катта ишончим ёш авлоддир. Замонавий билимга эга, одобли, илмли, кўрсанг ҳавасинг келадиган, баркамол ва шижоатли фарзандларимиздир», деб бежиз таъкидламаганлар. Бугун жамиятнинг қай бир жабҳасига назар ташламанг, унда иқтидорли, серғайрат, келажакдан умиди улкан, эртанги кунга ишончи юксак бўлган ёшларни учратасиз. Уларнинг қўлга киритаётган ютуқлари, амалга ошираётган ишлари ҳар бир юртдошимизни қувонтириши, тўлқинлантириши табиий. Қаҳрамонимиз Убайдулла Абдуллаевнинг армиядан қайтганига ҳадемай бир йил тўлади. Ҳар гал ўртоқлари билан ҳарбий хизмат ҳақида суҳбатлашганида, ўғлон тўлиб-тошиб хотиралари ҳақида гапиришга тушади.**

– Армияда кўп нарсани ўргандим. Ҳаёт мактабида анча чиниқдим, тобландим. Билимларим, дунёқарашим бойиди. Умримнинг энг сермазмун йилларини хизматда ўтказдим, десам муболағага йўйманг, – дейди у биз билан суҳбатда.

Ўқувчилик кезларидан спортнинг бокс, оғир атлетика турлари билан шуғулланган йигит нуфузли мусобақаларда совриндорлар сафидан ўрин олган. Жумладан, бокс бўйича ўсмирлар ўртасида 2007 йилда ўтказилган Тошкент биринчилигида яхши натижа кўрсатиб, иккинчи ўринни эгаллаган.

– Убайдулла машаққатларга чидамли, иродали йигит, – дейди биз билан суҳбатда унинг мураббийи, бокс бўйича спорт устаси Темур Ҳакимов. – Ҳаётда бирор яхши натижага, ютуққа эришиш учун кишидан аввало, меҳнаткашлик, интилиш, қолаверса, қатъият талаб қилинади. Унда ана шу хислатлар мужассам.

Шайхонтоҳур транспорт касб-ҳунар коллежини тамомлагач, у кўнглида улкан орзулар ва қизиқиш билан армияга отланди. Спортга ошно бўлиб улғайганлиги ва яхши билим олганлиги боис, кўрик-танловдан муваффақиятли ўтиб, муддатли ҳарбий хизматга лойиқ топилди.

Илғор, аълочи посбон сифатида ўзини кўрсатган шунқор командирлари, сафдошлари эътиборига тушди. Унинг соҳа сир-асрорларини пухта ўрганишида, хизмат мураккабликларини сабот билан енгиб ўтишида офицерлар Алимардон Шарипов, Дониёр Абдумаликовларнинг берган сабоқлари, ўгитлари муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

Жанговар, ижтимоий-сиёсий тайёргарликларда посбон йигит бир неча бор фахрий ёрлиқларга муносиб топилган. Энг муҳими, тавсиямани қўлга киритгани эса унинг юрт ҳимоясини муқаддас бурч санаб, хизмат қилганини яна бир бор кўрсатиб турибди.

Ватан олдидаги йигитлик бурчимни ўташ мобайнида юрт қадрини, тинчлик аталмиш буюк неъматнинг нечоғли азиз эканлигини англаб етдим. Сарҳадларимиз дахлсизгини таъминлаш, эл осойишталигини қўриқлаш дунёдаги энг шарафли ва масъулиятли иш эканига яна бир бор амин бўлдим. Бу эса мени бугунги дориломон кунларимизнинг қадрига етишга ўргатди, десам хато қилмайман. Армияда кўп дўстлар орттирдим. Хизматнинг илк кунларидан бирга бўлган сафдошларим – Рустам Ҳайитмуҳаммедов, Дамир Ҳамидулов, Жамшид Асқаров, Рустам Мирбобоевлар билан бугун ҳам аҳил-иноқ дўстмиз.



Ҳозирда нуфузли таълим даргоҳларидан бўлмиш Тошкент автомобиль-йўллар институтида таҳсил олаётган У. Абдуллаевнинг эзгу ниятлари, мақсадлари Ватан, халқ манфаатларига ҳамоҳанг эканлиги унинг дунёқараши ҳаёт мактабида шаклланганини исботлаб турибди.

**Мансур СОБИРҚУЛОВ.**
**Алексей ДИМЬЯНОВ суратга олган.**

## ИМКОНИЯТДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИБ...




Бугунги кунда ҳарбий хизматни муваффақиятли ўтаб, резервга бўшатилган ўғлонларимизга бир қатор имтиёзлар берилаётгани сир эмас. Бу эътибор уларни она Ватанимизга сидқидилдан хизмат қилишга, ҳарбий хизматнинг янада нуфузи ошишига сабаб бўлмоқда. Энг қувонарли жиҳати жанговар, ижтимоий-сиёсий тайёргарликларда кўплаб ютуқларга эришган аскарларнинг хизмати муносиб баҳоланиб, келгусида олий ўқув юртларига киришлари учун тавсияномалар берилиши, ишга жойлашишлари учун имкониятлар яратилиши ҳукуматимизнинг ҳарбий соҳага юксак эътиборидан далолат.

Фуқароларнинг ҳарбий хизмат ўташ жараёнларининг мустаҳкам ҳуқуқий асоси сифатида қабул қилинаётган қонун ва қарорлар уларни ҳуқуқий жиҳатдан кафолатламоқда.

Бу борада Юртбошимизнинг «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони фикримиз далилидир.

Мазкур Фармонга кўра, ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш замирида муддатли ҳарбий хизматнинг сифатини янада кўтариш мақсади мужассам.

Тавсиянома асосида талабаликка қабул қилинган Ислом Сайназаров Тошкент автомобиль – йўллар институтида таҳсил олмоқда.

Исломга ўқиш жараёнида муддатли ҳарбий хизматда орттирган малакаси, ҳар томонлама чиниққанлиги қўл келяпти. Айниқса, ўз олдига қўйган мақсади сари интилишида офицерлар Ортиқ Муродов, Ҳусан Абдуллаев, шартнома бўйича хизмат катта сержанти Собир Жалолов каби устозларининг сабоқлари катта бўлганлигини у юракдан ҳис этади.

– Ҳарбий хизмат инсонни ҳар тарафлама тарбиялайди, чиниқтиради. Бугун мудофаа ишлари бўлимларида кўрик-танловдан ўтиб, аскар бўлиш арафасида турган йигитларга «армия инсонни ҳар томонлама тоблайдиган ҳаёт мактабидир» дегим келади.

Биз орзулари Ватанга садоқат ҳисси билан йўғрилган бу ўғлоннинг келгусида янада катта муваффақиятлар қозонишига, гўзал Ўзбекистонимизнинг равнақи йўлида малакали кадрлар сафидан жой эгаллашига ишонамиз.

**Баҳодир ХОЛМАТОВ,**
**Жасмина ҚОДИРОВА.**

В гарнизонных Домах офицеров

## «НОВЫЙ СТИЛЬ» РАДУЕТ ЗРИТЕЛЕЙ



**Для Дома офицеров Чирчикского гарнизона становится доброй традицией проведение сборных концертов. Таким образом, военнослужащие и члены их семей приобщаются к миру эстрадного искусства.**

На недавнем концерте праздничное настроение дарил зрителям военный оркестр под руководством майора Б. Билялова. Оркестранты с первых аккордов завладели вниманием слушателей, создавая в зале атмосферу торжественности. Военные марши и вальсы, виртуозно исполненные «Посадобль» и народный узбекский танец «Лязги» надолго запомнятся аудитории.

Второй блок концерта вобрал в себя танцевальные композиции и выступления вокалистов. Группа спортивного танца «New stile» («Новый стиль») под руководством Н. Михальченко покорила зрителей четкими, ритмичными комбинациями в стиле хип-хопа. Девушки буквально наполнили зал своей доброй энергией. А танцовщицы из группы «Вдохновение» порадовали гостей нежными лирическими композициями.

И наконец, под занавес концерта со сцены прозвучали любимые всеми эстрадные хиты в исполнении младшего сержанта Э. Юсупова.

Этот концерт стал еще одним ярким проявлением заботы о создании условий для содержательного досуга членов семей военнослужащих.

**Наш корр.**

# МАЪРИФАТ

## МАЪНАВИЯТ ГАВҲАРЛАРИ ЖАМЛАНГАН БУНДА

**Ватан ҳимоячиларининг ҳар томонлама билимли, зукко, маънавияти юксак инсонлар бўлиб шаклланиши, шунингдек, дунёқарашининг кенгайишида қисмларда фаолият кўрсатаётган кутубхоналарнинг аҳамияти беқиёс. Қуролли Кучлар хизматчиси Сурайё Маҳмудова мудиралик қилаётган ҳарбий қисм кутубхонасида бўлганимизда, бу нарсага яна бир бор амин бўлдик.**



Китобларнинг инсон камолоти, маънавий дунёсининг бойишидаги хизматини биргина сўз билан ифодалаб бўлмайди. Ота-боболаримиз бежизга китобларни одамзодга энг яқин, энг содиқ дўст деб билишмаган. Зотан, ўқиш-изланиш орқали фикрларимиз теранлашади, мушоҳадаларимиз ўзгаради, кўнглимиз илм аталмиш «наҳрул ҳаёт»дан сув ичади.

Бугун ҳарбий қисмлардаги зиё масканларига алоҳида эътибор қаратилаётганининг боиси ҳам шунда.

– Кутубхонамизда бўш вақтимизни мазмунли ўтказишимиз учун барча шароит мавжуд, – дейди лейтенант Умид Маҳмудов. – Қисм кутубхонаси офицерлар, сержантлар, аскарлар ва Қуролли Кучлар ишчи-хизматчиларининг севимли масканига айланганининг сири шунда. Посбонлар бу ерда ўзларини қизиқтирган барча соҳаларга оид илмий, тарихий, бадиий ва ҳарбий соҳага оид энг сара адабиётлар билан танишишлари мумкин.

Кутубхона билан яқиндан танишар эканмиз, унинг чиндан ҳам катта фондга эга эканига гувоҳ бўлдик. Нашр қилинганига ҳали унча кўп бўлмаган «Ишқ гавҳари» (Ҳофиз Шеърозий), «Талваса» (Тоҳир Малик), «Ғаройиб олам» (тўпловчи: А. Султонов) «Амир Темур ўгитлари» (тузувчилар: Б. Аҳмедов, А. Аминов) каби маънавият дурдоналарининг китоб жавонларидан ўрин олгани бизни жуда қувонтирди. Бу эса посбонларнинг ҳар томонлама юксак салоҳиятли, баркамол шахслар бўлиб етишишлари йўлида қилинаётган ғамхўрликнинг бир кўринишидир.

Зиё масканида бир гуруҳ муддатли ҳарбий хизматчиларни учратиб, уларни суҳбатга чорладик:

– Қисмимиз кутубхонасидан мунтазам фойдаланиб тураман, – дейди оддий аскар Шерзод Тўхтаев. – Бу ерда ҳарб илмига оид, шунингдек, тарихий, бадиий, ижтимоий-сиёсий ва илмий адабиётлар талайгина. Ҳар ким ўз қизиқиши ва талабидан келиб чиқиб бу китоблардан фойдаланади. Менга айниқса тиббиёт соҳасига оид илмий адабиётларни мутолаа қилиш жуда ёқади. Келгусида Тошкент тиббиёт академиясида ўқишни ният қилганман.

– Кутубхонамизда китоблардан ташқари деярли барча турдаги вақтли матбуот нашрлари ҳам мавжуд, –дейди оддий аскар Жаҳонгир Абдураҳимов. – Менга айниқса, «Халқ сўзи», «Ўзбекистон овози» газеталари манзур. Ушбу нашрлар орқали мамлакатимизда изчил давом этаётган ислоҳотлар, ўзгариш ва янгиланишлар тўғрисида мунтазам хабардор бўлиб борамиз. Шунингдек, Қуролли Кучлармиздаги илғор, намунали, ўз касбининг устаси бўлган Ватан ҳимоячилари тўғрисида ҳам айнан даврий нашрлар орқали билиб оламиз.

Кутубхонада муҳим тарихий саналар, таниқли адиб ва шоирларнинг таваллудлари муносабати билан посбонлар ўртасида тез-тез бадиий кечалар, интеллектуал ўйинлар, адабий учрашувлар ўтказиб турилади. Маълумки, ҳар йили анъанавий тарзда «Энг яхши китобхон» танлови ўтказиб келинмоқда.Қувонарлиси шундаки, қисм миқёсида энг яхши натижага эришиб, танловнинг округ босқичида иштирок этган оддий аскар Эркин Комилов фахрли учинчи ўринни қўлга киритди.

Буюк бобокалонларимиз Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурлар таваллуд кунига бағишлаб қисмда каттагина тадбир ўтказилиши режалаштирилган. Кутубхонада эса ушбу улуғ сиймолар асарларидан ташкил топган кўргазмали бурчаклар ташкил қилинган. Бу каби тадбирлар посбонларнинг Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий меросимиз, анъаналаримизга ҳурмат руҳида тарбияланишининг муҳим омили бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

– Ҳарбий хизматчиларнинг китобга бўлган қизиқиши, интилишини кўриб ҳавас қиламан, – дейди мудира биз билан суҳбатда. – Уларнинг шарафли ва масъулиятли вазифаларидан ортиб, китобга, маънавиятимиз сарчашмаларига ҳамдам бўлаётганлиги чинданда мақтовга арзийди. Бу эса ўз навбатида бизга янада масъулият юклайди. Шу боис кутубхонамизни янги адабиётлар билан бойитиш, ҳарбий хизматчиларнинг барча талаб ва истакларини қондириш, уларга кўнгилдагидек хизмат кўрсатишга ҳаракат қилиб келамиз. Қисмдаги фаол китобхонлар кўпчиликни ташкил қилади. Энг илғор ва фаол китобхонлар сифатида офицерлар – Зайниддин Собиров, Фаррух Слямбаев, Умид Маҳмудов, сержантлар – Дилмурод Исаков, Жаҳоной Гапирова, Азиза Аҳадова, оддий аскарлар – Эркин Комилов, Аброр Холматов, Азимбек Утемуродов, Зоҳид Аҳмедов, Қуролли Кучлар ишчи-хизматчилари – Маҳмуда Бекназарова, Муҳайё Абдураҳимова, Дурдона Авезова, Ҳусан Рустамовларнинг номларини алоҳида кўрсатиб ўтган бўлардим.

Китобларни маънавиятимиз гавҳарлари деймиз. Демак унга ошно бўлганлар шаксиз маънавиятли, маърифатли инсонлар бўлиб камолга етади. Шарафли касб эгаларининг ана шундай бебаҳо хазинадан баҳраманд эканлиги эса бизни жуда қувонтиради.

**Жамшид НИЁЗОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**
**Камолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.**

## ИСТЕЪДОДЛАРГА ТАСАННО

**Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театрида 2008 йили мусиқа ва санъат йўналишида ўтган халқаро танловларда ғолибликни қўлга киритган ёш ижрочиларни тақдирлашга бағишланган “Тасанно – 2008” кечаси бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда нуфузли халқаро кўрик-танловлар, фестивалларда ғолиб чиққан, санъат анжуманлари, концертларда муваффақиятли иштирок этган ёш ижрочилар ва уларнинг устозлари қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Б. Сайфуллаев Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёшларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида ҳар томонлама етук инсонлар этиб вояга етказиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ўз самараларини бераётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори ёшларимизни миллий ва умумбашарий мусиқа хазинасининг энг нодир дурдоналаридан баҳраманд этиш, мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини янада такомиллаштириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, соҳада фаолият кўрсатаётган педагогларнинг меҳнатини эъзозлаш ва рағбатлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Ёшларимиз нуфузли халқаро кўрик-танловлар, фестиваллар, концертларда муваффақият қозонмоқдалар. Ўтган йилда олтмиш нафарга яқин ўзбекистонлик ўғил-қиз ана шундай кўрик-танловларда ғолиб бўлди. Малика Исроилова, Нигора Нишонова, Анастасия Крючкова, Шаҳзода Бўтаева, Алибек Абдураҳмонов, Юлдуз Зинатова, Нодира Дадамуҳамедова, Тамара Акбарова, Дилшод Сатторов, Агата Ким, Елена Кан, Бобур Муҳаммаджонов каби иқтидорли ёшлар шулар жумласидандир.

– Юртимизда навқирон авлод истеъдодини ҳар томонлама рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди Республика махсус мусиқа академик лицейи директори Дилдора Жамолова. – Ана шундай эътибор ва ғамхўрлик лицейимиз ўқувчиларининг ҳам халқаро миқёсдаги танловларда муносиб иштирок этишида муҳим омил бўлмоқда. 2008 йили лицейимиз ўқувчилари Франция, Германия, Португалия каби давлатларда ўтказилган нуфузли танловларда ғолиб чиққани бунинг тасдиғидир.

Тадбирда санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида мусиқий дастур намойиш этилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## ЁШЛАР МАСКАНИ

**Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги Қарорида ёш авлодни баркамол вояга етказиш билан боғлиқ муҳим вазифалар белгилаб берилди. Мазкур ҳужжат ижросини таъминлаш юзасидан Хоразм вилоятида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.**

Урганч туманининг Комил Хоразмий номидаги болалар мусиқа мактабида 250 дан зиёд иқтидорли ўғил-қиз таҳсил олмоқда.

– Мактабимиз ташкил топганига ўттиз йилдан ошди, – дейди муассаса директори Рустам Раҳимов. – Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган давлат дастури доирасида келгуси йили мактабимизни қайта реконструкция қилиш ва жиҳозлаш ишлари режалаштирилган. Бу санъатга қизиқиши кучли болаларга юқори педагогик технологиялар асосида таълим-тарбия бериш учун имкониятларимизни янада кенгайтириши шубҳасиз.

Мазкур мактаб вилоятда иқтидорли ёшлар маскани сифатида танилган. Бу ерда тарбияланаётган ўқувчилар республика ва халқаро миқёсдаги фестивал ҳамда танловларда фаол қатнашиб келмоқда. Хусусан, 2006 йили Париж шаҳрида ўтган Бутунжаҳон ёшлар фестивалида Бобур Фахриддинов, Ҳилола Қурбонова, Сайёра Худойберганова миллий куй-қўшиқларимизни ижро этиб, санъат ихлосмандларининг олқишига сазовор бўлди.

– Мен 2007 йили «Янги авлод» фестивалида фортепиано йўналиши бўйича иштирок этиб, лауреат бўлдим, – дейди мактаб ўқувчиси Темур Икромов. – Мумтоз куйларимизни, жаҳон классикасининг дурдона асарларини чуқур ўрганиб, изланишларимни давом эттирмоқдаман. Мактабимизнинг мусиқа илмига оид нодир китобларга бой кутубхонаси биз ўқувчиларнинг севимли масканимизга айланган. Ўз касбининг фидойилари бўлган ўқитувчи-мураббийларимиз мусиқа сир-асрорларини чуқур ўрганишимизда, маҳоратимизни оширишда яқиндан кўмаклашмоқдалар.

**Ш. ХУДОЙБЕРГАНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# МАЪНАВИЯТ

## ИНСОН, ОНГ, ҲАЁТ...

## «Содда, мағрур ва фақир»

### (ўн биринчи мақола)



Камтарлик – буюкликнинг белгиларидан бири эканлигини кўпчилик билади. Айниқса, илм-фан намояндаларини бу фазилат безабгина қолмай, балки ўзлари ўрганаётган табиат ва жамият қонуниятларини тўғри изоҳлашда уларга ёрдам ҳам беради. Чунки айнан шу сифат асосида турли-туман далилларни ўзаро қиёслаш ва таҳлил қилиш билан муаммонинг мақбул ечимини топишдан иборат бўлган психологик механизм ётади.

Ўзининг буюк кашфиётлари билан фан тарихида ўчмас из қолдирган улкан истеъдод ва ирода соҳибаси – Мария Склодовская-Кюрининг фаолияти бунга мисол бўла олади. Мария 1867 йилнинг 7 ноябрида Варшава шаҳрида гимназия ўқитувчиси оиласида дунёга келди. Унинг изтиробларга тўла камбағалликда ўтган ҳаётини том маънода илмий жасорат, деб аташ мумкин. У инсоният тарихидаги энг машҳур аёллардан бири бўлиб, аёлларнинг ҳам илм-фан соҳасида эркаклардан қолишмасликларини ўзининг фаолиятида кўрсатиб бера олди.

Варшавадаги гимназияни олтин медаль билан тамомлаган бу истеъдодли қизнинг ўқишни давом эттириш орзуси саробга айланади, чунки ўша даврларда Россия империяси таркибида бўлган Польшадаги олий ўқув юртларига қизлар қабул қилинмас эди. Шундан сўнг Мария саккиз йил давомида оила ўқитувчиси сифатида ўзига тўқ хонадон болаларига таълим беради. У ўзининг тежаган пуллари ва синглисидан олган озгина қарз эвазига 1891 йили Францияга боради ва Сарбонна университетининг физика-математика факультетига ўқишга киради. Шу дақиқадан бошлаб унинг ҳаёти бутунлай Франция билан узвий боғлиқликда кечди. Мария ҳали талабалик вақтидаёқ француз физиги Пьер Кюри билан танишади ва унга турмушга чиқади. Улар саноат физикаси ва кимёси мактабидаги лабораторияда ҳамкорликда иш бошлайдилар. Мария ўша вақтлардаёқ ўзидаги ноёб хотира ва беназир истеъдоди шарофати билан рус, француз, немис ва инглиз тилларини пухта ўрганиб олади. 1896 йилда Анри Беккерел томонидан табиий радиактивлик кашф этилгач, у ҳам ушбу ҳодисани ўрганишга киришади. Орадан бир неча ой ўтгач эса бу ишга Пьер Кюри ҳам қўшилади. 1897 йилнинг декабридан бошлаб ҳар хил лаборатория ишлари ва турли формулалар қайд этиб борилган учта кичкина лаборатория дафтарлари 1898 йилда полоний ва радий элементларини кашф эттан бу иккала алломанинг ҳамкорликда олиб борган ишлари ҳақида фикр юритиш имконини беради. Бу улуғвор кашфиётлар машҳур «лаборатория» – томи ойнадан қилинган, поли эса бетондан иборат бўлган ташландиқ ёғоч уй – омборхонада амалга оширилди. Мария ўз она ватани ва туғилган юрти Польшага нисбатан юксак эҳтиром кўрсатиб, фарзандлик бурчини аъло даражада бажарди – ўзи кашф этган кимёвий элементлардан бирини Польшанинг қадимий номи билан «Полоний» деб атади.

Склодовская торийда радиактивлик мавжудлигини исботлаб, нурланиш атомнинг ўзига хос хусусияти, деган хулосага келди. Бу чинакам кашфиёт эди. Тўрт йиллик машаққатли меҳнатдан кейин 1902 йили Кюрилар 11 тонна уран рудаси чиқиндиларидан дунёда биринчи марта 0,1 грамм радий ажратиб олишди. Бунинг учун уларга 45 ой давомида қаттиқ меҳнат қилишга, шунингдек, 10000 (ўн минг) дан ортиқ чўктириш ва кристаллаш кимёвий операцияларини ўтказишга тўғри келди. Қизиғи шундаки, Кюрилар бу чиқиндиларни Австриядаги конлардан зўр машаққат билан ўз пулларига сотиб олишади. Шу озгина миқдор – 0,1 грамм радий ўша вақтда 75 минг франка баҳоланган. Ҳозирги баҳода эса бу миқдор миллионларни ташкил этади. Кюрилар иқтисодий жиҳатдан қийналганларида ҳам бу маъданни сотишмайди ва орадан анча йиллар ўтгач АҚШдаги хайрия жамғармаларидан бирига тақдим этишади.

Янги кимёвий элементнинг Менделеев даврий жадвалидаги ўрни ва кимёвий хусусиятлари ўша йилнинг ўзидаёқ аниқланди – радийдаги нурланиш уранникидан 2 миллион марта кучли эди. Фанга «радиактивлик» тушунчасини ҳам Мария Склодовская-Кюри олиб кирган. Эр-хотин Кюриларнинг ҳамкорликдаги илмий фаолиятлари 8 йилгина – Пьер Кюрининг фожиали ўлимигача давом этди. У эҳтиётсизлик туфайли йўловчи арава ғилдираклари остида қолиб, 1906 йилнинг 19 апрелида вафот этади.

М. Кюри 1903 йилда – 36 ёшида Сарбонна университетида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Ўша йилнинг ўзида эри ва Анри Беккерел билан биргаликда радиактивлик ҳодисасини кашф қилганлиги учун физика бўйича халқаро Нобель мукофотига сазовор бўлади. У фан тарихида шундай мукофотга лойиқ кўрилган биринчи аёл тадқиқотчи эди. 1906 йилнинг 13 майида эса олима Сарбонна университетининг биринчи аёл профессори бўлади – у марҳум эрининг кафедрасига раҳбар этиб тайинланади. М. Кюри дунёда биринчи марта радиактивлик ҳодисаси ҳақида маърузалар ўқийди. Орадан тўрт йил ўтиб эса, француз кимёгари А. Дебьери билан ҳамкорликда соф металл кўринишидаги радийни ажратиб олади ва бу иши учун 1911 йили иккинчи марта – энди кимё соҳасида Нобель мукофотини олади. У бу мукофотни икки марта олган биринчи олим эди, орадан 50 йил ўтгачгина бундай улкан муваффақият бошқа олимлар томонидан такрорланди. Кўряпсизми, Мария Склодовская-Кюри машҳур шоиримиз Абдулла Орипов лутф қилганларидек «синмас қанот билан – буюклар мисол Икар бўла олган», бўлганда ҳам бундай маррани бир неча марта эгаллаган аллома эди. Лекин олиманинг ўзи таъкидлаганидек, «биз олимларнинг шахсига эмас, балки улар яратган кашфиёт ва назарияларнинг моҳиятига кўпроқ эътибор беришимиз зарур».

Унинг ҳаёти турли-туман ҳодисалар қуршовида кечди. 1914 йили олима Парижда янгидан қурилган Радий институтининг физика-кимё бўлимига директор этиб тайинланади. Биринчи жаҳон уруши даврида М. Кюри раҳбарлигида Франция госпиталларига хизмат кўрсатиш учун 220 та кўчма ва стационар рентген қурилмалари яратилади ва фаолият юритади. Олиманинг ўзи фронтнинг турли жабҳаларида бўлиб, бу ишларга раҳбарлик қилди. У биринчи марта ва кенг кўламда нурланишлардан тиббиёт мақсадларида фойдаланишни ташкил қилди, 1500 дан ортиқ ходимларни эса рентген қурилмаларида ишлашга ўргатди. М. Кюри 1923 йили ўзининг ташаббуси билан Польшада ташкил этилган Радий институтига фахрий директорликка тайинланади.

Кюриларнинг катта қизлари Ирен ва унинг эри Фредерик Жолио-Кюрилар ўз ота-оналарининг анъаналарини давом эттириб радиактивлик соҳасида ишлайдилар ва сунъий радиактивликни кашф қилганликлари учун 1935 йилда Нобель мукофотини олишади. Уларнинг кичкина қизлари – Ева эса кейинчалик таниқли журналист ва ёзувчи бўлиб етишади. Мен ҳам мазкур мақоладаги кўп маълумотларни унинг асарларидан олдим. У Кюриларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи бир нечта ҳужжатли китоблар ёзган. Унинг биографик характердаги «Мария Кюри» номли китоби айниқса машҳур. Умуман бу сулола ва уларнинг илмий фаолиятларига бағишланган юзлаб китоблар, бадиий ва ҳужжатли фильмлар яратилган.

Мария Склодовская-Кюрида олималик, педагоглик ва жамоат арбобига хос бўлган хислатлар уйғунлашиб кеттан эди. У ўзи олган иккала Нобель мукофоти пулларининг катта қисмини Халқаро Қизил Хоч қўмитасининг жамғармасига ўтказиб юборади. Турли йилларда у раҳбарлик қилган лабораторияда 25 мамлакатдан келган олимлар ҳар хил йўналишларда тадқиқотлар олиб бориб, ўз малакаларини оширишган. Олима тириклигидаёқ бутун дунёда жуда машҳур бўлиб, шон-шуҳратга бурканган эди. 1921 йилда унга АҚШ президенти америкалик аёллар номидан баҳоси бир миллион франк бўлган бир грамм радийни совға қилади, 1929 йилда эса АҚШнинг ўзида яна бир грамм радий тақдим этилади. У дунёнинг юздан ортиқ академиялари ва илмий жамиятларининг аъзоси бўлган, бироқ табиатшунослик фанлари тарихидаги энг машҳур аёл Париж фанлар академиясига сайланмайди. Бироқ буни асло адолатсизликка йўймаслик керак, чунки дунёдаги энг кекса академиялардан бири бўлган бу идорага қарор топган анъанага кўра фақат французларгина аъзо бўлишган.

Мария Склодовская-Кюри ёшлигида бўлгани каби, машҳурлик шоҳсупасига кўтарилганида ҳам пулга зориқиб яшади. Оиладаги иқтисодий тақчиллик айниқса Пьер Кюрига қаттиқ таъсир этади ва у радий ажратиб олиш технологияси учун ўзларига берилган патентга асосланиб, радий ажратиб олишни саноат асосида йўлга қўйишни ва шунинг эвазига анча бойиб олишни хотинига таклиф этади. Рафиқаси эса бу иш олимлик ахлоқига тўғри келмаслигини айтиб эрининг таклифини бутунлай рад этади. Ева Кюри ўзининг биз юқорида эслаганимиз «Мария Кюри» китобида онасининг жуда оддий ва камтарона умр кечирганлигини ёзади. Кюрилар Нобель мукофотини олишгач, уларни Швецияга таклиф этишади, чунки қоидага кўра, лауреатлар Швеция фанлар академиясида нутқ сўзлашлари ва мукофотни уларга шахсан қиролнинг ўзи топшириши керак. Шунда Марияда биттагина кўйлак борлиги маълум бўлади. Янги кўйлакка буюртма бериш учун тикувчини таклиф қилишади. Мижозининг нақ Швеция қиролининг қабулига отланаётганлигини билган тикувчи аёл Марияга қимматбаҳо газламадан энг сўнгги модадаги кўйлак тикиб беришини айтганида Мария рози бўлмайди. У тикувчидан энг оддий газламадан ҳаммабоп кўйлак тикиб беришини сўрайди, олиманинг фикрича «токи уни уйда ҳам, ишда ҳам ва албатта меҳмонга борганда ҳам кийиш мумкин бўлсин!»

Мария ва Пьерлар хонадонининг яқин дўсти бўлган машҳур инглиз физиги Э. Резерфорд ҳали Кюрилар билан шахсан таниш бўлмаган рафиқасининг «Улар қанақа одамлар?» деган саволига «Содда, мағрур ва фақир» дея жавоб беради. Назаримда Резерфорддай даҳо инсон томонидан айтилган мана шу учта сўз бу иккала олимнинг инсоний қиёфаларини тўла-тўкис тасвирлаб бера олган.

Радиактив моддалар билан олиб борилган узоқ йиллик тадқиқот ишлари Мария Кюрининг саломатлигини бутунлай издан чиқаради. Чунки у вақтларда радиактив нурларнинг инсон саломатлигига қандай таъсир кўрсатиши ҳали номаълум эди. Шунинг учун ҳам олимлар бундай моддалар билан ишлаганда ҳеч қандай ҳимоя воситаларидан фойдаланишмаган. Ўтган асрнинг йигирманчи йилларига келиб олиманинг кўзлари хира тортиб қолади ва у бир неча марта жарроҳлик столига ётишга мажбур бўлади. Бироқ энг даҳшатлиси ҳали олдинда эди, у 1934 йилда лейкемия – нурланиш касаллигидан вафот этади. Ҳозиргача ҳам унинг лаборатория дафтарлари юқори радиация даражасини сақлаган.

Вафотларидан кейин Мария ва Пьер Кюриларнинг номлари абадийлаштирилди – даврий жадвалдаги сунъий йўл билан олинган 96-элементга эр-хотин Кюрилар шарафига «Кюрий» номи берилди.

**Подполковник Чори НАСРИДДИНОВ.**

**АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ**

## МАРДЛИК ТАЪРИФИНДА...

Одамгарчилик (мурувват) кишининг ўзи, уруғ-аймоғи ва ўз аҳволига таъсир этиш билан чекланади. Мардлик эса (футувват) ундан ҳам устун туриб, ўзидан ташқарига ҳам ўтади. Мурувватли мард киши ўзидан ва ўзиники эканлигига ҳеч ким тортишиб ўтирмайдиган нарсадан бошқасига эгалик қилмайди.

Агар у одамларнинг осойишталиги деб машаққатта чидаш берса, зиқналик қилмасдан бошқалар маҳрум бўлиб, ўзида бор нарсалардан бировларга берса, мана бундай одам ўшандай қудрат билан шуҳрат топган мард киши саналади; у ўзининг ҳалимлиги, мулойимлиги, иродаси мустаҳкамлиги, чидамлилиги, камтаринлиги туфайли улуғворлиги билан танилиб, гарчи у шу мартабага, унинг аҳлидан бўлмаса ҳам, олий даражага кўтарилади. У насл-насаб жиҳатидан эмас, балки ҳақли равишда ҳурмат қилинади.

Бу худди Жаҳза ал-Бармакийнинг айтганига ўхшаб кетади: Басрада бир киши бўлган экан. У ҳар куни уйдан чиқмоқчи бўлса, ўзининг энг яхши кийимини кийиб, чопқир уловини миниб, одамлар ҳожатини чиқаришга уринар экан. Ундан бу ҳақда: нега шундай қиласан, деб сўрашса, у шундай деб жавоб берибди:

«Мен кўзадан энг яхши шарбатларни ичиб лаззатланганман. Ҳатто, (бу шарбатни) энг шуҳратли бастакорнинг торлари чертилган ажойиб пайтларда ҳам ичганман. Уларнинг овозлари худди дарахтлардаги хушовоз қушларнинг ажойиб нағмаларига ўхшаб кетган. Лекин бу хурсандчилигимнинг ҳаммаси ҳам ҳеч қачон мен бирор кишига яхшилик қилиб, унинг дўстлар ўртасида менга билдирилган миннатдорчиликдан олган хурсандчилигимга етмайди».

Шунинг учун мардлик (футувват) шод-хуррамлик, хайр-саховат, иффатлик, азиятдан тийилиш билан таърифланган.

Баъзан жувонмард киши бир ишга ҳаддан ташқари киришиб кетади. Бу киришганда шундай бўладики, бошқанинг мулкини (ўзиникига нисбатан) ортиқча кўриш сезилади. Бунда у ор қилганидан ҳатто, ўзини ўзи қурбон қилишга ҳам бориб етади ёки (ўзига рўбарў келган) зулмни даф қилишга ёки қўни-қўшниларнинг ҳақини муҳофаза қилишга ўтади.

Бу қаҳрамонлик араб дарвешлари орасида айтилиб юриладиганлар қаҳрамонликка ўхшаб кетади. Улар ўз меҳмонлари ва қўшниларига ўзларини фидо қилганлар. Ҳатто, бу ишлари билан улар ақлсизликка ё жиннiликкача бориб, чодир теварагига қўнган чигирткани ҳимоя қилиб, уларни овлашга қарши жанг қилганлар.

Баъзилар бўлса, Ҳотам ат-Тойига ўхшаб ўз жонига қасд қилиб бўлса ҳам душманига нисбатан саховат ва шафқат кўрсатади. Ҳатто Ҳотам ат-Тойи ўзини ўзи алдаб, найзани душманга бериб, ўзини ҳалок этишга яқинлаштирган ва душманнинг жони танидан узиладиган пайтда (душман Ҳотамдан) найзани беришни (алдаб) сўраган ва Ҳотам бўлса писанд қилмай, душман тилагини рад қилишга кўнгли бормай, найзасини душманга тутқазган.

Ёки бўлмаса Каъб ибн Мома ал-Айёдийни олинг. У ўз улушига тушган сувни «биродаринг ан-Нумайрига ичир», деганида, ўзи ичмай, унга берган ва ўзи бўлса ташналикда ҳалок бўлган.

Бир шоир айттан:

«Ўзини қурбон қилиш – қурбонликнинг энг охирги чегарасидир».

Бошқа бир шоир шундай деган:

«Эрталаб нонуштасини қилиб, кечқурун шомлигини ичиб юрганни марди мардон деёлмаймиз. Марди мардон шундай одам бўладики, эртаю кеч душманга зараруу, дўстга фойда келтиради».

Али ибн ал-Жаҳм бўлса шундай деган:

Яхши кишида мол-дунё бўлмаслиги ор саналмайди.

Лекин унда яхшиликка интилиш тугаса, бу уят саналади.

Яъни бу ерда биринчи сатр билан у мардлик (футувват)ни айтмоқчи, чунки унга қўли очиқлик пур неъматлик билан эришилади. Баъзан мардликка эришишдаги ижтиҳод чалкаш бўлиб қолади. Шунинг учун ўз истагига эришишга тақдир ёрдам бермаган кишига маломат қилинмайди.

Иккинчи сатрда эса мурувват кўрсатишни айтмоқчи бўлади. Чунки ҳур кишиларнинг олижаноблик хислатлари хўрликдан ўзини сақлайди ва пасткашликдан асрайди.

Бундайлар ўзининг баҳузурлигини иложи борича кўрсатишга ҳаракат қилиб, қийналганини яширади. Ҳатто уларнинг аҳволини билмаганлар уларни бойга йўйишади, чунки уларнинг сарф-харажатдаги бемалолчилигини, бадани, кийими, тозалигини кўриб, худо берган ўз ризқига бошқаларни шерик қилганини кўриб, уни бой деб ўйлайди.

# ҚУТЛУҒ САНА

Алишер Навоий таваллудининг 568 йиллигига

## СЎЗ МАРТАБАСИ АВЖДАН ҚУЙИ ЭНМАГАН СУЛТОН



Улуғ Мир Алишер Навоий ҳазратлари… Унинг бетакрор ижоди ҳамон инсониятни лол қилиб келади. Бу ижод беҳисоб дур-у гавҳарлар яширин улкан уммонга ўхшайди. Ундан барча баҳра олади, унга интилади. «Агар бу зотни авлиё десак, у – авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак – мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак – шоирларнинг султонидир. Инсон қалбининг қувончу қайғусини, эзгулик ва ҳаёт мазмунини Навоийдек теран ифода этган шоир жаҳон адабиёти тарихида камдан-кам топилади» – деган эди Юртбошимиз у ҳақида. Дарҳақиқат, буюк шоир ижодида адолат, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, саховат, ишқ-муҳаббат, ҳалоллик, ростгўйлик, маърифатпарварлик каби энг гўзал инсоний фазилатлар тараннум этилган.

Навоий ҳақида сўз кетганда кўҳна Ҳирот шаҳрига тўхталмаслик мумкин эмас. У қандай шаҳар эди? Ҳирот XV асрнинг биринчи ярмида Соҳибқирон Амир Темур асос солган улкан салтанатнинг иккинчи пойтахти бўлган. Соҳибқироннинг кенжа ўғли Шоҳрух Мирзо тасарруфидаги обод ва фусункор гўшалардан бири эди.

Ёш Алишербек ва унинг мактабдош дўсти Ҳусайн Шоҳрух Мирзонинг набираси Абулқосим Бобур ҳимоясида ва тарбиясида бўлганлар. Икки дўст икки йўлни танладилар. Ҳусайн сипоҳийликни ихтиёр этди. Аммо тақдир бу икки дўстни улкан мақсадлар йўлида яна бирлаштирди. Икки буюк шахснинг дўстлиги мамлакат ободлиги ва барқарорлигида муҳим аҳамият касб этди.

Ҳусайн Бойқаро Ҳирот тахтига ўтирган паллада Алишербек 28 ёшда эди. Тақдир уни замонасининг энг улуғ ва шарафли кишиларига яқин қилди. У йигирма саккиз ёшида мукаммал билимлар эгаси, юртга танилган шоир, тажрибали давлат арбоби даражасига етган эди.

1469 йилда Ҳусайн Бойқаро Навоийни муҳрдор этиб тайинлайди. Ва шу вақтдан бошлаб ижтимоий ҳаёт ва ободончилик борасида улкан ишларни амалга оширади. 1472 йилда эса Ҳусайн Бойқаро улуғ шоирнинг норозилигига ҳам қарамасдан вазир лавозимига тайинлади ва унга «Амири Кабир» («Улуғ Амир») унвонини берди. Навоий бу лавозимда эл-улус манфаати, мамлакат ободончилиги, маданият равнақи, адолат тантанаси учун беқиёс ишлар қилди. Бунинг натижасида Султон Ҳусайн давлатининг нуфузини ошириб, барқарорлигини таъминлади.

Бу даврда Ҳирот ниҳоятда кўркамлашди. Халқнинг турмуши яхшиланди, шеърият, нафис санъатлар ривожланди. Талабалар учун «Ихлосия» мадрасаси, дарвешлар учун «Халосия» хонақоҳи, «Шифоия» шифохонаси, масжиди Жомеъ ёнига Қорихона («Дорул-ҳуффоз») қурилди. Улуғ амирнинг кутубхонасида 70 дан ортиқ (!) хаттот ва мусаввирлар қўлёзмаларни оққа кўчириш, уларни бадиий безаш билан банд эдилар. Ҳиротда қурилган «Низомия», Марвдаги «Хусравия» мадрасаларининг барпо этилишида ҳам Навоий бош-қош бўлди.

Улуғ амир мадрасалар, шифохоналар қурдирибгина қолмасдан, уларни керакли даражада жиҳозлаш, ўз-ўзини таъминлаши учун вақф ерлар ажратиб бериш, мударрислар, табиблар, ходимлар билан таъминлаш, уларга ойлик маош, озуқа, кийим-бош белгилашгача, талабалар нафақаси ва китобларигача, барча-барчасини мукаммал бошқариб, ташкил этиб берган. Ва улардан доимо ўзи хабар олиб, назорат қилиб боришни ҳам унутмаган. Бинолар қурилиши тарҳи билан бевосита ўзи шуғулланган, ёш истеъдодларни рағбатлантириб, шароит яратиб, уларга ҳомийлик қилганлиги кўплаб тарихий манбалардан маълум. Хондамир, Беҳзод, Восифий каби ўнлаб истеъдод эгалари ҳазрат Навоийнинг меҳридан баҳраманд бўлиб, камолга етдилар.

1469 – 1481 йиллар ҳазратнинг ижтимоий ҳаёт ва ободончилик борасидаги энг кўп ва фаол хизмат кўрсатган йилларидир. Навоий 1481 йилда «Вақфия» асарини ёзди. Бу асарда ўзининг бинокорлик ва хайрия ишлари ҳақида ўз-ўзига ҳисоб берган. У ҳатто деҳқончилик соҳасини ҳам жуда яхши билган. Улуғ шоирнинг бир кунлик даромади 18 минг шоҳрухий динор миқдорида бўлган. Эътиборлиси шундаки, ана шу даромаднинг катта қисми хайрия ишларига сарфланган.

**Мурувват барча бермакдур, емак йўқ,**
**Футувват барча қилмакдур, демак йўқ.**

Унинг бутун ҳаёт йўлида ана шу сатрларининг акс-садосини ҳис этамиз. У яна шундай деб ёзган эди:

**Юз жафо қилса манга, бир қатла фарёд айламон,**
**Элга қилса бир жафо, юз қатла фарёд айларам.**

Ҳазрат Алишер Навоий шунчаки арбоб эмасди. Эл-улус дардига дармон бўлган, унинг манфаатларини ҳамма нарсадан устун билиб хизмат қилган донишманд арбоб эди. У Ҳирот осмонида чарақлаган яна бир офтоб эди. Шуъласи, тафти-ҳарорати асрлар қатидан бизгача етиб келган, биздан сўнгги авлодларгача етиб борадиган, кўнгилларни ажиб бир ёруғликка тўлдирадиган, эзгуликка даъват этиб турадиган сўнмас бир офтобдир.

Навоийни ўз даврида ҳам дунё халқлари яхши билардилар. Турли юртларнинг подшоҳлари энг эъзозли туҳфа сифатида унинг асарларини бир-бирларига юборганликлари тарихий манбалардан маълум. XVII аср грузин шоири Нодар Персоданидзе шундай хитоб қилган эди: «… биз шоирликда бирон кишини у билан тенглаштира оламизми?»

Форс тилининг жозибадорлиги, бойлиги бу тилда яратилган кўпдан кўп асарларда ўз аксини топган. Ҳазрат Навоийга қадар энг яхши асарлар шу тилда яралади деган мустаҳкам ишонч мавжуд эди. У ўзининг туркий тилда битилган энг гўзал, дурдона асарлари билан бундай қараш ва тушунчаларга барҳам берди. Вадуд Маҳмудий бу ҳақда шундай ёзади: «Навоийнинг асли муҳим шахсияти на мутасаввуфлиги, на шоирлиғи, на тарих ёзғонидир. Унинг мумтозлиғи шундай қайнағон ва юзларча йилдан бери сингиб кетган форсликнинг марказида турклар муассасаларини қуришидир. Навоийнинг форсға ва форс маданиятиға бир душманлиғи йўқдир, у тўғридан тўғри миллатчи ва туркликни севатурғон бир шахсиятдир. Алишербек бундан беш юз йил илгари форс тилига қарши исён қилди ва ўзининг «Муҳокамат ул-луғатайн» отли асарида туркчанинг форсийдан ҳеч вақт қолишмаслиғини, балким ундан қат-қат ортуқ ва бой эканини исбот этди». Дунё дурдонаси «Хамса» туркий тил гўзаллигининг энг ёрқин намунасидир.

Навоий 1483 йилда «Хамса» ёзишни бошлаган эди. У бу улкан асар устида икки йил тер тўкиб ижод қилди. «Хамса»нинг яратилиши ўзбек адабиёти ва маданияти тарихидаги энг катта воқеалардан бири бўлди. Унга қадар ҳеч ким ўзбек тилида бундай улкан асар ёзишга журъат этмаган эди. Мазкур асар беш достонни ўз ичига олади. Шуниси диққатга сазоворки, достонларнинг ҳар бирини тугалланган асар сифатида ҳам, бир бутун яхлит асар сифатида ҳам англаш мумкин. «Хамса» бошидан охиригача инсонни улуғлаш, халқ бахт-саодати учун курашиш ғоялари билан суғорилган.

Беш достонни ўз ичига олган бу улкан бадиий қомус эллик минг (!) мисрадан ошиқ бўлиб, Навоий шеърий меросининг деярли ярмини ташкил қилади. «Хамса» Алишер Навоий ижодининг қалбидир!

**Эмас осон бу майдон ичра турмоқ,**
**Низомий панжасиға панжа урмоқ.**
**Керак шер оллида шер жанги,**
**Магар шер ўлмаса бори паланги.**

Ҳа, Низомий «Хамса»сига муносиб жавоб ёзмоқ учун нақадар катта заковат эгаси бўлиш кераклигини ҳазрат ўзигагина хос донолик билан илғаганлигини ана шу сатрлардан ҳам билиш мумкин. «Хамсачилик» жаҳон маънавияти тарихида бетакрор ҳодисадир. Туркий адабиётда Қутб ва Ҳайдар Хоразмийлар бошлаб берган «хамсачилик» анъанаси ўзининг камолини Алишер Навоий ижодида топди.

Алишер Навоий 1501 йилда вафот этди. Бутун Ҳирот халқи буюк шоирини сўнгги йўлга кузатишга чиқди. Етти кун давомида мамлакат аҳли мотам тутди. Ҳазрат шундай ёзган эди: «...умидим улдур ва хаёлимға андоқ келурким, сўзим мартабаси авждан қуйи инмагай ва ёзган асарларимнинг тантанаси аъло даражадан ўзга ерни ёқтирмагай». Дарҳақиқат, улуғ мутафаккирнинг башоратли сўзлари бугун ўз тасдиғини топиб турибди.

**Инобат ИБРОҲИМОВА.**

## КЎРКАМ ОБИДАЛАР МЕЪМОРИ

**Ҳазрат Алишер Навоий ўз даврининг улуғ шоири, забардаст адабиётшуноси ва тилшунос олими бўлиш билан бирга таниқли меъмори ҳам эди. Зеро, у мамлакат ободончилигига катта қизиқиш билан қараган.**

Алишер Навоий темурийлар даврининг маданий марказларидан бири – Ҳирот шаҳрини ободонлаштириш учун катта режа асосида иш олиб борган. Аввало, шоир Ҳирот ва унинг атрофига меъморчилик бўйича асрлар давомида йиғилган тажрибаларни мукаммал ўзлаштирган, қўлигул усталарни жамлаган. Шу тариқа шаҳарнинг Инжил ариғи ёқасида катта қурилиш ишлари бошлаб юборилган.

Тарихчи Хондамир маданият, қурилиш ва ободончилик ишларининг кенг кўламда амалга оширишида Алишер Навоийнинг жуда катта хизматлари борлигини қайд этади. Буюк шоирнинг замондоши Мавлоно Биноий эса ўзининг Навоийга бағишлаб ёзган бир қасидасида унинг даврида Ҳирот энг гўзал, обод бўлиб, тиканзорлар ҳам гулзору боғга, олиму фозиллар, шоиру санъаткорлар шаҳрига айланди. Адабий муҳит ва маданий ҳаёт юксалди. Ҳиротдаги тикланган иморатлар уни жаҳондаги барча шаҳарлардан чиройли қилди, деб ёзган. Заҳириддин Бобур «Бобурнома»да қайд этишича, бу вақтда Ҳиротнинг довруғи ва гўзаллиги ўн, ҳатто йигирма ҳисса ортган. Хуросон, хусусан, Ҳирот атоқли ва ғоят даражада ном чиқарган кишилар билан тўлган.

Алишер Навоий меъморчилик санъати билан яқиндан таниш бўлиб, унинг равнақига катта эътибор берган. Меъмор, муҳандис, наққош, сангтарош, кошинкор, ғишткор каби усталарга раҳнамолик қилиб, уларнинг меҳнатини улуғлаган. Ҳиротда бирбиридан гўзал, бетакрор нақшларга бой масжид, мадраса, ҳаммом, шифохона, дорихона, кутубхона, тураржой биноларини қурдирган. Академик Азиз Қаюмовнинг «Алишер Навоий» номли рисоласида ҳам улуғ шоир ўз ҳисобидан Ҳиротда ва бутун Хуросонда жуда кўп бинолар бунёд этгани таъкидланади. Хондамир Алишер Навоий қурдирган иморатлар орасида 52 та работ, 19 та ҳовуз, 16 та кўприк, 8 та ҳаммом, 12 та мадраса, 5 та мақбарани қайд этган, кутубхона, шифохона ва бошқа биноларни ҳам бирма-бир айтиб ўтган. Шунингдек, Ҳирот ва унинг атрофида Навоий ва унинг сафдошлари ташаббуси билан 300 дан ортиқ жамоат бинолари, шунингдек, истироҳат боғлари, суғориш иншоотлари, сув омборлари, тўғонлар қурилгани ҳақида ҳам маълумотлар берган. Янги бинолар қуриш билан бирга, эскиларини таъмирлашга ҳам Навоий катта эътибор қаратган. Жумладан, унинг раҳбарлигида таъмир этилиб, зеб берилган 6 та дарвозали Жоме масжиди ҳовлисининг узунлиги 114, эни 84 метр бўлган. Ҳозир ҳам бу Жоме масжиди Ҳиротнинг энг гўзал меъморий обидаларидан саналади.

Улуғ шоир томонидан бунёд эттирилган бинолар орасида, айниқса, шифохона, ҳаммом, работ ва истироҳат боғлари халққа катта хизмат қилган. Масалан, работлар, меҳмонхона, карвонсаройларда карвон йўлларидан ўтувчи савдогарларнинг хотиржам қўниб, дам олишлари учун қулайликлар яратилган. Мадрасаларда эса талабаларнинг ўқиши ва яшаши учун ҳужралар, дарс тайёрлаш учун ўринлар, китоб-дафтар қўйиш учун токчалар, овқат пишириш учун ўчоқлар ва бошқа шароитлар мавжуд бўлган. Бинолар мавсумийлигига қараб безатилган. Хуллас, буюк бобокалонимизнинг бунёдкорлик ишлари у кишининг етук меъмор ҳам бўлганини яққол кўрсатади. Санъатнинг муаззам ва кўркам намуналари бўлган бу бинолар таърифи халқ тилидан тушмаган, донғи қўшиқларда, қасидаларда янграган. Ҳиротнинг улуғлиги, гўзаллиги ҳақида ҳамма қаламкашлар ҳамфикр бўлишган. Тарихчи Ҳофизи Абру: «Агар сендан бирор киши, шаҳарлар ичида энг яхшиси қайси, деб сўраса-ю, сен унга тўғри жавоб беришни истасанг, «Ҳирот», деб айтгин. Сен бу жаҳонни бир денгиз, Хуросонни ундаги садаф ва Ҳирот шаҳрини эса бу садаф ичидаги гавҳар, деб билгин», деб ёзади. Адабиётшунос Фахри Ҳиротийнинг ёзишича, Навоий Ҳиротда 300 дан ортиқ жамоат биноларини қурдирган.

Шоир замондоши Давлатшоҳ Алишер Навоийнинг вақфларга ва қурилишга сарфлаган маблағи беш юз туманни ташкил этади, деб маълумот беради. Буюк бунёдкор бобомиз қурдирган бебаҳо меъморий ёдгорликларнинг баъзилари бизнинг давримизгача сақланган бўлиб, улар ўз қурилиш услуби ва безаги билан кишиларни ҳамон ҳайратга солиб келмоқда.

**Р. БОЙТИЛЛАЕВ.**

# АДАБИЁТ

Эркин САМАНДАР

# СУЛТОН ЖАЛОЛИДДИН

## (Тарихий романдан парча)

**(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида).**

21

... Синд бўйидаги бемисл савашда жон сақлаб қолган тўрт юзга яқин аскар дарёни базўр кечиб, не қилишни билолмай паришон бўлиб турганларида тўлқинларга тўш уриб келаётган отни кўриб англашдики, бу – султон Жалолиддиннинг Қорабайири. Унинг ёлларига ёпишиб, гоҳ гирдобларга тушиб, гоҳ юзага қалқиб чиқиб келаётган султонни кўришгач, диллари равшан тортиб, ёрдамга ошиқиб ўзларини дарёга отдилар.

Султон соҳилга яқинлашиб қолган эди, ўзи томон келаётган аскарларини таниб, толиққан билакларига қайта куч инди, буни сезган тулпорнинг ҳам синаёзган шаштига шашт қўшилди.

Султон ва унинг аскарлари эсон-омон соҳилга чиқиб олдилар. Жалолиддин дубулға ва совутию бошқа оғир кийимларини дарёга ташлаб юборган, аскарлари каби сарпойчан эди, лекин бу ҳеч кимнинг қувончига соя ташлолгани йўқ, сабабки, султон бошининг омонлигидан ортиқроқ давлат бормиди бу пайтда!

Кўп ўтмай Тўғонбек қурол-аслаҳалар билан келиб уларга қўшилди.

Аскарлар ҳозиргина бошларидан кечирган фожиаларни гўё унутишган, мисли ҳаётга янгидан келгандек сезардилар ўзларини.

Аммо султоннинг кўзлари ҳамон дарёдан узилмас, қулоқлари «болам» деган нолани эшитмоқда, волидаи муҳтарамаси, хотини ва боласини, яқинларининг тақдирини ўйлаб, юраги тилкапора эди.

22

Рой Рапа соҳилга яқинлашиб қолган эди. Бундан хабар топган султон тезда черигини қуроллантириб сафга тизди.

Рапа рақибини бир қисмгина аскар бошида кўриб, энди унинг жони менинг илгимда деб ўйлади ва султонни тириклайин ушлаб, Чингизхонга совға қилиб юборишни, шу йўл билан хоқон ишончига киришни ният қилди.

Кун пешиндан оққан, осмон тунд, Синд сершовқин эди. Рой Рапа Хоразм подшоҳини оддийгина кийим-бошда кўриб истеҳзо билан деди:

– Ҳали шуми аҳволинг, мақтовли султон?

– Бўрининг ўлгиси келса арслон ила ўйнашур, – деди султон ясатиғлиқ от устида керилиб ўлтирган Рапага синчковлик билан боқиб.

Рапа жавоб қайтаришга энди оғиз жуфтлаган ҳам эдики, дафъатан кўксига камон ўқи қадалиб, кўз олди қоронғилаша бошлади. Ўқни Жалолиддин отганини кўролди, холос.

Ўз ҳукмдорининг ўлганини кўрган Шатра аскарлари саросималаниб қолди, султон черигини уларни ўраб олди. Бирор ёғий аскари ажал домидан омон чиқолгани йўқ.

Султон Шатра вилоятини қўлга киритди.

23

– Тўп ясамоққа қурбинг етурми? – сўради султон Тўғонбекдан.

– Ўтрордалигимизда, – деди жонланиб уста, – падари бузрукворим тўп ясамоққа киришган эрдилар. Бизнинг тўп мўғул манжанағидин зўр бўлур, деган эрдилар. Афсуски, тўп битар-битмай бошимизға офатлар ёғилди. Ондин хабардор эрурсиз, онҳазрат.

– Ҳаммасидин хабарим бордур, лекин тўп ҳақида айтқанинг менга янгилик эрур, – гўё орзусига етаётган одамдай қувониб деди султон. – Демакки, они уддаламоқ илгингдин келур.

– Иншооллоҳ!

– Андоқ эрса белни маҳкам боғлагил, эй, Абдул Маҳакнинг ўғли. Сенга зўр устахона қурдириб бергаймен, неки даркор, бори муҳайё этилгай.

Ота орзусини рўёбга чиқариш умиди ва султон ишончи Тўғонбекка қўш қанот бўлди.

24

Шатранинг қулаши Кубача кўнглидаги ғулғулага ғулғула қўшди. Жалолиддин Шатрадан сўнг биринчи бўлиб унинг мулкларига чанг соладигандай бўлаверди. Безовта кунларнинг бирида султондан мактуб олди.

Мактуб бирлашувга даъват эди. «Хоразмни вайрон этган офат сизнинг ҳудудингизга ҳам яқинлашиб келмоқдадур, – дейилганди унда, – вақт борида якдил ва яккадам бўлмоқликдан ўзга чора йўқтур».

Кубача мактубни қайта-қайта ўқиб чиқди. «Яккадам бўлмоқлик»ни у менга бўйсунгил, деган маънода тушунди. Мени ғафлатда қолдириб, туйқус ҳужум қилмоқчи деган хаёлга борди.

Элтутмишни қора тортиб унинг ҳузурига – Деҳлига йўл олди.

### ИККИНЧИ БОБ

1

Чингизхон Бухорода эди. Кайфияти йўқ эди. Узоқ-яқиндан дарвишларнинг «ё ҳув, ё Оллоҳ» айтимлари эшитилиб турарди.

Бу наърани илк эшитганида хоқон дарғазаб бўлиб, «ўчир» дея буюрган эди Бухоро доруғасига. Доруға дарвишларни қувиб-ҳайдайди. Улар яна пайдо бўлдилар. Хоқон амри билан уларни дорга осдилар. Қалъа дорларга тўлиб кетди. Доруға энди бўлди деб ўйлаганида яна зикр товушлари келди: «Ё ҳув, ё Оллоҳ».

Қириш-чопиш билан иш битмаслигига ишонч ҳосил қилган Чингизхон ўз ҳузурига масжид имомини чақиртирди.

Сўради:

– Бул қичқириқнинг отин не дерлар?

– Они зикр дерлар, – жавоб берди имом, – маъниси, Оллоҳни ёдга олмоқликдур.

– Оллоҳни мунча кўп ёдга олмоқликнинг маъниси недур?

Хоқондаги қизиқишни кўрган имом бемалол гапиришга ўтди.

– Ўзини унутмаганларни Оллоҳ унутмас. Зокирлар – зикр тушгувчилар ўз нолишларини Оллоҳ субҳонаҳу ва таоло эшитмоғидин умид қилурлар.

Имомнинг дадил гапларидан хоқон мутаассир бўлди. Табиатан ўзи тўғри гапирувчиларни хушлаганиданми, кўнглининг аллақаерида имомга хайрихоҳлик пайдо бўлди ва яна сўради:

– Сен айтқан зокирларнинг илтифотларини олар сиғинган Оллоҳ қабул айламаса-чи, онда не бўлур?

– Они ҳам Оллоҳнинг иродаси деб билурлар, инчунун, Парвардигор истаса, йўқни бор қилур, истаса, борни йўқ... Аммо билурларки, Оллоҳ раҳмдилдур.

Имомнинг бу гапи хоқонни ўйлантириб қўйди. Демакки, зокирлар ўз Оллоҳининг раҳм қилишидан ҳамиша умидвор бўлиб яшарлар ва шундин мадад олурлар. Хоқон ўзи Кўк тангрига сиғинади. Ундан умидвор бўлган ва аксинча уни унутиб қўйган ва ўзича таваккалига ташлаган қадамлари озмунча эмас. Зокирлар эса Оллоҳни ҳеч қачон, ҳатто бошга қилич келганида ҳам унутмас эканларки, буни ёддан соқит этса бўлмас...

Тўғри сўз имомга яхшиликча рухсат бериб юборгач, ўз хосхонасига ўтди ва ором истаган заҳоти яна ўшал зикр эшитилди: «Ё ҳув, ё Оллоҳ!»

Хоқон кўнглида ҳали пайдо бўлган ҳалимлик ўрнини яна бетоқатлик эгаллади. Ғазабга миниб доруғага буюрди: «Ўчир овозларини!»

Подшоҳларнинг бир оғзида сув, бир оғзида ўт, деб шуни айтурлар.

2

Бойимхон тарих сўйлар. Туркон хотун эшитар.

... Алқисса, қорахитойлар қипчоқларга таҳдид айлаб, юртин ғорат қилмоқ бўлмиш. Онда қипчоқ хони Акронхон Муҳаммад Такиш Хоразмшоҳ ила иттифоқ тузуб, қизи Туркон бегимни унга хотинликка бермиш. Оллоҳ субҳонаҳу ва таоло оларга қўчқордай ўғул ато айламиш. Ўғулга Алоуддин исмин бермишлар.

Вақтики келиб, марҳум падари бузруквори ўрнига тахтга ўлтирган Алоуддин Хоразмшоҳ салтанат шуҳратига шуҳрат қўшиб, кўп ёғийларни, алалхусус, қорахитойларни ҳам енгуб, эл-юртларин ўзига тобе айламиш...

Ҳикоят шу ерга келганида Туркон хотун Бойимхонни тўхтатди. Эшик орқасида қулоқ борлигини у сезган, шундан хавотирга тушган эди.

Бу тарих хоқонга малол келмоғи шубҳасиз эди.

3

Туркон хотун ўз дастёрига тарих айттириб, бундан ғариб кўнглига таскин топаётганидан хоқон хабардор эди. Бунга барҳам беришни кўнглига тугиб қўйган, унинг фикр-зикрини ҳозир Бухорода кечаётган ажабтовур ҳодисотлар буткул банд айлаган эди.

Зокирларнинг зикрлари устига яна бир «касофат» рўй бермоқда эди. Нўёнлар ва айрим маҳаллий бекларнинг чодирлари ва иморатларини бот-бот «яшин» уриб кетмоқда эдики, минг айғоқчи ва навкар қўйгани билан на олдини олиб бўларди, на изини топиб.



Хоқон қўпорувчиларни топиш ва жазолашни Қутқу нўёнга топширган эди, у бугун янги хабар топиб келди:

– Ул нобакорлар саҳройилар эрур, улуғ хоқон, – деди Қутқу, – икки қасоскор – Ёвбосар ва Ўтбосар полвонлар ва аларнинг қабатидаги бир тўда оёқяланглардур.

Хоқон ўйга толди ва нўёнга қулоқ берди.

– Олар саҳрода, Қизилқум ичинда макон тутмишлар, ондин улус оларни саҳройилар дермиш. Издошлари Бухорода – қалъа ковакларинда бамисоли каламушдек ин қуриб олмишлар. Иморатларга олар ўт қўймай ким қўюр?

Қутқунинг ўртага савол ташлаши хоқонни қуюшқондан чиқариб юборди.

– Саҳро дерсан, ковак дерсан, нечун саҳрони қуюндек босмассан, нечун ковакларнинг кулин кўкка совурмассан?

Хоқон ғазаби нўённи гапиришга бермас, боз устига, уч-тўрт кундан бери жимиб кетган қаландарлар айни шу дамда аллақайдан пайдо бўлишган ва туйнуклардан уларнинг овозлари кела бошлаган эди: «Ё ҳув, ё Оллоҳ!»

Демакки, яна кимларнингдир чодирин яшин урар...

Нўённинг ранги оқарди.

4

Қутқу «овоз бўғиш»га кетгач, хоқон ҳузурига шаманни чақиртирди. Кутилмаган ҳолатлар рўй берганида у ҳамиша шаман билан суҳбатлашар, Яланғоч бобо аксарият тўғри гапни айтишдан ҳайиқмас, бу хоқонга ёқар эди.

Бухородаги воқеалардан хоқон хуноб бўлаётганини шаман биларди ва шу ҳақда гап айланишини сезиб турарди, кеча кўрган туши ҳам худди шундан дарак бергандай эди. Ўрни келиши билан тушини хоқонга айтди.

– Қоpақурум эмиш. Отинг дарё сари оқсоқланиб келармишда, сув ичмоқ бўлармиш. Соҳил тик, дарё эса пастда бўлгани сабаб от сувга етолмасмиш. Сув лабига тушишга чўлоқлиги йўл бермасмиш. Сувга мўлтираб боққанча соҳилда тураверармиш. Кўзларидан ёшлар оқармиш.

Хоқон таъсирланди. Кўз ўнгига кўк оти келди. У девдай бақувват эди. Аммо болдирларига ёмон яра тошиб юролмай қолган ва ўлган эди.

Ўшанда шаман отга кўз тегди деган, унинг ҳозирги туши ҳам шунга ишорат эди.

– Гапимни эшит энди, буюк хоқон, – деди дадил сўзга ўтиб. – Бухоро руҳлар қалъаси. Унга тегинма. Масжидлари, қадамжоларини оёқости айлама. Шундоқ қилур эрсанг, дарвишлар ҳам тинчигайлар.

Шаманнинг масжид-қадамжолар ҳақидаги гапига шубҳаланди хоқон, дарвишлар борасида айтганларига ишонмади. Дарвишлар орқасида Ёвбосар ва Ўтбосарлар тургани ҳали шаманга аён бўлмаган...

Дарвишлар дарахт бўлса, улар илдиз.
Аввало, илдизни қуритмоқ лозим.

**(Давоми бор).**

# АЛИШЕР НАВОИЙ ҲИКМАТЛАРИ

Бу гулшан ичра йўқдур бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур қолса яхшилик била от.

***

Гавҳару дурни қулоқ озори бил,
Сўзни қулоқнинг дури шаҳвори бил.

***

Кимники билай десанг мақолин англа,
Аслин десанг англайин фиолин англа.

***

Ёлғончи киши эмас,
Ёлғон айтмоқ эранлар иши эмас.

***

Чин сўз мўътабар, яхши сўз мухтасар.

***

Оз демак ҳикматга боис ва оз емак сиҳатга боис.

***

Кишига неча келса мушкил ҳол,
Ҳикмату ақл анга эрур ҳалол.

***

Ўлтурур сафда юқориликдин,
Ўлтурур сафда яхшироқ билгил.

***

Ёмонни агар яхши қилсанг гумон,
Эрур яхшини ҳам дегандек ёмон.

***

Бегонани уй сари ёвутма,
Ўрнингки қизиқдурур, совутма.

***

Нафъинг агар халққа бешакдурур,
Билки, бу нафъ ўзунга кўпракдурур.

***

Улки, зарар шевасини тавр этар,
Элга демаким, ўзига жавр этар.

***

Яхшилиғ гар қилмаса, бори ёмонлиғ қилмаса,
Ким ёмонлиғ қилмаса, қилганча бордур яхшилиғ.

***

Одамий эрсанг, демагил одамий
Аники, йўқ халқ ғамидин ғами.

***

Яхши либос танга оройиш,
Яхши қўлдош жонга оройиш.

***

Комиллар аҳли ҳаё ва ноқислар беҳаё.

***

Илмни ким воситаи жоҳ этар,
Ўзинию халқни гумроҳ этар.

***

Ёмон тиллиғ, андоқким, эл кўнглига жароҳат еткурур, ўз бошиға ҳам офат еткурур.

***

Чин сўзни ёлғонга чулғама, чин айта олур тилни ёлғонга булғама.

# СПОРТ

## КУРСАНТЛАРНИНГ ҚИШКИ ОЛИМПИАДАСИ

**2009 ЙИЛНИНГ 19 ФЕВРАЛИДАН 22 ФЕВРАЛИГАЧА МУДОФАА ВАЗИРЛИГИГА ҚАРАШЛИ ОЛИЙ ҲАРБИЙ БИЛИМ ЮРТЛАРИ КУРСАНТЛАРИ ЎРТАСИДА ҚИШКИ ОЛИМПИАДА МУСОБАҚАЛАРИ БЎЛИБ ЎТАДИ.**

**Унда иштирокчилар махсус тактик тайёргарлик, спорт турлари ҳамда билимдонлик бўйича беллашадилар.**

**Мазкур олимпиадани ўтказишдан кўзланган асосий мақсад – курсантларнинг юксак маънавий, ахлоқий-руҳий ва жанговар маҳоратини янада шакллантириш, улар ўртасида мусобақадошлик муҳитини яратиш, интеллектуал салоҳияти юксак, кенг билимларга эга ва стратегик фикрловчи офицер кадрларни тайёрлашдир.**

**Курсантлар дала шароитларида муҳим топшириқларни бажариш, ҳарбий автомобилларни бошқариш, қурол-аслаҳалардан фойдаланиш каби бир неча вазифаларни ҳал қилиш бўйича мусобақаларда қатнашадилар. Бундан ташқари улар биатльон, комбинацияланган эстафета, спорт ориентири ва волейбол бўйича куч синашадилар. Шунингдек, олимпиада дастуридан «Балли, йигитлар!» ҳамда билимдонлар танлови ҳам ўрин олган.**

**Олимпиадада иштирок этиш жараёнида бўлажак офицерларнинг нафақат куч, эпчиллик ва мерганлиги, балки зукколик ва топқирлик, ҳар қандай ностандарт вазиятлардан тезда чиқиб кета олиш маҳорати ҳам синовдан ўтади. Бу эса уларнинг келгуси ўқув, хизмат фаолиятларида муҳим омил бўлади.**

**Мусобақалар Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти базасида бўлиб ўтади. Олимпиаданинг барча қатнашчиларига муваффақиятлар тилаймиз!**


Суратлар таҳририят архивидан олинди.

## УСТУВОР ВАЗИФА ЙЎЛИДА

Пекин олимпиадасида эришган ютуқларимиз, Ўзбекистон спортчиларининг ҳар қандай юксак марраларни забт этишга қодир эканини кўрсатишга, Ватанимизнинг спорт соҳасидаги салоҳиятини муносиб намойиш қилишга бўлган интилишлари кечагидек кўз олдимда турибди. Бу салоҳиятни, бу имкониятни намойиш этишда армиячи спортчиларимизнинг қўшган улкан улушидан туйганим – фахр-ғурур туйғулари юрагимда ҳануз акс-садо бермоқда.

Ҳа, баралла айта оламизки, бундайин ютуқларимиз республикамизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, халқни маънавий-руҳий соғломлаштириш, ҳар томонлама баркамол авлодни, ишончли, юксак тайёргарликка эга бўлган ва жисмонан чиниққан Ватан ҳимоячиларини тарбиялашга улкан эътибор қаратиб келинаётганидан. Бугун жисмоний тарбия ва спорт Қуролли Кучларимизда изчил амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ажралмас қисмига айланганидан. Ҳарбий хизматчиларимизнинг замонавий спорт тренажёрларида машғулотлар ўтишаётгани, замон талаблари даражасида жиҳозланган спорт мажмуаларида шуғулланишиб, чиниқишаётганидан. Қисм ва бўлинмаларда, ҳарбий муассасаларимизда жисмоний тарбия ва спорт бўйича масъул хизматларнинг талаб даражасида ташкил этилаётганлигидан. Қуролли Кучларимизда зўр анъанага айланган Умумармия ўйинлари ўз самарасини бераётганидан.

Мудофаа вазирининг буйруғига биноан яна бир анъанага асос солинди. Яъни олий ҳарбий ўқув юртлари курсантлари ўртасида қишки Олимпиада ўтказилади.

Маълумки, Президентимиз Қуролли Кучларимиз 17 йиллигига бағишланган Мурожаатида олий ҳарбий таълим муассасаларининг интеллектуал савияси юксак, дунёқараши кенг, узоқни кўра оладиган офицер кадрларни тайёрлаш борасидаги фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш борасида устувор вазифа қўйгандилар. Жорий йилнинг 19-22 февралида бўлиб ўтадиган қишки Олимпиада бу борада қўйилажак муҳим қадамлардан бири бўлиб, бўлғуси офицерларни тайёрлаш ва тарбиялашнинг ҳозирги замон талабларига тўла мос келадиган, принципиал жиҳатдан мутлақо янги ўқув-техник ва маънавий-ахлоқий асосларини янада шакллантиришга хизмат қилади.

Курсантлар ўртасида қишки Олимпиада ўтказиш тўғрисидаги Низомга назар ташлаб, мусобақада нафақат жисмоний, балки интеллектуал салоҳият ҳам синовдан ўтишини англайсан, киши. Юксак ақл-заковат, интеллектуал, жисмоний салоҳият, мустаҳкам ирода синовдан ўтар экан, демак, садоқатдек, матонатдек олижаноб туйғу, ватанпарварликка йўғрилган орзу-ҳаваслар шаклланади.

**Майор Алижон САФАРОВ.**

Легкая атлетика. Кубок Узбекистана

## ПОКОРЕННАЯ ВЫСОТА

**Рядовой по контракту Иван Зайцев из СВВАКИУ – метатель копья. В недавнем Кубке Узбекистана в помещениях, проведенном в Республиканском колледже олимпийского резерва, он попробовал свои силы в прыжках в высоту.**

– Опыт получился удачным, – рассказывает старший тренер МХСК по легкой атлетике сержант Анвар Кучмурадов. – Неожиданно для многих фаворитов Иван занял второе место.



Впрочем, для молодого талантливого атлета этот успех вполне закономерен. Ведь в минувшем году Иван Зайцев сумел выиграть три международных турнира: в Таиланде, Бишкеке, Алматы, выполнил норматив мастера спорта. Он сейчас находится в таком возрасте, что к стартам Олимпиады-2012 в Лондоне способен выйти на стабильно высокий мировой уровень.

Вообще, на долю представителей СВВАКИУ приходится очень солидная часть медалей, завоеванных армейцами на Кубке страны. Так, в беге на 60 метров с барьерами победила Зарина Кадырова, а «серебро» в активе спортсменки МХСК Анастасии Прошкиной. В тройном прыжке победила Александра Котлярова, она же завоевала серебряную награду в прыжках в длину. И, наконец, Альбина Сибагатуллина заняла третье место в беге на 60 метров.

Прекрасно выступила в прыжках в длину Александра Быстрыгова из ЧВТКИУ, победив с результатом – 6 метров.

В барьерном беге на 60 метров основной спор за победу развернулся между Олегом Норматовым и Артемом Дятловым. Верх взял более опытный Норматов.

А в «гладком» спринте острое соперничество между еще одним дуэтом из МХСК Акбаром Умаровым и Игорем Гончаровым держало в напряжении зрителей и специалистов. В беге на 60 метров победил Умаров, Гончаров был вторым. А на 200 метров сильнее оказался уже Гончаров, в свою очередь, оставив Умарова на втором месте.

В прыжках в высоту среди женщин победила младший сержант Надия Дусанова с результатом 1 м 90 см, в беге на дистанцию 800 м победительницей стала рядовой по контракту Анна Сидорова.

В семиборье соперники состязались в беге на 60 м, прыжках в длину, высоту и с шестом, толкании ядра, беге на 60 м с барьерами, на 1000 м. Здесь наилучшая сумма очков у Рифата Артыкова (МХСК), его одноклубник Марат Хайдаров стал вторым призером.

Остается добавить, что данные состязания стали отличной пробой сил для наших легкоатлетов перед выездом на чемпионат мира среди военнослужащих, который стартует 14 марта в Греции.

**Майор Анвар КАСЫМОВ.**

# СПОРТ

Чемпионат войск Министерства обороны

## ЧВТКИУ УДЕРЖИВАЕТ ЧЕМПИОНСКИЙ ТИТУЛ

**Как мы сообщали, в спортивном комплексе ДВВАУ прошел лично-командный чемпионат войск Министерства обороны по гиревому спорту. Под занавес спортивного праздника здесь разыгрывались комплекты наград в трех весовых категориях: до 80 кг, 90 кг и свыше 90 кг. Также были подведены итоги командного первенства.**



Хочется сразу отметить, что гиревой спорт «набирает обороты» в воинских частях и подразделениях. Об этом ярко свидетельствует такой факт: если в прошлые годы все призовые места разделяли команды трех высших военно-образовательных учреждений ЧВТКИУ, СВВАКИУ и ТВОКУ, то на этот раз последние оказались за чертой призеров. Представители Ташкентского военного округа и воинской части, где служит офицер Миркомил Хамдамов, «потеснили» команды ТВОКУ и СВВАКИУ из числа призеров. Соответственно они завоевали второе и третье командные места. А на высшую ступень пьедестала почета поднялась команда ЧВТКИУ.

В личном зачете в весовой категории до 80 кг острая борьба развернулась между младшим сержантом Сайфуллой Ураловым (ТВО) и капитаном Ойбеком Имомовым (ТВОКУ). Первым упражнение «толчок» выполнял С. Уралов и набрал 250 очков. О. Имомов также закончил это упражнение с суммой в 250 очков. В данном случае преимущество имел капитан Имомов, так как он был легче своего соперника на 3 кг. Кому же достанется золотая медаль, зависело от результата второго упражнения «рывок». В рывке С. Уралов набрал 140 очков, то есть результат рывка каждой руки составил по 70 раз. Уже зная результат своего главного соперника, Имомов правой рукой выполнил рывок 71 раз. До последней секунды судьи и зрители, заполнившие актовый зал, где проходили соревнования, были уверены, что победа достанется капитану Имомову. Но вдруг на 68 счете рывка левой рукой по нелепой случайности гиря сорвалась с руки. И это стоило ему золотой награды. Ведь очки в рывке считаются по наименьшему количеству выполненного упражнения.

Третьим призером стал курсант Бахром Хамидхонов (ЧВТКИУ), завершивший свое выступление с результатом 322 очка. Кстати, все призеры этой весовой категории выполнили норматив кандидата в мастера спорта.

Тактически грамотно вел борьбу рядовой по контракту Азизбек Рахматуллаев, выступавший в весовой категории до 90 кг. Он и стал чемпионом в этом весе, сумев в сумме двоеборья набрать 440 очков. Серебряная награда досталась курсанту ЧВТКИУ Хожиакбару Хамдамову (430 очков). Бронзовой медали удостоился подполковник Алишер Ташбатыров (ТВО). Эти военнослужащие уверенно выполнили спортивный норматив кандидата в мастера спорта.

«Золотым» в весовой категории свыше 90 кг стал курсант ЧВТКИУ Шерали Утаев (386 очков), «серебряным» — курсант СВВАКИУ Рустам Юсупов (304 очка) и «бронзовым» — старший лейтенант Миркомил Хамдамов (296 очков).

Чемпионы и призеры были награждены медалями и дипломами соответствующих степеней.

Все участники и гости соревнований отметили, что чемпионат прошел на высоком организационном уровне.

### КОММЕНТАРИЙ СПЕЦИАЛИСТА

**Итоги прошедшего чемпионата мы попросили прокомментировать судью соревнований, старшего тренера МХСК, заслуженного тренера Республики Узбекистан по тяжелой атлетике Виталия Ана.**

— Хочется отметить, что наряду с основными участниками соревнований в рамках лично-командного чемпионата по гиревому спорту среди войск Министерства обороны приняли участие и те, кто выступал для выполнения разрядных нормативов, но их результат не шел в лично-командный зачет.

Это говорит о том, что число приверженцев «железной игры» растет из года в год.

В нынешнем чемпионате участвовали 18 «личников», из них пятеро выполнили норматив кандидатов в мастера спорта, восемь стали перворазрядниками и по одному участнику выполнили норматив второго и третьего разряда. Это, конечно, радует нас.

В целом в ходе чемпионата 27 участников стали кандидатами в мастера спорта, 37 — перворазрядниками, у шестерых — второй разряд, у троих — третий разряд.

Такой показатель говорит о многом. Для сравнения скажу, что на первом чемпионате всего восьми участникам удалось выполнить норматив кандидата в мастера спорта. Как видим, качественный рост соревнований на лицо.

Хочется надеяться, что число поклонников гиревого спорта в следующем году будет еще больше, и соревнования вновь будут проходить в духе здорового соперничества.

**Майор Хайритдин ЗАЙНИЛОВ, корр. «Ватанпарвара». Фото автора.**

## ИЗ ГЁТЕБОРГА — С МЕДАЛЬЮ

**На днях наш армеец из МХСК Леонид Андреев, выступавший на международном турнире по легкой атлетике в шведском городе Гётеборге, возвратился домой с бронзовой медалью.**

Он показал превосходный результат в прыжках с шестом, покорив высоту 5 м 35 сантиметров. Это яркая заявка нашего атлета на старте спортивного года. Леонид находится в отличной форме.

Верится, что такое вдохновляющее начало придаст новых сил Леониду для завоевания новых побед.

**Сержант Анвар КУЧМУРАДОВ.**

Кураш

## САЛОНИКИДА КУРАШ БАЙРАМИ

Миллий спорт тури – кураш йилдан-йилга нафақат юртимизда, балки бутун дунё бўйлаб кенг оммалашиб бормоқда. Бугунги кунда сайёрамизнинг беш қитъасидаги 120 га яқин мамлакатларда кураш кенг йўлга қўйилиб, маҳаллий кураш федерациялари фаолият олиб бормоқда. Бу Халқаро кураш ассоциацияси (ХКА)нинг курашни оммалаштириш ва ривожлантириш борасида олиб бораётган кенг миқёсли ишлари самарасидир. Ҳозирда кўплаб мамлакатларда кураш бўйича турли мусобақалар ўтказилмоқда. Бундан ташқари кураш 2009 йилда Вьетнамда бўлиб ўтадиган ёпиқ иншоотлардаги ва Таиланд давлати мезбонлик қиладиган яккакураш спорт турлари бўйича Осиё ўйинлари дастурига расман киритилган. Шу давргача беш марта ёшлар, олти маротаба катталар ўртасида кураш бўйича жаҳон чемпионатлари катта муваффақият билан ўтказилди.

Куни кеча яна бир йирик халқаро турнир ўтказилди. ХКА матбуот хизматидан олинган хабарда айтилишича, Грециянинг Салоники шаҳрида кураш бўйича анъанавий V халқаро Ислом Каримов турнири бўлиб ўтди.

Ушбу йирик мусобақада дунёнинг 30 га яқин мамлакатидан келган 100 нафардан ортиқ полвонлар 73 ва 90 килограмм ҳамда мутлақ вазн тоифаларида гиламга чиқишди. Муросасиз ўтган беллашувлар якунига кўра, мутлақ вазн тоифасида ҳамюртимиз, Пекин Олимпиадаси кумуш медали соҳиби Абдулла Тангриев финалда грециялик таниқли полвон Дионисис Илиадисни мағлубиятга учратиб, бош совринни қўлга киритди.

73 кг. вазн тоифасида Чвича Циклаури (Грузия) ва 90 кг. вазн тоифасидаги курашчилар баҳсида эса грециялик Моисес Илиадислар шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олишди.

**П. СОБИТОВ.**

Футбол

## МАВСУМ МУВАФФАҚИЯТЛИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2009 йил мавсумини расман бошлади. Миржалол Қосимов бошчилигидаги жамоамиз 2011 йил Қатарда бўлиб ўтадиган навбатдаги Осиё чемпионати саралаш босқичидаги дастлабки учрашувни меҳмонда Бирлашган араб амирликлари терма жамоасига қарши ўтказди.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, М. Қосимов терма жамоа бош мураббийи вазифасида иш бошлаган илк кунларданоқ жамоа ўйини ва таркибига жиддий ўзгартишлар киритиш, кўпроқ ёш, иқтидорли футболчиларни жалб этиш асосий мақсади эканлигини айтган эди. Ўз принципларига содиқ қолган бош мураббий мавсумдаги дастлабки расмий учрашув олдидан эълон қилган таркибига ҳозирда Эрон клубларидан бирида фаолият кўрсатаётган Шаҳбоз Эркиновдан бошқа биронта легионерни киритмади, аксинча И. Тўхтахўжаев, Ш. Каримов, С. Андреев, С. Жўраев, А. Филипосян, С. Мамадалиев каби ёш футболчиларни таклиф этди.

Таркибдаги ўзгаришлар терма жамоамиз ўйинига ҳам таъсир кўрсатди. БАА терма жамоасига қарши ўтган ўйинда тажрибали ва ёш ўйинчилардан ташкил топган жамоамиз ажойиб ўйин намойиш этди. Учрашувнинг аксарият қисми ҳамюртларимиз устунлиги остида ўтди. Амирлик футболчиларига бундан олдинги турда Малайзия терма жамоаси устидан сафарда қозонилган йирик (5:0) ғалаба салбий таъсир кўрсатдими, ҳар ҳолда уларни бу ўйинда таниб бўлмади. Айниқса, 1-бўлимда футболчиларимиз гоҳ ўнг, гоҳ чап қанотдан кетма-кет ҳужумлар уюштириб, рақибларини шошириб қўйишди. Учрашувнинг 29-дақиқасида ўнг қанотдан уюштирилган ана шундай тезкор ҳужумлардан бири самарали якунланди. Элдор Магдеевнинг жарима майдонига аниқ ошириб берган тўпини Фарҳод Тожиев дарвозага йўллаб, ҳисобни очди – 1:0.

Табиийки, амирлик футболчилари ўз майдонларида мағлуб бўлишни исташмас эди. Улар ташаббусни ўз қўлларига олиб, вазиятни ўзгартиришга ҳаракат қилиб кўришди. Аммо тактик жиҳатдан ўйинни яхши ташкил этган футболчиларимиз бунга йўл қўйишмади. Ҳимоядаги яхши ўйин, уюштирилган қарши ҳужумлар футболчиларимизга меҳмондан муҳим ғалаба билан қайтиш имконини берди.

Шундай қилиб, терма жамоамиз саралаш босқичини, шу билан бирга жорий мавсумни сафардаги муваффақият билан бошлади. Энди биз 11 февраль кунини интиқиб кутамиз. Шу куни М. Қосимов шогирдлари 2010 йилги жаҳон чемпионати саралаш босқичининг навбатдаги, жамоамиз учун ўта муҳим бўлган учрашувида Баҳрайн терма жамоасини «Пахтакор» стадионида қабул қилади. Футболчиларимиз бу ўйинда ҳам маҳорат кўрсатиб, мухлислар ишончини албатта оқлашади, деб умид қиламиз.

**М. САЙДИВАЛИЕВ.**

# МАДАНИЯТ

## КУЧ БАҒИШЛАР МАЪНАВИЙ ҲОРДИҚ

**Ҳарбийларимизнинг машғулотлардан бўш пайтлари, яъни дам олиш соатларини мазмунли ўтказишлари учун имкониятлар катта. Аввало барча ҳарбий қисм ва бўлинмаларда кутубхоналар ишлаб турибди. Маънавият ва маърифат хоналари, офицерлар уйлари каби маданият ўчоқларини шулар сирасига киритиш мумкин. Ҳарбий қисмлардаги клублар эса кўзда тутилаётган дам олиш тадбирларининг янада сифатли ва қизиқарли ўтишида алоҳида ўрин эгаллайди. Офицер Ғайрат Сафаров етакчилик қилаётган ҳарбий қисм клубида бўлганимизда бунга яна бир бор амин бўлдик.**

– Шахсий таркибнинг кўнгилли маданий ҳордиқ чиқаришини таъминлаш, бунинг учун эса тадбирларни қизиқарли ташкил этишга эътибор қаратишдир. Шу боисдан ҳам жамоа аъзолари билан тез-тез турли кўнгилочар тадбирлар, «Қувноқ билимдонлар баҳси», «Заковат», «Балли, йигитлар» каби танловлар ташкил қиламиз. Билим ва маҳорат синови бўлган бундай тадбирлар албатта, барчага бирдек манзур бўлади, деб ўйлайман. Шанба, якшанба кунлари клубимизда ҳарбий ватанпарварлик мавзусидаги кинофильмлар намойиш этилади. Бундан ташқари турли саналарга бағишлаб байрам кечалари намойиш этилади. Ушбу тантаналарга давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маданият ходимлари, шоир ва ёзувчиларни ҳам таклиф этамиз. Улар билан ўтказилган суҳбатлар посбонларга жуда манзур бўлмоқда,– дейди клуб бошлиғи офицер Ғайрат Сафаров. – Ҳарбий қисм клуби хизматчи ва ходимлари нафақат ҳарбий қисмда, балки туман миқёсидаги тадбирларда ҳам фаол иштирок этади. Бунга мисол қилиб, яқинда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан тумандаги мактаб, лицей ва коллежларда намойиш этилган байрам дастурларини, дастур доирасида ўтказилган давра суҳбатлари, учрашувларни киритишимиз мумкин. Биз мазкур дастурларни тайёрлашга ўқувчи-ёшларни ҳам жалб қилдик. Бу эса бизга янада мароқ, куч-ғайрат бағишлайди. Чунки келажак ворисларимизнинг содда ва самимий сўзларида, хатти-ҳаракатлари ҳамда ҳарбийликка ҳавас қилишлари замирида алоҳида шавқ-завқ мужассам.

Қисм шахсий таркиби, сафдошларимизнинг масъулиятли ва мураккаб хизматлари йўлида баҳоли қудрат улуш қўшсак, уларга маънавий озуқа бера олсак, ўзимизни бахтиёр ҳисоблаймиз. Шу ўринда барча тадбирларда фаол, ҳамиша хизматга шай қисм оркестри фаолиятини алоҳида таъкидлаб ўтишни жоиз, деб биламан. Улар қисмда бўлиб ўтадиган йиғин, тадбир ва тантаналарда чин кўнгилдан, фаол хизмат қилишмоқда. Оркестр аъзоларининг барчаси шартнома асосидаги ҳарбий хизмат сержант ва аскарларидан иборат. Ҳар бири ўз вазифасига сидқидилдан ёндашади. Ҳар қандай шароитда ҳам топшириқни адо этишга ҳаракат қиладилар.

Биз оркестр аъзоларини ижод жараёнида учратдик. Улар янги мусиқа устида ишлашаётган экан. Ўзини шартнома бўйича хизмат оддий аскари Баҳриддин Аслонов деб таништирган бу йигит, мана икки йилдирки, оркестр фаолиятини ривожлантиришга ҳисса қўшиб келмоқда.

– Куй ва қўшиққа ошуфта бўлмаган инсон дунёда топилмаса керак, – дейди у биз билан суҳбатда. – Унинг сеҳрли жозибаси ҳар қандай тош юракни ҳам эритишга қодир. Шу боисдан ҳам бежизга қўшиқни эзгулик ва яхшилик элчиси деб таърифлашмаган. Ундан ҳамма руҳий қувват олади, завққа тўлади. Энг асосийси, қўшиқ кишиларни янги-янги чўққиларни забт этишга чорлайди. Ҳарбийлик – фидойилик, шижоат, кучлилик талаб этиладиган касб. Гуруҳимиз репертуаридан жой олган ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги қўшиқларнинг барчасида ана шундай юксак фазилатлар тараннум этилади. Агар мазкур қўшиқларимиз посбонларимизга манзур бўлаётган бўлса, биз ўз мақсадимизга эришаяпмиз деб ўйлайман.

– Наманган шаҳридаги санъат билим юртида таҳсил олганман, – дейди оркестр аъзоси шартнома бўйича хизмат оддий аскари Рашид Эргашев. – Ўқишни тамомлаб, мазкур ҳарбий қисмда йигитлик бурчимни ўтадим. Аввалига қисмда ўтказилган турли тадбирларда оркестр таркибида чолғу асбобларини чалиб юрдим. Хизматни якунлаганимдан кейин эса менда оркестрда фаолият юритиш истаги туғилди. Шу боис шартнома бўйича хизматга қолдим. Сафдошларимизнинг маънавий ҳордиқ чиқаришлари учун озгина бўлса-да ўз ҳиссамни қўшаётганимдан беҳад хурсандман.

Оркестр ижрочилари кичик сержант Ҳусан Тўраев, Яшнар Обидов ва шартнома бўйича хизмат оддий аскарлари Музаффар Ғаффоров, Юсуфжон Кўнгиров, Тоҳиржон Нормирзаевларнинг ижодлари ҳам таҳсинга лойиқ. Уларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли оркестр жамоаси бир неча бор республика миқёсида ўтказилган қўшиқлар танловида юқори натижаларни қўлга киритиб келмоқда. Ўйлаймизки, жамоа бундан буён ҳам янги-янги куй-қўшиқлари билан ҳарбийлар кўнглини шод қилаверишади.

**Гулнора МУРОДОВА.**
**Аҳрор ОЧИЛОВ суратга олган.**



## ҚИЗИҚАРЛИ САЁҲАТ

**Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти Офицерлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш факультети тингловчилари Темурийлар тарихи давлат музейига саёҳат уюштирдилар. Улар тарихнинг неча-неча асрлик синоатларидан ҳикоя қилувчи осори атиқалар, кўҳна тарихий экспонатлар билан яқиндан танишдилар.**

– Таъкидлаш жоизки, факультет ўқув режасидан тайёргарликнинг турли йўналишлари билан бир қаторда бундайин маънавий-маърифий тадбирларни ўтказиш ҳам ўрин эгаллаган, – дейди факультет ўқитувчиси капитан Александр Мирзаев. – Тингловчиларнинг дам олиш кунларини мазмунли ташкил этиш мақсадида пойтахтдаги музей, театрлар, шунингдек, бошқа маданият масканларига экскурсиялар ўтказишга алоҳида аҳамият қаратиб келинади. Юқоридаги тадбир ҳам шулар жумласидандир.

– Саёҳат менга жуда манзур бўлди, – дейди факультет тингловчиси капитан Зиёдулла Шуайбов. – Юртимизнинг тарихига оид ноёб экспонатлар билан танишдик. Кўплаб янги маълумотларни билиб олдик. Менга айниқса, темурийлар даврида бунёд этилган ва ҳалигача бутун дунёни ҳайратга солиб келаётган иншоотларнинг ғоят нафислик ва усталик билан ясалган бежирим макетлари манзур бўлди. Бундай экспонатлар орқали ёшлар аждодларимизнинг Ватан ободлиги ва тараққиёти йўлида нечоғли азму шижоат кўрсатганлигига амин бўладилар.

– Бу каби маданий тадбирлар кишида ўтмишга ҳурмат, юртга муҳаббат туйғуларини шакллантиради, – дейди лейтенант Ўлмас Турсунов. – Бу эса айниқса, биз офицерлар – шарафли касб эгалари фаолиятида муҳим ҳисобланади. Зотан, миллатини, Ватанини, тарихини юракдан севган, бу тушунчалар қадрини чуқур англаган посбонларгина тинчлигимизнинг муносиб қўриқчилари бўла оладилар. Шу маънода бугунги саёҳатдан мамнун бўлдим.

**Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**

## ЭКСПОЗИЦИЯ МУЗЕЯ

**В Бухарском государственном художественно-архитектурном музее-заповеднике открылась новая экспозиция «Природа Бухарской области и ее природные богатства».**

На ней представлено свыше 230 экспонатов, рассказывающих о рельефе и геологии этого оазиса, климате, полезных ископаемых, водной системе, почве, флоре и фауне. К их числу относятся палеонтологические находки, отражающие особенности исторического развития оазиса и его геологию. Здесь также демонстрируются образцы множества полезных ископаемых, содержащихся в недрах области, и фотоснимки, рассказывающие о деятельности Караулбазарского нефтеперерабатывающего завода.

– Новая экспозиция вызвала у молодежи большой интерес, – сказала сотрудница музея-заповедника Дилрабо Холикова. – Особенности природы оазиса, а также осуществляемая широкомасштабная работа по охране флоры и фауны привлекают внимание посетителей музея.

– Экспонаты произвели на нас большое впечатление, – сказал ученик школы № 6 города Бухары Шохрух Салихов. – Находящиеся здесь материалы, фотоснимки, новые сведения о богатой природе Бухарской области расширили наши знания о родном крае, кругозор, усилили интерес и любовь к природе.

**УзА.**

ВАТАНПАРВАР

Муассис – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги

Учредитель – Министерство обороны Республики Узбекистан

МУАССИС КЕНГАШИ: Тоҳир ҲАМРОҚУЛОВ – кенгаш раиси, Раҳимжон НУРНАЗАРОВ, Олим ҚЎЧҚОРОВ, Алишер МУИНОВ, Нурмуҳаммад МУЛЛАБОЕВ, Шуҳрат ТЎХТАЕВ, Абдусаттор ЭРГАШЕВ, Қурбон АМИНЖОНОВ, Олимжон ЗАНЖИРОВ, Ҳикмат НАСРИДДИНОВ.

Бош муҳаррир подполковник К. МИРГАЛАУТДИНОВ.

Шу сонга масъуллар: майор А. УСМОНОВ, майор Х. ЗАЙНИЛОВ.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган. ISSN 2010-5541.

Телефонлар: навбатчи – 256 09 81; обуна бўлими – 256 03 46. Факс: 256 17 98.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Таҳририят манзили:
100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида Р. Исмаилов ва З. Хошимов томонидан саҳифаланди.

Газета жума куни чиқади. | Адади 27000.

Нашр кўрсаткичи 114. | Буюртма № J-6864.